

Онур Қоплон

Алфидо



Ҳозир ортимга
ўгирилиб қарасам,
бошим ўз-ўзидан
хам бўлади
ва қўлларим
дуога очилади...



821	2021/507-3		
К 58	Коплом О		
	Алфидо		
Т-2021-1928-	30 000		

ОНУР ҚОПЛОН

АЛФИДО

Таржимон:
Аброр Адҳам ўғли

Мутолаа бошланган сана: _____

Мутолаа тугаган сана: _____



УЎК: 821

КБК: 84

Қ – 58

Қоплон, Онур

Алфидо: адабий-бадий нашр / Онур Қоплон. – Тошкент:
Янги аср авлоди, 2021. – 192 б.

ISBN 978-9943-20-843-8

Таржимон
Аброр Адхам ўғли

ISBN 978-9943-20-843-8

© Онур Қоплон, «Алфидо». «Янги аср авлоди», 2021.

Zanglota AKM

Inventar № 2021/507-3

Онур Коплон

Алфидо



ТАРЖИМОНДАН

Кўлингиздаги китоб жузъий қисқартиришлар билан таржима қилинган бўлса-да, асарнинг асосий ғоясини, руҳини, ундаги ҳисларни етказа олдим деб умид қиламан. Таржима жараёни енгил кечмади: баъзан кунлаб, ҳатто ҳафталаб китобни кўлимга ололмадим. Айрим сатрлари тўсатдан туширилган тарсакидек юзимни ловуллашиб юборди, баъзи сўзлари юрагимга тош мисоли чўқди. Қуйидаги сатрларни таржима қилар эканман, кўзимдан тиркираган ёшларни тўхтата олмадим, шу сатрларнинг туткиси билан кўрқа-писа ортимга ўгирилганимда танимни ғамгинлик чулғаб олган бўлса-да, олдимда турган УМИД мени кўлимдан тортиб кетди. Зеро, тавба эшиклари то қиёматгача ёпилмайди. Менга қаттиқ таъсир қилгани учун (ўзимдан ўтганини бир мен биламан, бир Аллоҳ) бу сатрларни ҳали мутолаага киришмасингиздан олдиноқ сизлар билан бўлишгим келди:

“...Тонглардан бирида кўзларимни уйқудан очиб, жойнамознинг устида уйғондим. Қудуқ деворларини босган бақатўннинг исига тўйинган ичимга бир уруғ қададим. Ўрнимдан туришга уринмадим, зеро, мажолим йўқ эди. Овозимни эшиттириш учун бақи-

ришимга ҳам хожат бўлмади. На қўлимни кўтардим, на бирор ишора бердим. Фақатгина “Аллоҳим!” дедим ва хирилдоқ овоз билан ичимдаги оламни уйғотдим. Йўқсиллик нималигини биласизми? Ҳамма нарсам бор Ундан айро, деб ўйлайсиз, аммо энг саёз сувда ҳам чўкиб кетасиз. Ўрнимдан туролмаيمان деб ўйлаяпсиз, шундайми? Қаддимни ростлай олмаيمان, тиззаларим букилиб кетади, ўтмиш ёқамни қўйиб юбормайди, тилим Якто дейишга айланмайди, деяпсиз, тўғрими? Кўзингизни юминг, “Аллоҳим!” денг, оғзингизни юминг ва бир томчи сувда кўринг Унинг исмларини. Кўзингизни юминг ва Раббингизнинг сизга “Қулим” дейишига қулоқ тутинг, қулоқларингизни ёпинг ва шоҳтомирларингизда кўпирган қувватни ҳис қилинг. Шунини унутмангки, бу йўлда кўриш учун на кўзларга, эшитиш учун на қулоқларга, гапириш учун на лабларга эҳтиёжингиз бор, бу йўлда фақатгина “Аллоҳим!” десангиз кифоя”.

Ишончим комилки, сиз ҳам бу китобдан ўзингизга тегишли нимадир топасиз.

“Алфидо” Зайнаб ҳақида битилган китоб эмас, у мен ҳақимда, сиз ҳақингизда, улар ҳақида...

Таржимадаги нуқсонлар учун каминанинг узрини қабул қиласиз деган умиддаман.

*Камоли эҳтиром ила,
Аброр Адҳам ўғли*

Хонадан ўзига ишончи комил, оиласига бирор марта ёлгон гапирмаган қиз ўлароқ чиқдим. Қайтганимда мендан нималар камайган бўлиши мумкинлиги умуман хаёлимга келмаганди.

Ҳозир ўзимга савол бераман: агар ҳаммасини олдиндан билганимдан ўша эшикдан ҳатлаб ташқарига чиққан бўлармидим?.. Айт, Миттивой, сен чиққан бўлармидинг? Ўзингдан, келажакдан узоқлашармидинг? Айтақол, Миттивой, менинг ўрнимда сен бўлганимда, ўзингни қайтиб топа олмаслигингни билганинг ҳолда ўша эшикни истиқболнинг юзига ёпиб қўярмидинг?..





Бир ҳикоям бор... Йўнилган қоялар орасидан телбаларча кўпириб тошган бир томчи сувда гарқ бўлганим ҳақида...

Ўзим ҳам билмайдиган бир балиқнинг қорнидан сўзлаяпман сенга. Бу ер зимистон ва хилват жой. Мен эса қоронгиликдан жуда қўрқаман...

Сенга дўстларча қўл узатяпман: сенинг ҳикоянг-да сенга пойабзалимни туҳфа қилиш учун, менинг ҳикоямда мени тушуна олишинг учун.

Илтимос, менга яхши қарагин...



“Бир ҳикоям бор... Тарашланган қоялар аро отилиб чиққан бир томчида чўкиб кетганим ҳақида... Чинқироқ саслар қулогим тагидан визиллаб ўтганида карахт бўлиб қолганим тўғрисида...”

Пурвиқор тоғларнинг чўққиси нега туман билан қопланган бўлади, биласизми? Чунки ҳаяжон тўла кўнгилнинг хазинаси булутларда яширинган...

Яраларим бор, мойчечаклар мисоли сочилган пойинтар-сойинтар сўзлар орасидан сирқиб чиққан...

Бўлмайти деб гумон қилганларимизми бизни умидсизлик уммонида чўктиради ёки рўёбга чиқмаслигига ишонганларимизми?..”

Мана шундай бошланди менинг ҳикоям. Амалга ошмаслигига ишонганларим орасида моғор исига бўғилаёзганимда, ушалмаслигига алданганларим аро овора бўлаётганимда кўкқисдан деразам очилди. Сўлғин чехраси билан менга тикилар экан, “Роса қидирган бўлсанг керак”, дея пичирладим. Албатта, ичимда. Кейинми? Кейин эса мен оғиз тўлдириб номини алаҳлайдиган хузур соҳилига айланди-қолди.

Бу менинг ҳикоям.

Бу сенинг тасаввурингда жонланадиган, сўзларини сен бўяйдиган ҳикоя.

Илтимос, битта пиёла келтир, чунки мисралар сенга чой куйиб беради...



1

“Зайнабнинг Хотира музейи...

Бу университет орзуимдагидан ҳам ортиги эди. Жаннатга тушиб қолдимми ёки эпизод учун бош ролини қўлга киритган актрисаманми? Ё Аллоҳ, ичимдан келаётган озодлик саслари қулоқларимда шундай жаранглаяптики! Йўқ, аввал кўрмаганим учун ўзимни довдираб қолгандай эмас, балки шу пайтгача ўрганганларимни амалда қўллаш учун йўлнинг ўртасида тургандай ҳис қиляпман!”

* * *

Бундан роппа-роса уч йил аввал Хотира музейимда ана шу сатрларни тизган эдим. Ҳозир ортимга ўгирилиб қарасам, бошим ўз-ўзидан ҳам бўлади ва қўлларим дуога очилади. Ўзимни озодликлар диёрида ҳис этганим билан, аслида у ернинг қули бўлганимни тушуниб етганмидим ҳеч?..

Ҳамманинг ҳам ёқтирган таъми бўлади-ку, шунчалар тотлики, ҳатто озгина ҳидига ҳам оғизнинг суви оқади. Ҳа, худди шунақа аҳволдамиз: аввал-

лари қачондир фақат “мен” деб яшаганмиз. Қачон шайтон қулоғимнинг тагида шивирлай бошласа, ич-ичимда бир жойим кўрқувдан қалт-қалт титрайди. Енгилишдан шунчалик кўрққанмидим деб сўрашни хоҳлайман, аммо...

Гоҳида саволларнинг орасида жавоб олишдан кўрқкудек бўлиб овозим чиқмай қолади ва ҳеч ким ичимда учаётган мовий капалакларни¹ кўра олмайди.

Ҳақиқатан, шундай эмасми? Қийматли нарсалар ҳар доим муҳофаза қилинади-ку. Сен, чиндан ҳам, асраб-авайлаяпсанми?..

Фикрларинг сатрларга нима учун ташланиб қолаётганини биламан, сиримни сен билан баҳам кўриш учун вақтинг бўлишини кутяпман.



¹ *Таржимон изоҳи:* “ичида капалак учиши” – ҳаяжонни билдирадиган ибора; мовий капалак – кўпинча қабристонларда учрайдиган капалак тури.



Эрталаб кўзимни уйқудан аранг очар эканман, қулоғимга аллақандай қушнинг овози чалинди. Қарасам, деразанинг бурчагидан менга тикилиб турибди. Ҳали ўзимга келиб улгурмаган бўлсам-да, ўрнимдан сапчиб туриб, зипиллаганча олдига бормоқчи бўлдим-у, тақатақ тўхтадим. Бу митти тўтиқуш² эди. Ажабо, деразамнинг олдида нима қилиб юрибди?.. Уни чўчитиб юбормаслик учун худди мина кўмилган майдонда юраётгандек оҳиста қадам ташладим. Шунча эҳтиёткор бўлсам-да, уни ҳуркитибман чоғи, қаерга қочишни билмай, хонамга кириб қолди. Қочиб кетмасин деб дарров деразани ёпдим-да, уни тутиб олдим. Қўрқув акс этган кўзлари билан менга қараб турарди. Миттигина юраги шунчалар тез ураётган эдики, уни ташқаридаги ёмонликлардан асраш учунми деразани ёпдим ёки шу хонага маҳкум этиш учунми, иккиланиб қолдим. Унга бироз термилиб тургач, қафас олишим кераклиги хаёлимга келди ва қушни хонамда ёлғиз қолдирганча ташқарига зинғилладим.

² Карлик ёки жингалак тўтиқуш деб аталувчи тўтиқуш тури.

Қайтиб келганимда бир бурчакка тиқилиб олган, кўзларида ёлғизликнинг андуҳи намоён эди.

Демак, шунақа экан. Ичингда бир рух бўлса, сени қандай номлашларидан қатъи назар, ўзгача рангдаги кўзларингни ҳам ёлғизликнинг айни тумани қопларкан.

Ўйланиб қолдим: йўлда дуч келган кимнидир тўхтатиб, ёлғизликнинг иси қандай бўлишини сўрасам, жавоб бера олармикин?.. Туркия тилшунослик кўмитаси ёлғизликка қандай таъриф берган эди?..

Ким нима деса десин, ёлғизлик бу теледастурга чиқиб, “7 миллиард одам мени кўриб турибди” деб ўйлаган одамнинг ичидан ўтганларидир.

Ким нима деса десин, ёлғизлик бу тумонат ичида овозингни ҳатто ўзинг ҳам эшитмайдиган даражада ўз қобиғингга ўралиб олишингдир.

Ким нима деса десин, лекин, Миттивой, сен ёлғизликдан қийналма, хўпми? Асло хавотирланма, бу ерда ёлғизланиб қолмайсан, сенга сўз бераман. Хуш келибсан Зайнабнинг дунёсига...

Яхшилаб нонушта қилиб олгач, ойнанинг қаршисида нақ икки соат ўтирдим. Нимага бўларди, иккинчи ҳафтанинг биринчи куниданоқ мен кеч қолган дарсга бориш, йўқ, тўғрироғи, улгуриб қолиш учун. Ахир энди университет талабасиман, шундай экан, ўзимга кўпроқ вақт ажратишим зарур. Лекин ўзимга вақт ажратаман деб кўпинча дарсларга кеч қоляпман. Семестр эндигина бошлангани

учун кўпам ғам чекаётганим йўқ, имтиҳонларгача ҳали анча бор. Ҳозир буларни ўйлашга жуда эрта, шундай эмасми?

Университетда ҳамма янги бўлишига қарамай, аввалдан қаердадир келишиб олгандек бир-бирлари билан жуда тез чиқишиб кетишди. Ажабо, мен ҳаддан ташқари бегонаманми бу жойларга ёки бу жойлар менга жуда-жуда бегонами?.. Икки кундаёқ севишганларга айланганлар ҳақида гапиришни ҳатто истамайман. Қачон улгурдингиз бир-бирингизни танишга?.. Бир оила бўлишингиз мумкинлигига қачон ишонч ҳосил қила қолдингиз?.. Хаёлимда худди “Фотиманинг тўйи”³ жонлангандек бўлди, ҳозир мени халай⁴нинг бошига ўтказиб қўйишса керак. Халайнинг бошида бўлиб қолмасимдан эътиборимни бошқа нарсаларга қаратай деб турганимда ён столда ўтирган икки қизнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири шунчалар ҳаяжон билан гапираётган эдики, азбаройи қизиқиб кетганимдан улар томонга яқинроқ сурилдим. Узоқдан қараганда, сўзлагувчи бўлишни хоҳлармидинг ёки эшитувчими деган саволнинг жавобини мен асло топа олмайдиган суҳбатга ўхшарди. Эшитувчи бироз қисик кўзларини катта-катта очганча ҳайрат ичра қулоқ

³ Ферди Тайфур исмли хонанданинг қишлоқдан катта шаҳарга кўчганлар ҳақида айтган кўшиғи. Клипида халай рақси сахнаси бор.

⁴ Кўл ушлашиб ёки кўлларни бир-бирининг елкасига қўйиб ўйналаган анъанавий турк рақси. Халайнинг бошидаги киши бир қўлида рўмолча билан ёнидагиларни йўналтиради.

солиб ўтирар, сўзлагувчи эса гўё ингичка арқоннинг устида кетаётган дорбоздек ҳаяжон билан гапирарди. Унинг бир саволидан қулоғимнинг тагида момақалди роқ гумбурагадек бўлди:

– Ажабо, фақатгина бу дунё учун яралганмисан, бор вақтингни унинг учун сарфлаяпсан?..

Бу нимаси? Нима демоқчи бўлди? Ўтирган жойимда донг қотиб қолгандим. Ўрнимдан турмоқчи бўляпман-у, оёқларим ерга михлаб қўйилгандек. Нега бесаранжом бўлдим ўзи?..

“Фақатгина бу дунё учун яралганмисан?” деган овоз эшитилди ичимдан.

“Албатта, ундай эмас. Зеро, охиратга имон келтиргансан” деган сас ҳисларимни бўлиб қўйди. Одамнинг гапи бўлинишини билардим, ҳислари ҳам бўлинадими?..

“Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман” дегандек бўлдим ўзимга ўзим, бироқ ўша сас яна менга қарши чикдида, дўкондан нималар олишим кераклигини эслатди. Бу гал оҳистагина ўрнимдан турдим, ён столдагилар гўёки ичимдаги овозларни эшитиб қолгандек минг хижолат тортдим. Оёқ учида ёнларидан ўтиб кетарканман, эсимга Миттивой тушди. Эҳ, Миттивой, Зайнабнинг Миттивойи...

Инсоннинг борадиган жойида кимдир кутиб ўтирган бўлиши қандай ажойиб, тўғрими?



Неча кундан бери витриналардан бирининг олдидан ўтаётиб бир пойабзалга кўзим тушади. Жуда ёқтириб қолдим! Бу сафар ўтаётиб қарасам, менга нимадир демокчидек бўлиб бошқача қараб турибди. Ҳа, ҳа! Бу оқшом университетда ўтказиладиган танишув кечасига албатта шу пойабзални кийиб боришим керак! Қолаверса, неча кундан бери витринадан менга қўл силкиётганига қараганда, у ҳам мени хоҳлаётган бўлса керак.

Танишув кечаси деганим, қони меникидан тезроқ оқадиган бир гуруҳ ёшлар ташкиллаштирган кеча. Ҳамма янги бўлгани учун ташкилий ишларга кетма-кет икки йил курсда қолган талаба бош-қош бўлади-да. Тўғриси айтсам, ўқишга келиб, нега икки йил қолиб кетдинг деб ҳечам ҳайрон бўлаётганим йўқ. Ҳойнаҳой, университет жуда ёқиб қолган, тўрт йилда битириб кетгиси келмаётгандир. Бунақалар ёзда қандай кайфиятда бўлишини тасаввур қила оласизми?..

– Онажон! Бу йил ҳам имтиҳонларни қайтадан топшириш ҳуқуқини қўлга киритдим! Яшасин!!!

Қандай қилиб гапириш жуда муҳим-да. Ахир ким ҳам такрорий имтиҳонга киришни истайди?..

Рўйхатимдаги ҳамма нарсани олиб, тўғри талабалар ётоқхонасига йўл олдим. Хонамга кириб, товонимгача инган ҳорғинликдан халос бўлишни, ўқишга киришган китобимни давом эттиришни дилимга тугдим. Ичкарида соатга қарадим-у, бу режамдан умидимни уздим: вақт зинғиллаб ўтаётган эди. Тезроқ тайёргарликни бошлашим керак. Бир бурчакда менга кўз қисганча қараб турган китобимни кўриб, барибир алламаҳалгача ухламайман, бир неча соатдан кейин кўришамиз деб, ўзимни овутидим. Нима деб ўйлайсиз, чиндан ҳам, шундай бўлдимми?..

Хонадан ўзига ишончи комил, оиласига бирор марта ёлғон гапирмаган қиз ўлароқ чиқдим. Қайтганимда мендан нималар камайган бўлиши мумкинлиги умуман хаёлимга келмаганди.

Ҳозир ўзимга савол бераман: агар ҳаммасини олдиндан билганимдан ўша эшикдан хатлаб ташқарига чиққан бўлармидим?.. Айт, Миттивой, сен чиққан бўлармидинг? Ўзингдан, келажагингдан узоқлашармидинг? Айтақол, Миттивой, менинг ўрнимда сен бўлганингда, ўзингни қайтиб топа олмаслигингни билганинг ҳолда ўша эшикни истиқболинг юзига ёпиб қўярмидинг?..

Неча кунлардан бери мижжа қоқмаган одамдек деворга тикилиб ётибман. Кечки овқатдан яхши тўймаган қорним гулдираб қўймаяпти. Ҳатто деразанинг пардасини очишга ҳам ҳафсалам йўқ. Сонсаноксиз кўнғироклардан кейин телефонимнинг қуввати тугаган чоғи, энди овози чиқмаяпти. Ким билади, балки, дунёда ҳамма нарса тўхтаб қолгандир. Эҳтимол, шу алпозда ётган битта мен эмасдирман. Бир йилда ўн икки ой бормиди? Кундуз тундан кейин келармиди? Қора булутлар ёмғирнинг даракчиси эдими? Хўш, мен-чи? Мен нима қилдим? Ичимни пушаймонлик ғижимляяптими ёки нималар бўлганини билмаганим учун тасаввуримда пайдо қилолмаган воқеалардан кўрқяпманми? Сумкасида ҳар доим кўзгу кўтариб юрадиган мендек қиз айна пайтда ўзимга қарашдан шунчалар кўрқяпманки. Рўпарамда ўзимни кўра олмаслик мени шунчалар чўчитяптики...

Деворга қачондан бери тикилиб ётганимни билмайман. Ҳойнаҳой, анча бўлган, чунки бутун баданим увишиб қолибди. Чап қўлим беихтиёр ўнг

кўлимга тегди-ю, сесканиб кетдим. Чинқириғим деворни тешиб ўтгудек бўлди, лекин овозимни ўзим эшитолмадим. Апил-тапил қочишни истадим, бироқ бир пайтлар ўзим севина-севина осган ойнага дуч келдим. Ўзимни кўрдим. Менга ўхшамаган мени... Мен каби қарамаётган, мен каби нафас олмаётган мени.. Кўзимни юмганча чўккалаб қолдим. Узр сўрашни истаяпман, кошки журъатим етса.

Яна очдим кўзимни. Рўпарамда ашаддий душманим бордек ўзимдан жаҳлим чикяпти. Қандай қилиб гиёхванд модда истеъмол қилдим? Хўш, энди нима қилишим керак? Йўқ, олдин шу саволга жавоб топишим зарур: мен у ердан ётоқхонага қандай келдим?..

* * *

Ботаётган куёшнинг илиқ нурлари деразанинг четидан ўтиб юзимни оҳиста силаётган маҳал кўзимни очдим-да, худди бир жойга кеч қолаётгандек шоша-пиша кўлимни соатга узатдим.

Чукур-чукур уҳ тортгим келяпти. Ўзимни неча кунлардан бери печканинг ёнида буралиб олганча ухлаётган мушукка ўхшатдим. Бутун суякларим шунақанги зирқираяптики. Юрагим жойини ёқтирмай қолган-у, танамдаги энг хавфсиз жойни қидираётгандек дам оғзимнинг ичида уряпти, дам миямнинг қоқ ўртасида. Инсоннинг ҳислари, фикрлари, саволларини сиқиб туриши бунчалар қийин экан!

Худди ўйинчоқ олиб беришларини истаб депсинаётган болани ширинлик билан овутишни истагандек ўзимга ўзим: “Қара, вақт алламаҳал бўлиб кетибди, сен эса ҳали овқат емадинг. Турақол, сенга ажойиб овқатлардан олиб бераман”, дедим.

Ўрнимдан аранг туришим билан ойнада ўзимни кўрдим-у, ҳаммаси яна бошига қайтди. Афтим чириган олманинг ярмига ўхшар, кичик милни қувалашдан воз кечган катта мил мисоли менга қараб турарди.

Йўқ, бу мен бўлишим мумкин эмас!

Ўтирган жойимда қотиб қолдим. Неча дақиқа ўзимга тикилиб ўтирдим, нималарни ўйладим, нималарни алаҳсирадим, билмайман. Кундалиги иккиларга тўлиб кетган бола ота-онасидан қочгандек мен ҳам апил-тапил ойнанинг қаршисидан қочдим. Дуч келган пойабзални оёғимга илганча ташқарига, очиқ ҳавога отилдим.

Енгилгина шамол ёқимли қучоғини очганча кутиб олди мени. Ҳазонрезгида жуда ажойиб бўладида бунақа ҳаво.

Баргларни, уларнинг шитирлашини ёқтираман. Лекин эсимга куз тушиши билан баъзан хомуш тортаман, шохидан узилган ҳар баргга қўшилиб ичимдан нимадир чирт узилгандек бўлади. Кўчамизда бир фаррош ака бўларди. Ҳар куни эрталаб бир вақтда ишга киришарди, бирор марта ишга кеч қолганини кўрмаганман. Мен ёшини билмайдиган

дарахтларнинг баргларини супирар, кейин уларни қопга тўлдирарди. У қопларни тўлдиргани сайин менинг жаҳлим чиқарди. Шу дарахтлар баргларини тўкмаса нима қилади ахир? Япроқларидан воз кеч-маса нима бўларкин? Шохлари яланғочланиб хурсандми энди? Ақалли бир йил шунча баргни исроф қилмаса бўлмасмикин?..

Яна озроқ юрсам, на кўчанинг тошлари қолади, на ўтмишда мени тарк этган болалигим. Ҳар ташлаган қадамимда бир йил ортга тушиб қолаётгандекман. Яхшиямки, қорнимнинг ғулдираши хушимни ўзимга келтирди. Кўчанинг охирида ўнгга бурилишим билан кичкина ва ёқимлигина кафега кўзим тушди. Деворларидаги яшил тусни ҳойнаҳой умримда биринчи марта кўриб турибман. Қизик, ичкарида атиги бешта стол бор экан. Бу ерга ҳеч ким келмайди, шекилли, деган ўй билан ичкари томон одимладим.

Бир неча қадам нарида гитара бор эди. Бир пайтлар мен воз кечган иштиёқнинг торларини яна чертгим келиб қўл узатган эдим ҳамки, боққа очиладиган каттагина эшик борлигини кўриб қолдим. Ранго-ранг стол-стуллар, устида симга тизилган чироклар... Туш кўрмаяпманми ишқилиб деб ўзимни чимчилашга тушдим. Бу ер, чиндан ҳам, борми?..

Елкамга кимнингдир қўли тегишидан олдин ана шу саволни ўзимга бераётган эдим. Ортимга ўгирилсам, юзи танишдек туюлган, бироқ овози мутлако бегона йигит:



– Салом, Миттивой! Қалайсан, яхшими? – деб сўради.

Миттивой?.. Кушимнинг лақабини қаердан биллади? Майли, биллади ҳам дейлик, лекин саволи сал нотўғри эмасми? “Миттивой қалай?” деб сўраши керак-ку...

Қаердан хаёлимга келди билмайман-у, шу тобда дунёнинг энг бемаъни саволини сўрадим:

– Турк тили ўқитувчимга кўнғироқ қилсам бўладими? Йўқ, йўқ, бошқа вариантлар бўлса ҳам, майли.

– Нима? Тушунмадим.

– Узр... Овозимни чиқариб ўйлаяпман экан... Сиз кимсиз?

– ...

“Қандай келган бўлсанг, шундай кутиб олинсанми ёки қандай кетсанг, шундай эсда қолсанми? Ернинг тагига етиб бориш учун неча сантиметр қазिश керак? Шунга қараб маникюримнинг баҳридан ўтиш-ўтмаслигимни ўйлаб кўраман”.

– Саволимни тушунмадингиз чоғи. Кимсиз деб сўрадим.

Унинг оғзидан узук-юлуқ сўзлар чиқар, ҳарчанд уринсам-да, бу сўзларни жамлаб, маъноли гапга айлантира олмаётгандим.

– ...Узр. Мен Ардаман. Сизни чўчитмоқчи эмасдим, бу ердаги столларимиз тўла, ичкарига ўтишни хоҳлайсизми деб сўрамоқчийдим.

Унинг юзига анчагача тушуниксиз тикилиб қолдим, шекилли, ичимда бир овоз ўтирадиган бўлсанг ўтир, йўкса чикиб кет деяётган эди. Узук-юлуқ гапирриш навбати энди менга келганди. Аранг “Ҳа, албатта”, дея олдим. Жойимга ўтирганимда қирмизи каткли дастурхонни мен яхши кўрадиган очиқ рангда дамланган чой безади. Ёнида эса менга кулимсирабгина қараб турган шоколадли печенье бор эди.

Ғалати... Елкамни туртган кўл худди танишдек эди, лекин бу ерда ишлайдиган йигит экан. Унда Миттивойни қаердан билади?..





Сарик балиқли аквариумдаги сассизлик сингари мени чулғаб олган дилгирликлар ичра ўқишга анча мослашиб қолдим. Келаётганимда у ерлар ёқармикин деган хавотирим бор эди, энди эса ҳаммаси мен ўйлагандан осонроқ ўтяпти. Аслида талабалик деганлари ажойиб нарса, агар дарслар бўлмаса. Оилангдан узоқда бўлсанг борми, ётоқхонага қайси соатда қайтишинг кераклигини ўйлаб ўтирмайсан. Хоҳлаганингда овқат ейсан, хоҳлаганингда хонангни тозалайсан, хоҳлаганингда ухлайсан. Уйимни соғиняпман, албатта, лекин у ерга барибир қайтаманку, тўғрими? Қолаверса, оиламдек бўлиши мумкин бўлганлар билан дўстлаша бошладим, улар билан бирга бўлиш мени хотиржам қилади. Ўзгача кечмиши бор инсонлар билан қандай дўстлашиш мумкинлигини ҳам аста-секин ўрганияпман. Ҳар бирининг ўзига хос ҳикояси, бу ҳаётда қолдирган ўзига хос излари бор. Кимдир шу сабабли сигарета чека бошлабди, бирови ичкиликка ёки бангиликка ўрғанибди. Университетга киришдан олдин қоидаларим қатъийроқ эди, назаримда, зеро, бир атеист билан

бир столда ўтиришимни бошқача изоҳлаб бўлмайди. Гўёки бу мавзуларни очмасликка овоз чиқармайгина келишиб олганмиз. Ахир у яхши йигит, у билан фақатгина дўстона суҳбатлар кураимиз. Нима зарари бор, ўзимни билсам бўлди-да. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради, мен эса Аллоҳга ишонаман...

Кечкурун бирор жойда кўришишга ваъдалашиб, хоналаримизга кириб кетдик.

Хонамни Миттивойнинг овози тутиб кетганди! Аввалги эгаси уни жуда яхши кўрган бўлса керак, менга тезгина ўрганди, қафасининг эшиги деярли ҳар доим очиқ туради. Қўлимда худди мушукка ўхшаб суйкалиб, иззатталаблик қилиши-чи! “Ҳой, ахир сен қушсан, ўзингга кел”, демоқчи бўламан-у, чиройидан кўзимни узолмайман. Шу қушлар ажойиб-да, кичкинагина қаноти билан инсон зоти чика олмайдиган юксакликларда айланиб юради. Галасини айтмайсизми! Худди навигацияси бордек парвоз йўлидан адашиб кетмайди. Шуурсиз қушларнинг буни қандай уддалашига ақл бовар қилмайди! Қизиқ, биринчи мартасида қандай учишар экан? Энди уча олишлари мумкинлигига қандай ишонч ҳосил қилишади? Нега балиқ учишга, қуш сузишга, кучук эса судралишга уринмайди-да, туғилишлари билан дастурлаб қўйилгандек ўз қобилиятларини кашф этишга киришиб кетишади? Инсон боласи эса икки йил деганда йиқилиб-туртилиб аранг юришни ўрганади...



Ажойибсан-да, Миттивой, хаёлимни қаерларга олиб кетдинг. Ҳолбуки, ёнингга сени эркалатиш учун келган эдим.

* * *

Ўтган куни рўпарамдан чиқиб қолган кичкинагина кафедра кечки пайт бутун гуруҳ йиғилдик. Ўша куни елкамдан туртган йигитнинг танишлиги, менимча, бизникиларнинг уни таниши билан боғлиқ. Уни бизникилардан кимнингдир ёнида кўрган бўлсам керак, лекин менга нима учун Миттивой деб хитоб қилганини ҳалигача билмайман. Майли, жавоби йўқ саволларни тинч қўйиш керак, акс ҳолда бу ҳаётда яшаш қийинлашиб кетади, шундай эмасми? Қани, севиқли фикрларим, шу гўзал окшом суҳбатига биз ҳам қўшила қолайлик...

Буюртмалар берилганидан кейин суҳбатнинг мавзуси севгига бурилиб кетди. Ҳамма ғамгин бўлиб қолган, нигоҳларига дард чўккан эди. Кимдир хафалигини билдириш учун хўрсинар, кимдир эриша олмаган севгиси ҳақида сўзлар, яна кимдир гиналарини эшлашга тушиб кетганди. Курсда қолиш бўйича рекорд қўйган гитарачимиз бор-ку, ўқишни тугатмаётганига сабаб университетни жуда яхши кўриши эмас экан, буни қарангки, сабаби севги эмиш! Университетга янги келганида бир қизни яхши кўриб қолибди. Аудиторияда ҳам, буфетда

ҳам, ётоқхона остонасида ҳам ўша қизнинг эътиборини тортишга уринибди. Қиз аввалига ўзини билмаганга олса-да, кейин биргаликда қаҳва ичиш таклифини қабул қилибди. Улар ўқишни тезроқ тугатиб, турмуш куришни орзу қилишармиш.

Мен бу гап-сўзлардан хайратга тушиб улгурмасимдан у ўша қиз билан бир уйда яшай бошлагани ҳақида гапирар эди. Олдинлари шунга ўхшаш оқшом суҳбатларини кўча-кўйда эмас, янада каттароқ гуруҳ билан уйларида ўтказишар экан.

Сездирмаётган бўлсам-да, ҳали турмуш қурмаган икки ёш қандай қилиб бир уйда яшаши мумкин, деган савол хаёлимдан кетмаётган эди. Бунақада турмуш куришнинг маъниси қоладими? Ахлоқсизлик ёйилишига ҳисса қўшиш эмасми бу? Оилалари қандай қилиб рухсат берган?.. Ёки мен яшайдиган муҳитда муаммо борми?.. Йўқ, бу тўғри эмас. Икки инсон бир-бирини таниб олиши учун бир уйда яшашига ҳожат йўқ. Инсонлар бир-бирларини фикрлари орқали таниши зарур.

Хаёлимда ана шу ўйлар ғужғон ўйнар экан, ҳикоянинг охирини эшитолмай қолдим. Ҳойнаҳой, бир-биримизга тўғри келмас эканмиз, деб ажрашишган бўлса керак. Официант столимизга янги чойларни олиб келиши билан ҳамма негадир жимиб қолди. Муғомбирона табассумларини кўриб турган бўлсам-да, гап нимадалигини тушунмаётган эдим.

– Зайнаб, ўтган оқшомда Арда билан танишдингизми? – деган саволни эшитдим чап томонимдан.

Ўтган оқшомми? Демак, ўша ўтиришда Арда ҳам бор экан-да! Ё Аллоҳ, ишқилиб ўша расволигимни кўрмаган бўлсин-да! Саросима ичида жавоб беришга оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, Арда эпчиллик қилди:

– Ҳа, ҳа! Ўтган оқшом бизнинг мижозимиз эди кичик хоним!

Кичик хоним? Ўтган оқшом? Мижоз?..

Ўзимга ўзим савол беришни қачон ўргана қолдим экан! Шошма-шошма, бу гапларнинг ўтиришга алоқаси йўқ-ку?! Оҳ, миннатдорман, Аллоҳим! Мавзуни ўзгартириш, саросимамни яшириш учун уни қаердан танишларини сўрадим. Бизнинг университетда ўқир, кафе эса уларники экан, оқшомлари шу ерда ишларкан. Икки дақиқа кейин даврамизга кўшилди. Оқшом бўйи давом этган суҳбатимиз менинг юзимнинг ловуллашига, ёнимдагиларнинг эса бир-бирларига маънодор кўз қисишларига сабаб бўлди.

– Столлар, чироқлар, ранглар... Нозик дид эгасининг қўли теккани билиниб турибди. Жуда ажойиб фикр, жудаям гўзал! Аввал ҳеч бундай жойда ўтирмаган эдим. Табриклайман, безаклар, чиндан ҳам, антиқа!

– Сизнинг гўзал нигоҳларингиз билан ҳаммаси тўқис бўлди, назаримда. Эшигим ҳар доим сиз учун очик, Зайнаб хоним! Ҳар доим кутиб қоламан!

Умид қилганларимизни, чиндан ҳам, кутамизми? Бизда бор деб ўйлаганларимизга келгуси йилда ҳам эга бўлиш учун яна нималарни кутишимиз мумкин?..

Сабрлимизми, чидамлимизми?..

Бир она боласини кутганидек, йўлларда қолган кўзлардек, баҳорни интиқиб кутган уруғдек кута оламизми?..

Йўкса пиёладаги чой совийди, юраклар кулга айланади, ҳаётга ҳамоҳанг наво ўзгарадими?..

Ҳаммаси ҳам майли-ю, чойни совитиб қўйишмасин-да, уни куттириб қўйишмасин-да. Чунки таъми аччиқлашиб қолади. Ичса бўлади-ю, аччиқ чойни ютимлаш қийин-да...



6

Тахминан уч ойча ўтган, оралиқ имтиҳонларнинг вақти келиб, шошиб қолгандик. Пўртахол исли кунлардан кактус таъмли кечаларга тушиб қолдим. Эрталабгача дарс тайёрласам ҳам, бўлмаяпти. Бир ҳафтада шунча нарсага қандай улгуриш мумкин?.. Шунча мавзуни қачон ўта қолдингиз, устоз? Бизда қасдингиз борми? Бу семестрда шунча талабани йиқитаман, деб бошқа устозлар билан беллашяпсизми? “Бу сафар беш талабамни йиқитаман, йўқ, ўн нафар бўлақолсин! Йўқ, яхшиси, ҳаммасини йиқитаман!”

“Ҳар кунги дарс билан ўша кун шуғуллан” деган ўғит эсимга тушиб, ичимни тирнашга киришган пайт кўзим Миттивойга тушди. Кечаси соат уч ярим, у эса менга қараб турарди. Ўзим ухламаганим камдек, уни ҳам ухлатмаяпман. Оҳ, қушчам, қафасингга бирор нарса ташлаб қўяй, сен ухлагин. Яхшиси, ўзим ҳам устимга бирор нарса ташлаб, озроқ ухлаб олай. Эрталаб барвақт туриб, яна дарсларга шўнғийман. Йўқса биринчи имтиҳонларданок йиқилишим тайин!

* * *

Телефоннинг тинимсиз жиринглашидан уйғониб кетдим. Телефонни кўлимга олишим билан овози ўчди. Саккизта жавобсиз кўнғироқ нималигини биласизми?! Айниқса, кўнғироқ қилган инсон онангиз бўлса!

– Алло, онажон?..

– Зайнааб!..

Хавотири ғазабга айланган онам тинмай гапирар, гапини бўлиб, “Ухлаётгандим” дейишим шунчалар маънисиз эдики, жимгина кулоқ солиб ўтирдим. Ниҳоят, сабрим тугаб, исён кўтаришга тайёрланаётганимда онам хатти-ҳаракатларимни тушуна олмаётганини, агар аҳвол шундай давом этса, уйга қайтишимга тўғри келишини айтаётган эди. Ҳолбуки, шунчаки ухлаб қолганим учун кўнғироқларни эшитмадим. Шунча ваҳиманинг нима кераги бор?..

Телефонни ўчириб, соатга қарадим-у, кўзим қинидан чиқаёзди. Бўлиши мумкин эмас! Кун охирай деб қолибди, ҳали ёдлашим керак бўлган қанча нарса бор! Қизлар бу окшом биргаликда дарс тайёрлашмоқчи эди, уларга қўшилиш учун қаерда бўлишларини сўрадим. Чунки энди қайсарлик билан бир ўзим дарс тайёрлай олмаслигимга кўзим етганди. Аслида қаерда эканликларини сўрашга ҳожат йўқ, борадиган жойлари маълум. Оёғимни кўлимга олиб, у ерга етиб боришим ва зудлик билан ёдлашга киришишим керак. Шу пайтгача “Университетга

кириб олгин, бемалол бўласан”, деб алдашган экан. Бутун машаққатлар шу кечадан эътиборан бошлашидан мутлақо беҳабар ҳолда Миттивой билан хайрлашдим-да, ташқарига отилдим.

Қизларнинг энг аълочи талабалардек дарс тайёрлашини кўриб, ўзимдан шубҳалана бошладим. Қандай уддалашяпти? Ахир дарсларга деярли киришмаган-ку. Мен улардан кўпроқ кирганман дарсларга, неча кундан бери эрталабгача дарс қилиб чиқяпман. Лекин шариллатиб ёзиб ташлашларини кўриб, саволларни қандай ечишаётганини ҳеч тушуна олмадим. Худди шу пайт ичимни нимадир ғижимлаб ўтди: менга нималар бўляпти? Чиндан ҳам, онам мени таний олмайдиган даражада ўзгардимми? Ёки ичимдаги шунчаки ноўрин саросимами?..

Қоғозларга тикилиб қолганимни кўрган қизлар ўша заҳоти сирларини очишди. Йигитларимизнинг бир дўсти университетнинг энг аълочи талабаларидан экан, эрталаб у билан бирга шуғулланишибди. Қизлар қанча тушунтиришга уринишса-да, мавзудан беҳабар бўлганим учун ҳеч вақони тушунмаётган эдим. Охири, улар бу ишни Ардага юклашди. У эса ён столда бемалол шуғулланишимиз мумкинлигини айтди. Худди шуни кутиб тургандек! Бундай имкониятни қўлдан бой бериб бўлмайти-да!..

Ниҳоят, бир неча соатдан кейин мавзуни тушуниб етиб, масалаларни еча оладиган бўлдим. Арда қачон хоҳласам, бирга шуғулланишимиз мумкинлигини

айтаётганида нигоҳларини юрагимнинг бир ерларида ҳис қилгандек бўлдим. Ҳатто ўзимдан ҳам яширишни истаган ҳаяжон бор эди ичимда. Бир томоним бу ҳолатга қарши чиқишга уринар, иккинчи томоним эса уни ғоят босиқлик билан қарши оларди. Мен билиб турган – аммо яшираётган, кўриб турган – бироқ у ҳақда оғиз очолмаётган, эшитаётган – лекин эшитмаётганга олаётган нарса эди бу. Қандай жавоб қайтаришни билолмай каловланаётган эдимки, бизнинг гитарачи ҳовлиққанча кириб келди.

– Сизларга ажойиб хабарим бор! Қани, йиғиштиринглар нарсаларингни! Икки соатдан кейин сахнага чиқаман, ҳаммангиз келасиз!

Жуда севиндим, лекин имтиҳонлар нима бўлади? Агар борсам, тайёрланишга улгура олмаслигим аниқ, бугун эрталаб ҳам ухлаб қолганман. Қизлар кетма-кет унинг бўйнига осилиб табриклаётган маҳал мен қандай баҳоналар ўйлаб топишим ҳақида ўйлаётган эдим. Ишонарли деб ҳисобламаганим учун тўртинчи баҳонамни ҳам зеҳнимдан ўчирдим. Улар билан бирга боришдан бошқа чорам йўқ эди.

– Аввал дўконга кириб, бир-иккита нарса олишим керак. Сизлар бораверинглар, орқаларингдан етиб бораман, лекин манзилни айтиб кетинглар, – дея олдим аранг.

Арда эса у жойни билишини, бирга боришимиз мумкинлигини айтди. Биринчи марта қаергадир бирга борамиз... Бу менга қанчалик ёққан бўлса-да,



шунчалик асабийлашаётган эдим. Айтдим-ку, ичим-даги ҳаяжон алланечук бошқача, уни зудлик билан тўхтатишим керак...

* * *

Дўкондан ётоқхонага қайтганимизда, Арда кўлимдаги халталарни олиб, калитни топишимни кутаётган эди. Гоҳида шу елкамдаги сумка эмас, каттакон чамадондек туюлиб кетади. Қора тешиги бор чамадон! Ичидаги нарсаларни бирданига топиб бўлмайди!

– Бу ерда калитни топа олмайман, шекилли, хонамга борганимда топарман. Халталарни берақол, катта раҳмат, – дея кўлимни узатдим.

– Йўқ, халталарни хонанггача олиб бораман, ўша ерда калитни бемалол қидирасан, – дея дарҳол жавоб қайтарди Арда.

Тилим тутилиб қолгандек ғиринг демай унинг ортидан эргашдим. Хонамнинг эшигига етиб борганимизда калит дарров топила қолди. Эшикни очаётганимда мени қандайдир тушуниксиз ҳис чулғаб олганди. Халталарни дуч келган томонга ирғитдим-да, Миттивойга кўл силтадим ва вақтни ўтказмай ташқарига чиқдим. Эшикни кулфлаётиб миямда чақмоқ чаққандек бўлди ва синчковлик билан унга тикилдим.

– Хонамнинг бу қаватда эканлигини қаердан биласан? Айтайлик, тахмин қилдинг ва тахмининг

тўғри чиқди. Лекин бу қаватда шунча эшикнинг орасидан айнан шуниси меники эканлигини қаердан била қолдинг?..

Бу тасодиф эмас, тасодиф бўлиши мумкин эмас. Ўша кеча эшикнинг олдида пойабзалимни ечаётган онлар эсимга тушиб кетди. Шундоққина эшикнинг ёнида бир жуфт кўк пойабзал турганди. Бу эркак пойабзали, кимники эканлигини билмайман. Қизиқ, болалигимда эртақларни ортиқча айтиб юборишганикин менга. Элас-элас эсимда қолган бу пойабзалнинг эгасини болалигимда эшитган эртақдаги каби қидиришга тушаманми энди?..

Мияда хаёллар ғужғон ўйнар экан, хали ҳам унинг юзига тикилиб турганимни ва саволимга жавоб қайтармаганини сезиб қолдим. Ҳа, бунақа нарсалар фақат киноларда бўлмас экан: худди шу маҳал телефон жиринглади ва бизни кутишаётгани учун ҳеч нарса демай зудлик билан ётоқхонадан чиқдик.

* * *

Атрофда ёниб-ўчаётган чироқлар ва дўстларимнинг ёнимда эканлиги берган завққа хужайраларимгача титратиб юборган мусиқанинг товуши қўшилди. Гумбирлаётган оҳангни бутун баданимда ҳис қилдим. Ўнг қўлимни қўйсам, юрагимнинг қандай ураётгани аниқ-тиниқ сезиляпти. Гўёки этлариму устухонларим ҳам ўйнамоқчи бўлар, бада-



ним иккига бўлинган-у, бир-бири билан тўқнашапти. Сал туриб ўнг томонимдан бир фариштанинг, чап томонимдан эса шайтоннинг чиқиб, икковлоннинг ўзаро жангга киришишини кутяпман. Бир томоним мендан нималар қилаётганимни сўраяпти, иккинчи томоним эса бу лаҳзалардан завқ олишим кераклигини уқтиряпти. Бир томоним бу шаҳарга келмасимдан олдин қандай бўлганимни эслатапти, иккинчи томоним эса оиламнинг ёнига, уйга қайтганимда бундай кунларни топа олмаслигимни шивирляпти. Бир томоним кўлимдан торткилаганча мени бу ердан олиб кетишни, иккинчи томоним эса оёқларимни шу ерга михлаб қўйишни истаяпти...

Официант ичкиликларни столга қўйиб кетди. Бирданига кўз олдим қоронғилашди. Бўғилиб кетяпман, нафас олишим қийинлашапти. Ҳожатхонага бориб келишимни айтиб, ўзимни шу муҳитдан бир неча дақиқага узоқлаштиришни истадим. Пардозим ўчмайдиган қилиб юзимга сув сепдим, оқиб кетган тушимни артмоқчи бўлган эдимки, ҳали ҳам ақлим етмаётган ўша кеча эсимга тушди. Кеча қандай бошланган эди? Мен бир неча соат учун борган ўтиришда ҳаётимда ҳатто номини ҳам тилга олмайдиган нарсани қандай қилиб вужудим билан бирлаштирдим? Мен қандай қилиб гиёҳванд модда истеъмол қилдим? Қандай қилиб ўз қоидаларимга қарши чиқдим?..

Хўш, ҳозир-чи? Ҳозир нималар бўляпти? Ичкиликдан ҳазар қиладиган мен уйимизга ҳеч қачон

олиб кирилмаган нарсани ичаманми? Ёки ўзимни асрашнинг уддасидан чиқа оламанми? Ҳатто ётоқхонага қай аҳволда қайтганимни ҳам эслолмаяпман, бу эса мени янада эзятти. Мен йўл қўйган хатодан катгароғи бор-йўқлигини ҳам билолмаяпман. Рўпарада ўзимни кўрганим сайин ичимдаги овозларнинг ғала-ғовури янада баландроқ эшитиляпти. Хаёлларим ва ҳисларим ўртасидаги жанжал пайтида сумкамдан лаб бўёғимни олиб, лабимга суришга уринаётганимда ичкарига икки қиз кириб келди. Уларнинг кийимидан қиз бўлиб ҳатто мен ҳам уялиб кетдим, қизларнинг эса парвойи палак, холларидан бағоят мамнунлар. Уст-бошимга қараб, ўзимни тартибга келтира бошладим. Йўқ, бундай қилмайман, бунга асло йўл қўймайман! Ҳаммага ўзимни кўз-кўз қилган кўйда кўчага чикмайман! Шошма-шошма, хурматли ўзим, вужудинг гиёҳванд модда билан танишаётганида “асло йўл қўймайман” деган қароринг қаерда қолганди?..

“Бунга асло йўл қўймайман” деганларим орасида нималар қилиб юрибман ўзи? Кузатиш қўл уришдан аввалги босқич эмасми? Биринчи гуноҳ ва биринчи савоб қийин, кейингилари осон бўларди-ку, нима қилиб юрибсан сен бу ерда? Яна кимдир сенинг бу аҳволингдан ҳаё қиляпти, шуни сезяпсанми? Бунчалар машаққат ичида, ўзингни бегона ҳис қилаётганинг бу жойда, айт-чи, нималар қиляпсан?..



Қандайдир маъно бериш учун менга қанчалар узоқ тикилиб қолишади. Ҳолбуки, мен, ҳақиқатан, уларга бегонаман!

“Буни ўзингизга нима учун раво кўряпсиз? Нега?” дея савол бердим пичирлабгина. Хўш, нима учун буни ўзимга раво кўряпман, нега? Овозимни хатто ўзим ҳам эшитмадим. Кўлимдаги лаб бўёғи билан кўзгуга қип-қизил қилиб каттагина сўроқ белгисини чиздим. Келганлар кўрсин, савол беришсин! Балки, ўзликлари томон сафарга чиқишар...

Ётоқхонага қайтишим керак, деган ўйда тезгина у ердан чиқдим. Аини пайтда ягона истагим – кўрпага бурканганча соатлаб яшириниб ётиш. Ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзимдан яширинмоқчиман, ўзимга беришга кўрққаним жавоблардан яширинмоқчиман. Илдам қадамлар билан столга яқинлашганимда атрофга мутлақо бегона нигоҳ билан қараётган эдим.

Столда ҳеч ким йўқ. Қаердандир “Зайнаб!” деган овоз эшитилди, лекин овознинг эгаси ҳам ичимдаги ҳисларга бегона туюлиб кетди. Ўгирилиб қарасам, овоз гитарачимизнинг қўлидаги микрофондан чиққанини, каттакон сахнани бизнинг гуруҳ эгаллаб олганини кўрдим. Мени чақиришяпти! Ҳолбуки, мен уларга ётоқхонага қайтишим кераклигини айтмоқчи эдим. Бўлмайти, ортиқ қололмайман бу ерда, бўғилиб кетяпман. Худди кимдир бўғзимга ёпишиб олган-у, мени қўйиб юборгиси келмаётгандек. Виждонми бу, мантиқми ёки ўзимми? Ни-

малар дейишни ўйлаганча сахнага яқинлашдим. Энди оғиз жуфтлайман дегандим, кимдир қўлимдан ушлаганча тортқилади. Мусиканинг овози янада баландлади, сахна бузилиб кетгудай бўлар, мен эса уларнинг орасида қолдим. На биров овозимни эшитади, на нигоҳларимдаги қўрқувни уқади. Ғира-шира сахнада, ўйноқи чироқлар остида рўпарамдаги одамларнинг юзини дам-бадам кўриб қоляпман. Телбаларча ўйнашяпти, ҳа, ақдан озганга ўхшашяпти. “Аслида менинг руҳим хаста, менга ёрдам беринглар!” деганга ўхшайди. Шу алпозда неча дақиқа тек қотдим, орадан неча дақиқа ўтди, билмайман, лекин энди қўлимдан ҳеч нарса келмаслигини тушундим. Бир томоним бор овози билан “Бас!” деб бақиргиси келяпти, иккинчи томоним эса “Барибир сени ҳеч ким эшитмайди, уларга қўшил”, деяпти. Нима истаганимни билмайман-у, ўша пайт Арданинг қўл узатаётганини кўрдим ва... у билан рақсга туша бошладим.

Шунчалар берилиб кетдимки, ўзимни жуда ҳам енгил ҳис қиляпман. Энди бўғилмаяпман, чақалокдай бемалол нафас оляпман. Ўйлашни истаган нарсаларимни ўйламаяпман, қайси томонга тортқилансам, ўша ёқда бўлиб қоляпман. Бошқа бировнинг танасига кириб қолгандекман гўё. Официант столимизга тинимсиз қатнаяпти, лекин энди бошим айлана бошлади. Яна бир қадахни кўтара олмайман. Бизникилар эса қадахлар келиши билан

бир кўтаришда сипқоришяпти-да, яна мусиқанинг оҳангига мослашиб олишяпти. Ошқозоним ортиқча бардош беролмаслигини эълон қилди-ю, зинғиллаганча ҳожатхонага равона бўлдим. У ерда қанча вақт ва қандай аҳволда қолганимни билмайман. Вужудимда шунчалар чарчоқ бор эдики, сал ўзимга келганимда шундоққина унитазнинг олдида, мен ҳатто оёқ босишга ҳам ижирғанадиган жойда ўтирганимни кўрдим. Ўзимга келишим, ётоқxonанинг йўлини топишим зарур, бу аҳволимни ҳатто ўзимдан ҳам яширишим керак. Савдо марказларининг ҳожатхоналаридаги ўша бадбўйликни кун келиб ичкиликнинг ҳидига алмашишимни ҳатто тасаввур қилмаганман. Кислород билан эмас, шу ирганч ҳид билан нафас олаётгандекман. Бет-қўлимни ювмоқчи бўлганимда ҳафсала билан қилган пардозим қандай аҳволга келганини ойнада кўриб қолдим. Бу кўринишимни ҳеч ким кўрмаслиги керак. Юзимни ювдим, сочимни тартибга келтирдим. Энди яхшироқман, яхши бўлишга мажбурман. Ҳожатхонадан чиқишда, эшикнинг шундоққина ўнг томонидаги ойнада бир белги эътиборимни тортди. Сал олдин ўзим уддасидан чиқа олмайдиган қарорлар қабул қилганимда, келганлар кўриб фикр юритсин деб мен қўйиб кетган қизил сўроқ белгисининг олдида ундан ҳам қизилроқ тусда каттагина ундов белгиси турарди... Ким чизди буни? Нималарни ўйлаган, хаёлидан нималар ўтган? Ундов белгисини нима

мақсадда қўйганини билмадим-у, айна пайтда ҳатто ўзимнинг кўзимга ҳам қарай олмаяпман. Чиндан ҳам, ётоқхонага қайтадиган пайт келди!

* * *

Хонамга тонгга яқин кириб келдим. Ухласам, имтиҳонга кеч қоламан, ухласам, имтиҳонда ухлаб қоламан. Мавзуларни такрорлашга умуман вақтим йўқ. Қарасам, имтиҳонга боришдан олдин бир ярим соат ухлаб олишим мумкин экан. Соат – эрталабки беш. Телефонимда бир дақиқалик ораликлар билан нақ ўнта қўнғироқ белгиладим. Албатта уйғонишим ва имтиҳонга боришим керак. Лекин барибир хотиржам бўлолмадим, чунки уйқусиз қолган пайтларимда ҳатто қўнғироқнинг овози ҳам мени уйғота олмаслигини биламан. Энди чўзилмоқчи бўлганимда эсимга онам тушди. Бу пайтда бомдодга турган бўлади, мени уйғотиб қўйишини айтаман унга.

– Онажон, яхшимисиз?..

– Зайнаб, болам! Яхшиям, ўзинг қўнғироқ қилдинг. Намоздан олдин ёмон босинқирабман-ей, қанчалик қўлимни узатсам ҳам, сени қутқариб, ёруғликка олиб чиқа олмадим. Сенинг ҳақингга дуо қилаётган эдим ҳамки, қўнғироқ қилдинг. Нима бўлди, яхшимисан, болам? Нега шу пайтгача ухламадинг? Имтиҳонинг борлигини айтган эдинг-ку?!



Тилим тутилиб қолди. Онамнинг “Сенинг ҳақингга дуо қилаётган эдим” деган гапи хаёлимни банд қилиб олди. Гапирсам, йиғлаб юбораман, гапирмасам, хавотирга қўяман.

– Онажон, мен...

Давом эттиришга на сўз топа оляпман, на мажолим етяпти. Ёшлар кўзимдан эмас, нақ ўпкамдан келаётгандек. Юрагим тўлиб кетган, руҳим чинқираётгандек. Ўзимни жарлик томон думалаб кетаётгандек ҳис қилдим. Онам минг хавотирда нима учун йиғлаётганимни сўраяпти. Менинг эса овозим чиқмаяпти, бир оғиз жавоб қайтара олмаяпман. Нима дейин? Сиз босинқираган пайтда қизингиз барда дўстлари билан ичкилик ичаётган, бегона эркакнинг қўйнида рақс тушаётган эди дейми? Қандай қилиб айтаман буни? Айтолмайман! Ахир бу мен эмасман-ку!

Сиз дуо қилаётган пайтда мен ичкиликнинг кўнгилни оздирадиган хидидан қутулиш, ҳушимни ўзимга келтириш учун унитазнинг олдида ўтирганча қусаётган эдим дейми?..

Йиғлаяпман, шунчаки йиғлаяпман. Кўз ёшларим тугагунча йиғлашни истайман! Онамнинг “Дарҳол чипта оламан-да, ёнингга бораман” деган гапидан ҳушёр тортдим. Йўқ, келмаслиги керак. Бу аҳволимни кўрмаслиги керак.

– Йўқ, онажон! Яхшиман. Мен... овозингизни эшитиб, сизни қанчалик соғинганимни ҳис қил-

дим. Эрталабгача имтиҳонга тайёрландим, шунинг учун ухламадим. Мендан хавотир олманг, яхшиман. Соат олти яримда уйғотиб кўя оласизми дейиш учун кўнғироқ қилгандим.

Онамга ёлғон гапириш юрагимни баттар парчалади, лекин бошқа чорам йўқ. Ярим соат йиғлагандан кейин онамнинг юрагида ҳадик қолдирганча телефонни ўчирдим. Энди на ухлайдиган, на ўзимдан нималарнидир сўрайдиган аҳволдаман. Қусаверишдан, йиғидан кўзларим шишиб кетди. Жавоби йўқ саволларни тинч қўйиш керак, акс ҳолда бу ҳаётда яшаш қийинлашиб кетади, деган эдим-ку, яна саволларни бир томонга, ўзимни эса бошқа томонга ирғитишимга тўғри келяпти. Ох, Миттивой, менинг чиройли кушим. Сени бу хонада ёлғиз қолдирмасликка сўз берган эдим, а? Кел, бироз дардлашайлик. Сен шу қафаснинг ичида қандай яшаётганингдан гапир, мен эса дунё қафасининг ичида қандай типирчилаётганим ҳақида айтиб бераман. Майлими?

Миттивойдан кўлимни олмокчи бўлар эканман, на дони, на суви қолганини кўриб қолдим! Мен уни ёлғиз қолдирмасликка сўз бергандим, ҳолбуки, егани бир дона дони, ичгани бир томчи суви қолмабди... Мени кечир, Миттивой, илтимос, кечир. Мана сув, донинг қаерда эди? Ҳа-я, мана. Ўтинаман, мени кечир!



Имтиҳондан кейин кун бўйи ухладим. Имтиҳонда эса учинчи саволда ухлаб қолган эканман, домланинг қўлимни туртишидан уйғониб кетдим. Шундан кейин охиригача хушёр ўтирдим-да, тугаши билан ётоқхонага югурдим. Ухлайдиган пайт келди!

Қандай ажойиб нарсасан, эй уйқу! Қандай ажиб сассизлик бор кучоғингда!..

Тушимнинг энг қизиқ жойида эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетмагунимга қадар уйқу салтанатида мириқиб ором олаётган эдим. Эшикнинг тақиллашини эшитмаганга оламан десам, айти пайтда телефон ҳам жиринглаб ўрнимдан туришга мажбур қилди. Эшикнинг олдида ким бор экан? Албатта, Арда! Кафеда мени кутишаётганини айтгани келибди. Мени ўзи билан бирга олиб кетишига шунчалар ишончи комил эдики, сал қолса хонамгача кириб келарди. Лекин унга пастда кутиб турса, боришимни айтиб, эшикни ёпдим. Апил-тапил кийинаётиб ўзим ҳам кафега боришни истаётганимни сезиб қолдим.

Муюлишга етганимизда кафе томонга эмас, кулганча соҳил томонга бурилди. Ҳали оғзимни очиб улгурмасимдан:

– Савол бериш тақиқланади! – деди.

Нималар бўлаётганини тушунмаётган бўлсам-да, ичимда алланечук ёқимли ҳаяжон бор эди. Хаёлимдан турли-туман “шекилли”лар ўта бошлади. Соҳилга етиб борганимизда бу “шекилли”ларнинг ҳеч бир тўғри эмаслигини кўрдим. Нарироқда, кумлоқда велосипед, унинг ёнгинасида – қирмизи катакли дастурхоннинг устида сайр савати турарди. Кафега биринчи марта борганимда менга жуда ёқиб қолган, устига чой ва шоколадли печенье кўйилган дастурхон бор эди-ку, худда ўша! Юзимдаги табассум ичимдаги ўйларни аллақачон фош қилиб бўлганди.

– Бизникилар йўқ, шекилли?..

– Йўқ, бугун фақат сен борсан, Зайнаб...

Мен учун эди бу сюрприз, бу сават ҳам, айтиладиган барча сўзлар ҳам мен учун! Айни дамдаги босиқлигимни кўрганлар “Мунча ҳам ўзига ишончи баланд” экан деб ўйлаши тайин, лекин ичимда аллақачон бўрон бошланиб бўлган, айтадиган гапларим икки дақиқа ўйлагандан кейингина тилимга кўчяпти. Саватга узатилган кўлимнинг титрашини яшириш учун ўзимни ҳар кўйга соляпман.

Ҳой юрагим, ўзингга кел!..

Аммо бу чақирғим шунчалар кеч ва ўринсиз бўлдики, энди ўзимни кўлга ололмаётган эдим.

Орадан йиллар ўтиб, ўша кеча ҳақида Хотира музейимга ушбу сатрларни кўшиб қўйдим:

“Эртагимнинг маликаси бўлмиш мен оқ отли шаҳзодани кутар эканман, йўлда учраган биринчи отлиққа кўнглим суст кетди. Эҳтимол, кутганим рўй берди деб ўйлагандирман. Университетга киргунга қадар ҳеч кимга қалбининг ҳатто дарчасини ҳам очмаган қиз бугун соҳилдан “Миттивой” ўлароқ кетди. Севикли ўзим! Билки, юрагингдаги ҳаяжон кун келиб оғриққа айланиши мумкин. Уни яқиндан таниб олишинг, тўғриларни янглишлардан ажрата олишинг учун ўзим сенга ғамхўрлик қиламан. Хафа бўлишингни асло истамайман. Шу сабабли муюлишлардан бурилаётиб қўлингдан ушлаб оламан ва йиқилиб тушмаслигинг учун курашаман. Агар қачондир тойиб қўлимдан чиқиб кетсанг ва йиқилиб тушсанг, билгинки, сени тургазиб қўядиган яна мен бўламан”.

Ўша оқшом хаёлингда турли ўйлар билан кафега кетар экансан, у ердан “Миттивой” бўлиб чиқшингни билмаган эдинг. Елкангга тегинган ўша бегона кўлнинг эгасини бугун яқиндан танишни, чарчаган дамларингда елкасига бошингни қўйишни истаяпсан. Энди сени қийнаган саволларнинг жавоби аниқ. Соҳилга келишинг билан кўзинг тушган кўк пойабзални қаерда кўрганингни эсладинг. Сен илк бор таслим бўлганингда, илк бор гиёҳванд модда билан танишганингда хонангга сени ким олиб келганини энди биласан. Бироқ бу ҳақда ундан сўролмайсан. Умрингнинг охиригача ўзингдан ҳам



яширишни истайдиган ўша расвогарчиликнинг яна бир гувоҳи борлиги елкангга оғир юк бўлиб чўкди. Тун бўйи кушингнинг номини алахсиб чиқиб ўз исмингни қандай қилиб қўйганингдан ҳам энди хабардорсан. Сен босиб ўтмоқчи бўлган йўлда яна бир марта хатога йўл қўймаслик учун ҳар қадамда хушёр бўлишинг керак. Қулоғингга қуйилган ўша гапда айтилганидек, сен ҳам хуш келибсан менинг дунёмга... Худди у айтганидек:

– Хуш келибсан, Миттивойим, хуш келибсан...





Юрагимга баҳор келгани учунми ҳар томондан ипор келяпти ёки ҳар ёқдан ёқимли ис таралаётгани учун ичимда капалаклар учяптими? Дарвоқе, қаерда эди бу капалаклар? Қаерга қўнади улар? Қаерга учиб кетади? Ўлдиришмасин уларни, токи ҳар томондан баҳорнинг иси келиб турсин.

Ажойиб кунда очдим кўзимни. Қуёш тик келган бўлса-да, куйдирмаяпти, гўё мени эркалатяпти, илиқ нурлари билан силаб-сийпалаяпти. Имтиҳонлар йўқ, истаганча пинакка кетишим мумкин. Кечадан қолган хотиралар юрагимни сиқишни бас қилса, албатта.

Мириқиб ухлабман. Соат неча бўлганига қизиқиб қўлимни телефонга узатган эдимки, хабар келганини кўрдим. “Хайрли тонг” тилаги бўлса керак, шундай эмасми? Тезгина уриб кетган югаримнинг товуши Миттивойни уйғотиб юборди чоғи, хонада у ёқдан-бу ёққа учиб, тинимсиз чуғурлай бошлади. Қизиқ, нималар деяётган экан? Келақол, Миттивой, озроқ тинчлан. Чиройли патларингни силаб қўяйми? Айт-чи, қай юртлардан учиб келдинг бу ерга?

Қандай топдинг менинг деразамни, қандай тақиллатдинг ойнани кичкинагина тумшуғинг билан? Шундай ҳузур бағишлайсанки, келганинг жуда соз бўлди-да! Биласанми, Миттивой, ичимнинг қаеридадир ғалати ҳаяжон бор. Машиналар тинмайдиган йўлдаги қатновга ўхшаб у ҳам ҳеч тўхтамайди. Бир томондан шундай нарсаки, яна худди шу жойда, мана шу ерда оғир юк борга ўхшайди. Елкамни кўтара олмайдиган даражада чарчагандекман, аллақандай янглишларнинг оғирлиги мени босиб қўяётгандек. Тугаган шампуннинг идишига сув тўлдириб чайкагандекман, қуввати тугаган батареяларнинг ўрнини алмаштириб умид қилгандекман... Шунақа бўшлиқ бор ичимда... Майли, кўп бошингни қотирмай, Миттивой. Кел, хабарни очиб ўқийлик-чи, нима ҳақида экан.

Хайрли тонг тилаги ҳам гапми, ярим соат олдин бошланиши керак бўлган нонуштага таклиф экан. Ахир мен тайёр эмасман-ку! Қанотларингни бериб тура оласанми, Миттивой? Учишим керак бўлиб қолди!

* * *

Биринчи марта ҳайрон бўлганча киргандим бу ерга, энди эса катак-катак дастурхонидан кўпроқ маънога эга мен учун. Рўпарамдаги стол шунчалик тўкинки, ҳатто қараб туриб тўйиб қолишим мумкин.



Бошимнинг тепасидаги шохлардан осилиб турган чироқлар, кўм-кўк тусли стул... Оҳ, мен ўқиш учун келган шаҳар эмасдек бу ер. Мисоли денгиз қирғоғидаги уйнинг балконида нонушта қиялман. Стол устидаги гуллар мунча чиройли! Ҳаяжонимни сездирмаслик учун ўзимни кўрмаганга олганимни айтишимга ҳожат йўқ.

Таъби нозикка ўхшайди, акс холда гулларни бу ерга қўймаган бўларди дея ўйлаганча оҳиста қадамлар билан столга яқинлашдим. Нега кеч қолганимни тушунтирмоқчи эдим, лекин қаршимдаги табассумни кўришим билан жимиб қолдим. Авваллари қачондир кимдир сен учун мана шундай кулимсирайди дейишганида ишонмаган бўлардим. Оҳ, Миттивой, сен ҳам шу ерда бўлишинг, столнинг мана шу бурчагида туришинг керак эди.

Ўтиришим биланоқ гулларни тўйиб-тўйиб хидладим. Жуда ҳам очиқибмиз, анжир мураббосига бир пайтда қошиқ ботирганимизни билмай қолдик. Пича тикилишиб турганимиздан кейин мени кун бўйи тарк этмайдиган ҳайрат чулғаб олди. Хафа қилиб қўйишим мумкин деб ўйлаб ўтирмай, столнинг қоқ ўртасида менга кулимсираб қараб турган гулларни столнинг бир четига олиб қўйди. Бамисоли ирғитиб юборди! Кейин ҳатто менга қараб ҳам қўймай, апил-тапил нонуштани давом эттирди. Сукунатни эса кечаси соат ўн иккида бошланадиган ўтиришни айтиш билан бузди. Оиламнинг ёнида

бўлсам, у вақтда ухлаб ётган бўламан. Энди эса кун мен учун худди ярим тунда бошланадигандек, барча режамни ўша вақтга мўлжаллаб тузаяпман. Бир томоним бундан телбаларча ҳузур қиляпти, иккинчи томоним эса ундай муҳитда нафас ололмай бўғилиб кетяпти. Нима десам деяйин, бизникилар мени олмай кетишмасди ўша ўтиришга. Ўзимга бу ёшим қайтиб келмаслигини, бу имкониятларни қайтиб топа олмаслигимни айтганим сайин кечаси ўн икки ёқимли туюла бошляпти. Не ажабки, вақт масаласини бир четга суриб, эгнимга нима кийишни ўйлай бошладим. Қайси сумкани танлашни ўйлаётганимда телефон жиринглаб, онамнинг кўнғироқ қилаётганини кўрдим-у, типирчилаб қолдим. Ўша тонгдан бери нукул хавотир олаётган, қўлига телефон тушиши билан менга кўнғироқ қилаётган эди. Энг яқин сирдошим бўлган онамга энди пайдар-пай ёлғон гапирар, ёлғонлар ортгани сари эзилиб кетаётган эдим.

Бугун вақтлироқ ётиб ухлайман деган ёлғон билан ўзимча онамни тинчлантирган бўлдим-да, телефонни ўчирдим. Менга нима бўляпти: улғайяпманми ёки ўзлигимдан узоқлашяпманми? Катта бўляпманми ёки ичимдаги қизалоқнинг соф эртақларини ярим тунда улкан қовоққа айлантиряпман деб ўйляяпманми? Кечаси соатнинг ўн иккидан ўтиши менда ўша қовоққа ўхшаш ўтмиш қолдиришини қачон тушуниб етаман?..



9

Мўл қахқаҳалар билан бошланган кечанинг дастлабки ярим соатидан кейин столга кетма-кет келаётган қадахларга қарамаслик учун рўпарадаги деворга тушаётган нурларнинг деярли ҳаммасини санаб чиқдим. Арда менга тикилганча ёнимга яқинлашар экан, шунчалар уялдимки... Ҳолбуки, мен ҳам унга қарашни истаяпман-у, нигоҳларим у томонга ўгирилиши билан кўзимнинг ичи қизиб боряпти, бамисоли оловга яқиндан қараётгандекман, кўзларим ўз-ўзидан юмилиб кетяпти. Мен қаршилик кўрсатганим сайин қовоқларим баттар оғирлашяпти. Худди ичимда нимадир кўзимни очмаслигим учун бор кучи билан курашаётгандек. Кўзларимга ёш тўлиб, охири, енгилдим. Арда столдаги қадахлардан бирини менга узатар экан, кўзимдан оқаётган ёшлар ҳақида ҳазиллашаётган эди. Сенга қарашга уринаётганимда кимдир менга тўсқинлик килди деб қандай айта оламан? Буни тушуниши мумкинми? Чироқларнинг нурлари ёқмаганини айтаётиб охириги пайтда жуда осонлик билан ёлғон

гапираётганимни сезиб қолдим. Ваҳоланки, биринчи кунда онамга ёлғон гапирганим учун анчагина қийналган, соатлаб йиғлаган эдим. Ҳозир эса ўйлаб ўтиришимга ҳожат йўқ. Бирор таомни пиширишни янги ўрганаётган пайтингда аввалига масалликларни эслаб қолишга қийналасан, кейин эса ўлчаб ҳам ўтирмай, қанча масаллик кераклигини кўзинг билан чамалаб оласан-ку, ёлғон ҳам худди шунақа нарса. Аввалига жуда қийин, кейингилари эса жуда осон... Қанчалар нафратланар эдим ёлғондан! Қанчалар сохта туюларди мен учун ёлғон! Гўё рўпарамда ёлғон гапираётган одамнинг ичида ваҳший махлук бор деб ўйлардим. Қачон ёлғончига дуч келсам, аввал жимгина тинглардим. Кейин юзига қараб, сийратининг суратида акс этганини кўрардим. Шу ерда бир кўзгу бўлса-ю, ҳаммани тинчлантириб, ўша кўзгуга қарасам. Ичимда қандай бало махлукни улғайтиряпманки, суратимда мутлақо бошқача излар қолдирмоқда? Буни қандай удалаяпман? Энг ёмон кўрган нарсамнинг маркази томон қандай илдамляпман?..

Ана шундай ўйларга чўмиб ўтирар эканман, Арданинг:

– Шу чироқларнинг остида яна озроқ ўтирсанг, кўзинг оғриб қолади, – деган гапидан ўзимга келдим. Бизнинг гуруҳ “Хайрият! Ва, ниҳоят!” деганча югургудай бўлиб кетаётган эди. “Қаерга кетяпмиз?” деб сўрашга улгурмасимдан қизил деворли кички-



на хонага кирдик. Тор, лекин узунгина хона экан. Ёруғлик тобора камайганидан хонанинг охирина кўра олмаяпман. Ўнгу чапга аланглаб, бу ерда нима қилиб юрганимизни тушунишга уриняпман. Бизникилар аввал ҳам бу ерга келишгани учун ўзларини бемалол тутиб, рўпарадаги хира чироқли бўлмага ўтишди. Секингина Арданинг қўлидан ушладим. Ҳатто ўзимга ҳам эшитилмайдиган даражада паст овозда бу ерда нима қилишимизни сўрадим. Нигоҳлари шунчалар ғалати, овози шунчалар бегона эдики, савол берганимга минг пушаймон бўлдим.

“Соғинган бўлсанг керак, шундай эмасми?” дея сўраган ўша овозни дунёнинг энг жирканч овозларидан бири дейиш мумкин. Оҳанги ҳайратомуз, масхараомуз эди, камситувчи эди. Билиб туриб, билмаганга олаяпсан, деяётгандек эди. Буларнинг барини бир хил оҳанг билан айтишнинг уддасидан чиқди. Бир гап билан шунча маънони инсоннинг юзига солиш мумкинми?..

Аслида ҳайратлар ичида қолган инсон мен эдим. Ҳатто ўзимга ҳам айта олмайдиган бир ҳис катта-раётган эди ичимда. Кўрқаётган эдим... Ҳа, кўрқяпман, жуда кўрқяпман ҳозир. Хонанинг бор девори худди устимга бостириб келаётгандек, нафасим қисилиб кетаётгандек... Сал аввал аранг очилиб турган қовоғим энди юмилмаслик учун тиришаётганга ўхшайди. Қара, нимани танлаганингга қара демоқчи гўё. Юммайсан кўзингни, ҳаммасини кў-

расан, шу эшикдан чиқа олсанг, хонадаги ҳар бир рангнинг изи коп-қорайиб кетган мияннга ўрнашиб қолган бўлади, дея уқтиришга уринаётгандек. Рангим оқариб кетган, томирларимда қон худди тўхтаб қолгандек. Ҳозирги аҳволимни оиламдан кимдир кўрса борми, нақ эсидан оғади. Салгина йўталсам, атрофимда парвона бўладиган онам ҳозир нима қилаётган экан? Эҳ, аҳмоқ, алламаҳалда нима қилиши мумкин? Ухлаяпти-да. Илтимос, уйғонинг, она! Шунчалар совқотяпманки, дуоларингиз билан устимни ўраб қўйинг..

Руҳим менга, бизга шунчалар узоқдан қараб турардики, ёнимдагилар умуман сезгани йўқ. Чўнтақларидан чиқарган кичкина пакетчалар туфайли аллақачон осмони фалакда учиб юришибди. Қаҳқаҳа отишар, телбаларча кўнгилхушлик қилишарди. Дамодам қўлларидан менга ҳам узатишар, кейин мени эсдан чиқариб, ўзлари билан овора бўлишарди. Юрагимни очганман деб ўйлаганим йигит рўпарамда кўзларини сузганча менга қараб ўтирибди. Бахтиёрликдан телба бўлиб қолганга ўхшайди. Бу қанақа бахтиёрлик?.. Кўзини бир сония бўлсин, мендан узгани йўқ. Ҳеч нарса ёқмаяпти. Сал аввал шу йигитга соатлаб тикилиб ўтиришни истаётган эдим, энди эса нигоҳидан безовта бўляпман. Менга нечанчи мартадир узатилган ўша нарсага қўлим теггандир барибир. Балки, нима эканлигини тушунишига урингандирман, балки, ўша куни бошим-



дан ўтганларни, эслай олмаётганларимни топиш, пазлнинг етмаётган қисмларини хаёлимда бирлаштиришни истагандирман. Рўпарамдаги бир столга кўзим тушди, кўлимни узатсам етгудек, лекин ҳар қанча йўл боссам-да, етиб боролмайдиганга ўхшайман. Қизнинг оёғидаги пойабзал мен ҳар куни витринанинг олдидан ўтганда ҳавас билан қараган, ўша куни кийиш учун олган туфлининг худди ўзгинасидан эди. Не ажабки, худди менга ўхшаб табасум қилар экан... Янаям тиникроқ кўриш учун кўзимни қисиб қарадим. Қандай бўлиши мумкин бу? Бунақаси бўлиши мумкинми ўзи? Ахир бу менман! Ҳа, менман! Худди ўзим! Ҳаяжон билан, кўрқа-писа ўтирган столида янги дўстлар орттириш билан овора. Танишишни хоҳлаяпти, саволлар беришни, гаплашишни, ўрганиш ва ўргатишни... Қаерлик эканликларини, нима учун бу факультетни танлашганини сўрашни ўйлаяпти, лекин шунчалар нотўғри жойда ўтирибдики, эҳ, бечора Зайнаб, ўзига ўзи нималар қилаётганидан беҳабар!

Бирин-кетин бошлашди бангиликни. Бақир-чақир, шовқин-сурон ҳамма ёқни тутиб кетган. Навбат бир йигитга келди. “Йўқ”, – деди-да, кўли билан астагина қайтарди. Шу пайт рўпарасида ўтирган, кўйлагининг ўринсиз декольтеси билан эътибор тортган қиз кўлини узатди. “Бунинг учун жасорат керак, йигит ёки қиз бўлишнинг фарқи йўқ”, – деди. Ғурурим ерга урилди деб ўйлаган йи-

гит ҳам ўйлаб ўтирмай қўлини узатди. Сал туриб ўзи ҳам тушунмайдиган нарсалар бошланиб кетди. Юзидан шунчалик билиниб турибдики, нигоҳлари энди умуман бошқача... Навбат энди менда. Юраги хаприқиб, бир марталик синаб кўриш иштиёқининг ортида нималар бўлиши мумкинлигига қизиққан, дўстлари даврасида рад этгудек бўлса, калакага қолишини ўйлаган, ўзига ишончини ортиришга уринган, аммо юраги буткул ўзгача ҳисларга асир тушган менда. Ҳатто “Нима қилишим керак?” деб сўраётганида ҳам шунчалар маъсумки, ўрнимдан туриб, югурганча бориб қўлидагини юлқиб олишни, юзига шапалоқ туширишни истаяпман. Эртаси кун ҳатто қўли қўлига тегиб кетганида ҳам сапчиб тушадиган, ер ёрилиб ичига киришни истайдиган даражада уяладиган ва ўзини адои тамом бўлган ҳолда кўрадиган мен учун сабабчи бўлмаслигини хоҳлаяпман. Ўрнимдан туриб югурияпман, югурияпман, югурияпман... Мендан қанчалар узоқда, ҳолбуки, қўлимни узатсам, қўлидагини тортиб олишим мумкиндек туюлганди. На югуришларим кор қилди, на ёлворишларим. Беғубор болалигини, маъсумиятини ўша ернинг ўзида қолдирди-да, ўша ифлос нарсани истеъмол қилди... Танасида қон айланиши бирданига тезлашиб, нафаси қисилиб кетгандек бўлди. Юраги қанчалик тез уриши мумкинлигини ҳисоблаш учун жимиб қолди. Кейин бирданига пастга думалашни билан

атрофни қаҳқаҳа тутиб кетди. Нималар деб мин-
фирлаганини эшитолмадим...

Ўзимга тикилиб қолган эканман, устимга тўкил-
ган ичкиликдан қалқиб тушдим. Арда кетма-кет
узр сўрар, эгнимни тозалашга уринарди. Қолганлар
тинмай тиржайяпти, мен эса бу ҳолатнинг нимаси
кулгили эканлигини тушунолмай ҳалакман. Бўлиб
ўтаётганларга ортиқ чидай олмаслигимни сезиб,
Арданинг кўлидан ушладим-да, бор кучим билан
бақирмоқчи бўлдим-у, овозим аранг чиқди:

– Сен нималар қиялсан? Бу нима аҳвол? Сиз-
лар нима қиялсизлар бу ерда? Мен кетяпман, сен
ҳам кетасанми?

Нега “Сен ҳам кетасанми?” деб сўраганимни
билмайман, лекин жавоб кутаётган эдим. Кимдир
мени туртиши, бўлди, уйғона қол, ўқишга кеч қо-
ласан, дейиши керак эди. Арда совуққонлик билан
мени ёнига ўтказди ва тинчланишимни айтди. Қан-
дай қилиб тинчланишим мумкин? Гуруҳдагилардан
бири кадаҳни кўтарганча ичкилик ичишни қандай
бошлагани ҳақида гапирар эди. Саккиз ёшлигида
ота-онасининг ажрашиб кетишига айнан ичкилик
сабабчи бўлган экан, бу нарса қандай қилиб оилани
бузиши мумкин деб қизиққанидан ичиб кўрибди.
Кейин нима бўлганини ҳатто сўрашни ҳам истама-
дим. Қулоғим остида тинимсиз пичирлаётган овоз,
бизникиларнинг муттасил *“Ҳеч нарса бўлмайди,
кайфингни сур, бир неча соатдан кейин ўтиб ке-*

тади” деган кўндиришлари, ҳаммаси бир-бирига аралашиб кетган, ним қоронғилик мени чарчатган эди. Кўзим яна ўша столга, менга тушди. Кайфи аллақачон тарқаб кетган, вужуди зирқирар, йиғлар, бақирар, ўзини бир ерларга уришни истар, бироқ кучи етмаётган эди. Лаби лабига тегмай тинимсиз пичирлар, гўёки ким биландир гаплашаётганди.

Кимдир кўлини елкамга қўйганини сездим.

– Сен учун тайёрладим, – деганча столнинг устини кўрсатди. – Хавотир олма, мен ёнингдаман. Озгинаси ҳеч нарса қилмайди.

Майлику-я, нега энди ҳозир буни истеъмол қилишим керак?..

– Менинг ҳеч қандай дардим йўқ. Истамайман.

– Дардми? – деди сохта табассум билан. – Менинг ҳам ҳеч қандай дардим йўқ, Зайнаб. Лекин маза қилдиради-да. Унутган бўлишинг мумкин эмас.

Ернинг тагигача неча метр ўзи? Неча дақиқада етиб бориш мумкин?.. “Соғинган бўлсанг керак, шундай эмасми?” деганда чиққан оҳанг шаклга кириб, ўша кечага айланиб қолган, гўё юзимга урилаётган эди. Қанчалик ўйлашга тиришмай, унинг ўша кечадаги юзини эслай олмайман. Шунчалар уялдимки, аслида бундай қиз эмаслигимни тушунтиришни жуда-жуда хоҳладим. Аммо тушунтиришни нимадан бошлашни билолмаётган эдим.

– Менга қара, ўша куни қандай бўлди, билмайман, ҳатто сени эслолмайман ҳам, лекин ўша кун

биринчи марта шу ишга қўл урдим. Мен ундай қиз эмас...

Арда гапимни бўлиб, тушунтиришимга йўл қўймади.

– Биламан, – деди.

Ҳатто шу сабабли мени яхши кўришини, менинг бошқача эканлигимни айтди. Шунчаки кайф учун бир мартасидан ҳеч нарса бўлмаслиги уқтираётганида кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Юракни сикадиган бу лаҳзалардан халос бўлиш учун алланималарни алжираб, кетма-кет савол ёғдирдим.

– Қачондан бери истеъмол қиласан, яъни бангисан? Нега энди кайф учун бундай қиласан? Бир неча дақиқа кейинги азобга қандай чидайсан?

Банги эмаслигини, гоҳ-гоҳида мана шундай давраларда истеъмол қилишини ва ўзини йўқотиб қўймаслигини айтди. Негадир шу гапларидан кейин саволларни бас қилдим ва унга ишонишни танладим. Ичимда раҳм-шафқат ҳислари жўшиб кетди. Нигоҳидаги ёлғизликни кўриб, хафа бўлдим. Гоҳ-гоҳида истеъмол қиладиган шу ифлос нарсадан уни кутқаришни хоҳладим.

– Майли, бу гал сен айтгандек бўлсин. Лекин келишиб олайлик: иккимиз учун ҳам бу охиргиси бўлади, бўптими? Бундай давраларга қайтиб мутлақо қадам қўймаймиз!

Таклифимни қабул қилди. Қандай хатонинг ичида эканлигимни ўзим ҳам билмасдим, лекин уни бу

ердан кутқаришни дилимга тугдим. Инсофсизлик қилолмасдим, ортимга ўгирилиб, шу эшикдан чиқиб кетолмасдим. Уни шу ерда, мана шу нотўғри ҳаётнинг ичига ташлаб кетолмасдим!

* * *

Юрагим жуда тез урар, қўлларим увишган, шокка тушиб қолгандим. Ўляпманми? Шундай бўлар эдими? Кўзимга шифтдаги чироқнинг хира нуридан бошқа ҳеч нарса кўринмаяпти. Телбаларча йиғлагим келяпти-ю, кўз ёшларим куриб қолгандек. Қаттиқ чанкаган бўлсам-да, тилим танглайимга ёпишиб қолганидан бир томчи сув ҳам сўрай олмадим. Қўлимни Арданинг қўлига узатишни, аҳволим яхши эмаслигини айтмоқчи бўлдим, лекин қоп-қоронғи жарликка қулаётгандек ҳис қилдим ўзимни, бирор ерга урилиб чилпарчин бўлмаслик учун Аллоҳга ёлвора бошладим. Аллоҳим, мени кечир! Кечир! Кечир! Дир-дир титраш шунақа бўладими? Мени шунчалик қалтироқ тутган пайтда ёнимдагилар қандай қилиб бунчалар хотиржам? Чироқларнинг нури тобора хиралашяпти, қўрқяпман, ўлаётганга ўхшайман. Шу ерда ўламанми? Оилам мени шу ердан топадими? Аллоҳ-чи? Унинг ҳузурига шу аҳволда чиқаманми? Бунинг учун қандай жавоб бераман? Мен ким эдим? Нима бўлди менга? Нима қияпман бу ерда? Ўрнимдан туриб,



тўғри хонамга боришни ва Миттивойни ҳам олганча биринчи самолётдаёқ оиламнинг олдига, уйимга қайтишни истаяпман. Мен шундай эдимми?.. Менга тегишли ҳамма нарсани шу ернинг ўзида қолдириб кетишни, бундан кейин бу шаҳарнинг ҳатто ёнига ҳам яқинлашмасликни хоҳлайман. Аллоҳим, кутқар мени бу аҳволдан! Оилам мени бу алпозда кўрмасин!

Неча кунлардан бери мен кўриб турган деворнинг ўрни бирданига ўзгариб, сал аввал мен қараб турган менга, ўша столга айланиб қолди. Рўпарамда адои тамом бўлган мен бор эдим. Қўлини ҳатто деворга ҳам тирай олмайдиган даражада ҳолдан тойган мен. Кимдир кўлимдан ушлади, юзимга сув сепди, лекин эс-хушим ўзимда эмас. Етаклашга уринди, лекин юролмадим. Кейин қучоғига олдида, у ердан олиб чиқди. Ҳарчанд уринмай, қоронғиликдан юзини кўра олмадим. Кўзим пойабзалига тушди. Кўм-кўк эди. Осмоннинг рангидай кўк эмас, денгизнинг тўқ кўк сувидай. Хув болалигимда, акам иккимиз мириқиб томоша қилган денгиздай кўк рангда. Болалигимдаги ҳовучимга, пахтақандлар сикқан орзуларимга ўхшарди. Ҳаммаси тамом бўлдимми? Бунчалар ёлғончи бўлмаса дунё, мақсади йўқ, битмас-туганмас... Копток мисоли оёғимнинг тагида юмалаб кетяпти, сал туриб самодан нимадир ёғади-да, чилпарчин бўламыз! Даҳшат! Тез орада қуёш янада кўпроқ яқинлашади ва бизларни ёнди-

риб ташлайди! Юлдузлар бошимиз узра оловли тўп мисоли учиб ўтиб, охир-оқибат, бизларни бурда-бурда қилади. Денгизлар қайнайди, чегараларидан ошади, бизларни домига тортади. Ҳадемай чўкиб кетамиз! Дунё коинотнинг кенгликларида тебраниб юрибди, энди оёқларим билан уни ушлаб тура олмайман. Қаёққадир бориб урилади, бўлакларга бўлиниб, тарқалиб кетади. Нафас ололмаяпман! Бўғилиб кетяпман! Жоним кимнингдир қўлида стресс таркатадиган тўпдек сакраяпти. Аллоҳим, дунёни кутқар!..

Юзимга сепилган сув билан Ардага қарадим. Ҳали ҳам ўшандай кулимсираб турганди.

– Кайфдан ҳатто бизни ҳам эшитмай қолдинг. Булутларнинг устида ўтирганча оёқларингни ликиллатяпсанми?

Булутларнинг устида деяптими? Булутлар тарқалиб кетяпти-ку. Ўзимни яхши ҳис қилмаяпман. Ҳаммаси парча-парча бўлиб кетган дунёни ютишга ҳозирланияпти. Ёмғир ёғяпти, тупроқ сувни шимиб оляпти, дунё тобора тўлиб боряпти. Аввалига сузишни билмаганлар чўкяпти, кейин қолганлар... Ҳамма оҳ-воҳ қилганча қочяпти...

Онажон, мени кутқаринг!..



Кўзимни очганимда атроф ёришиб кетган, соҳилда оёғимга денгиз тўлкини урилаётган эди. Бошимни қўйган жойимдан – Арданинг елкасидан кўтардим. Кўзларимиз тўқнашди.

– Яхшимисан?.. Узр...

Миямнинг ортидан келган оғриқнинг зўридан гапини охиригача эшитолмадим.

– Нима бўлди менга? Биз бу ерда эдикми? Қўрқинчли туш кўрдимми? Нонушта қилаётган эдикми?

– Очқадингми?

– Йўқ. Бу соҳилга нонушта қилиш учун келмаганмидик?

– Бир неча кун бўлди-ку унга. Ростдан, яхшимисан? Аввал тинчлан, мана бу сувни ич. Ҳеч нарсани ўйлама, хўпми?

– Хўп.

– ...

– Биз бу ерга қандай келдик?

– Ёнингда мен борлигимни айтган эдим, Зайнаб. Қўрқишингга ҳожат йўқ. Зерикиб қолганинг учун бу ерга келдик.

Мен зерикканим учун келдикми? Шошма-шошма, эсладим. Рўпарамда мен бор эдим. Яна мен ўтирган жойда ҳам бор эдим. Дунёга нима бўлди? Ўқидан чиқиб кетган, телбага ўхшаб айланаётган эди. Ким тўхтатиб қолди уни? Йўкса ўлдикми? Уф, бошим тарс ёрилиб кетай деяпти. Юрагимга алланечук оғирлик чўккан. Кимнидир кучоқлаганча соатлаб йиғлагим келяпти. Фикримни уккан чоғи, ўша пайт Арда мени кучоқлаб олди. Неча йиллардан бери ичимда йиғи йиғилиб қолгандек, неча ойлардан бери кўзимдан бир томчи ёш оқмагандек роса йиғладим, соатлаб йиғладим... Ичимдаги ҳамма нарсани кўз ёшларим билан окизишни хоҳлагандек, денгизни кўзларимдан оққан ёш билан тўлдиришни истагандек йиғладим.

Оёқларимга урилаётган сув энди оқаётган ёшларимни олиб кетаётган эди. Денгиз энди янаям шўрдек, янаям дардманддек, янаям мовийдек... Оғзимдан “жуда чарчадим”дан бошқа гап чиқмади, фақат йиғладим. Кўзимда ёш тугаб қолгунча йиғладим. Кеча унинг юзига қараб мен ҳис қилган раҳм-шафкат, уни ўша ердан кутқариш истаги ичимни босиб турган оғирликни ҳосил қилганди. Энди эса у менга ўшандай қараб турар, кўз ёшларимни ўшандай артаётганди. “Бундан кейин ҳеч қачон бунга рухсат бермайман!” деяётганида тушундимки, ўзини қаттиқ қойиётган эди.

– Кетишим керак!

– Ётоқхонагами? Мен олиб бориб кўяман сени, лекин кетишдан олдин нонушта қилиб олсанг яхши бўларди.

– Йўк, ётоқхонага эмас, уйимга...

– Уйгами? Қайтиб кетасанми?

– Йўк, йўк... Бироз муддатга, бир неча ҳафта, балки бир неча кунга бориб келмоқчиман. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман.

– Имтиҳонлар нима бўлади? Биласан, яқуний имтиҳонлар бўляпти.

– Рухсат оламан, такрорий имтиҳонларга кирман. Тўғриси айтсам, ҳозир имтиҳонларни ўйлаётганим йўк, шунчаки уйга кетишни хоҳляпман.





Нақ икки кун хонамдан чиқмадим. Уйга боришим ҳақида онамларга хабар бердим. Имтиҳонларни топширишимни, ҳеч нарсадан ортда қолмаслигимни айтдим. Ҳеч нарсадан хабари йўқ онам шунчалар хурсанд бўлдики... “Сени олгани борамиз, бирга қайтамиз”, деганида юрагим қинидан чиқаёзди. Худди кўчалардаги йўлкаларнинг тошлари мен ҳақимда гапиради. “У сизнинг қизингиз эмас, энди умуман бошқа”, дейди. Қилган ишларимни бирма-бир айтиб берадигандек. Неча кунлардан бери биринчи марта айтгани ёлғон тополмай каловланиб қолдим. Ахир мен бораман-ку, уларнинг бу ерга келишига ҳожат йўқ. Хуллас, амаллаб кўндирдим. Улар бу шаҳарга қадам қўймаслиги керак, камида мен ўзимга келиб олгунга қадар. Мен жуда-жуда чарчадим...

* * *

Учинчи куннинг адоғида Миттивойга дон олиш учун хонамнинг эшигини очдим. Бир томондан Арда билан учрашиш, унга аслида қандай инсон



эканимни тушунтиришни истаётган эдим. Туғилиб ўсган уйимни, мен яшаган ҳаётни, қандай улгайганимни, ўзим ҳақимда ҳамма нарсани гапириб бергим келди. Уни яхши танимайман. Ўтган қисқа вақт ичида бошимиздан ўтган нарсалар, ким биларди, қалбларимизга қандай таъсир қилди экан. Нималарни яхши кўрадию нималарни хушламайди? Энг ёқтирган ранги қайси? У ҳам кечалари ухлалмасдан осмонга тикилармикин? Дарвоқе, кечалари самога кўз тикмай кўйганимга қанча бўлди? Неча кечадан бери ухляпман ўзи? Қанчалар соғиндим юлдузларни, ойни, тушларимни, ҳаммасидан кўпроқ ўзимни... Балки, бугун соҳилда ўтириб анчагача суҳбатлашамиз. Иккимиз учун бир юлдузни танлаб, унда нималар кўрганимизни бир-биримизга гапириб берамиз. Ўзимиз аслида қандай эканлигимиз тўғрисида гаплашамиз. Балки, ўша кеча ҳақида ҳам бироз гаплашамиз, лекин у мавзунини қайтиб ҳеч қачон очмаймиз. Бир қутига қамаб, умиримизнинг охиригача у ҳақда ҳеч кимга айтмаймиз. Айтганча, умр йўлида бирга қадам ташлай оламиз, тўғрими? Шундай бўлиши мумкинми?..

Ана шу ўйларни хаёлимдан ўтказар эканман, Миттивой учун дон олган ва аллақачон кафенинг эшигига келиб бўлган эдим. Кафеда ойдеккина қиз бор экан. У ҳам биринчи курсда ўқир, ўқишдан бўш пайтларида бу ерда ишлар экан. Шунчалар истарали қизки, биринчи кўришдаёқ бирга чой ичиб,

сухбатлашгим келди. Мени кўриши билан кулим-сираганча ёнимга келди. Ундан Ардани сўрадим. Иши бор экан, ташқарига чикиб кетибди. Қизик, нима иши бор? Қаерга кетди? Ёки менга сюрприз тайёрлаяптими? Балки, соҳилга боришни мендан олдин у ўйлаб қўйгандир. Ўша кеча бўлган ишлар учун хафа эди, ҳолбуки, нималарни кўрганимни, бошимдан нималар ўтганини билмайди.

* * *

Оқшомгача Ардадан хабар келмади. Соат саккиз бўлибди. Ўн иккидан аввал ётган ва аллақачон ухлаган бўлишим керак. Бирор соат гаплашиб келман деб яна кафега йўл олдим. Бугун, балки, биринчи марта ҳақиқий ўзимиз бўлиб гаплашиб оламиз. Ҳаяжонланиб кетяпман, нимани биринчи бўлиб гапириб бериш ҳақида ҳали бир тўхтама келмадим. Балки, у биринчи бўлиб сўз очар, кейин мен...

Лекин Арда йўқ экан. Қаерда эканлигини эшитганимда устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандек бўлди. Гуруҳдагилар билан яна ўша барга кетибди, менинг эса хабарим йўқ. Ахир келишганди-ку! Бошқа қайтарилмайди, у ерга яқинлашмаймиз деганди-ку!.. Нега менга кўнғироқ қилмади?.. Аввалига телефонимни олиб, рўйхатдан унинг исмини қидирдим, топгандан кейин эса кўнғироқ қилишдан воз кечдим. Барибир кўнғироққа жавоб бер-



майди, ҳатто эшитмайди ҳам. Телефонимни чўнтагимга солдим-да, шошилганча бар томонга йўл олдим. Ёнимдан ўтганларни кўзим кўрмаётганди. Бу гал ичим тўла нафрат билан кетяпман, бир ўзим! Биринчи марта бу йўлда бунчалар қатъиятлиман, биринчи марта ўзимга бунчалар ишоняпман.

Барнинг эшигига келганимда ичкаридаги ичкиликнинг ҳидидан кўнглим ағдарилгудек бўлди. Аввал бу ерда қандай ўтирганман ўзи? Қандай қилиб ҳавосидан нафас олганман? Унитазнинг олдида ўтирган кўйи қусганим эсимга тушиб кетди. Бўлиб ўтган воқеалар ҳаёлимдан шитоб билан ўтар, ўша биринчи кечада ўзим берган саволларга бирма-бир жавоб қайтараётган эдим. Агар билганимда ўша остонадан ҳатлаб ташқарига чиқмаган бўлардим! Билганимда... Оҳ, мен! Ўша туфлини умуман киймаган бўлардим, умуман! Ёввойи эдик, ҳар биримиз шунчалик ёввойи эдикки, бу дунёнинг ифлосгарчиликларига ботар, ана шу ифлосгарчиликларидан нафас олар эдик.

Ичкарига кирганимда ҳеч кимга кўзим тушмади. Қизиқ, нотўғри қилдимми? Бу ерга келишмаганмикин? Эҳтимол, Арда бу ерда эмасдир. Аввал кўнгироқ қилишим керак эди, эшитиб қолса, роса жаҳли чиқади... Эндигина зинадан тушиб кетаётган эдим ҳамки, ичимни тимдалаган бир хотира эсимга солди: балки, ичкари хонада бўлишса-чи?.. Яна ўша нарсани истеъмол қилишаётган бўлса-чи?.. Йўк, бе-

маънилик қилма, у ерга киролмайсан, устига-уастак, бир ўзинг. Қандай чидайсан бунга? Сен шунчалик кучлимисан? Албатта, йўқ. Бундай қилолмайсан, бунга рухсат бермайман. Энди сенга ўзим яхши қарашим керак, кичик хоним. Энди ўйламай-нетмай иш қилиш йўқ! “Жавоби йўқ саволлардан халос бўлиш керакки, ҳаётда яшаш мумкин бўлсин” деган ўша тутуриқсиз фикрдан ҳам узоқлашишинг керак. Жавоби йўқ саволларни эмас, сенга муаммо келтириб чиқарган, сени ўзлигингдан айирган бу йўлдан қутулишинг зарур.

Ўзим билан жанжалим жуда кучли эди: сал аввал ўйга толиб турган мен ичимдаги овозни бостирдим-да, ичкаридаги хона томонга қадам босдим. Ҳеч ўйлаб ўтирмай эшикни очдим, чунки бир сония ўйлансам ҳам, у ердан югурганча қочган бўлардим.

Қай кўз билан кўрайки, ҳамма ўша ерда эди. Лекин ҳамма тик турар, қотиб қолгандек менга қарашарди. Айбларини тушуниб қолишди, шекилли, деб ўйладим. Шу пайт кимдир “Полиция!” деб бақирди-ю, нима бўлаётганини англаб улгурмасимдан ҳар ким дуч келган ёққа қоча бошлади. Ўша юракни сиқадиган, тор ва ғира-шира хонада миллионлаб одам бор-у, бари мени туртиб-суртганча ёнимдан ўтаётгандек. Арда қўлимдан ушлаганча мени тортар экан, оёқларим чалкашиб кетгандек қадам ташлай олмаётган эдим. Ерда бир қиз ётар, тинимсиз титрарди. Унга қўлимни узатишни, уни олиб



ташқарига чиқишни хоҳладим... Миям ғовлаб кетганди. Арда қўлимдан маҳкам сиққанча тортқилар, беихтиёр унга эргашаётган эдим. Жаҳл қилаётган, бақираётган эди. Мени тезгина аёллар ҳожатхонасига олиб кирди. Мен пайдар-пай берадиган саволларни олдиндан билгандек “Жим!” деди. Қатъий, қўпол овоз билан. Нонушта пайтида стол устида турган гулларни бир бурчакка итқитганида бундай нарсалар бўлиши мумкинлигини нега ўйламадим? Шошма, мен бу ерга нега келгандим ўзи? Ардани олиб кетишга келмаганмидим? Нега энди полициячилардан қочяпмиз? Ахир мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку. Аллоҳим, мени қутқар! Бу ботқоқликдан, ўзимдан, нафсимдан, қилган ишларимдан қутқар мени, ўтинаман!

Шу пайт ташқаридан кимнингдир яқинлашаётгани эшитилди. Товуш яқинлашгани сайин йўқ бўлиб қолиш истагим ортиб бораётган эди. Нима дейман? Бу ерга нега келганимни, ҳатто нималар бўлганини тушунмаганимни қандай айтаман? Қандай ишонтираман? Кутилмаганда бу ерда, ўзим билан бутун дуолару сураларни ўқиётган ҳолатда пайдо бўлиб қолганимни қандай тушунтираман?..

– Аста-секин чиқаверинглар, кетишди.

Мен нега келишганини билмаган полициячиларнинг кетганига бениҳоя севинаётган эдим. Шунчалик кўрқиб кетдимки, ўша сассиқ ҳожатхонанинг сассиқ деворига ёпишиб қолгандим. Эгним шалаб-

бо бўлганди. Бунчалик кўркувга шунча тер камлик қилади! Арда сал олдин мен тикилган кўзларини ишқалаб, деворни муштлашга тушди.

– Минг лаънат! Минг лаънат! Минг лаънат!

Оғзидан бошқа гап чикмаётган эди. Буни биринчи марта тўққиз яшарлигимда автобусда кетаётганимда эшитганман. Бир аёл телефонда гаплашиб кетаётиб нариги томондаги кишига “Минг лаънат сенга!” деган эди. Уйимизда бирор марта ҳам “лаънат” деган сўзни эшитмаганим учун онамдан унинг маъносини сўрадим. Қизиғи, ўша аёлнинг ўрнига онам уялган, бу сўзнинг маъносини тушунтиришга қийналган эди.

– Болажоним, бу сўзни эшитишингни асло истамаган бўлардим, лекин насибамизда бу ҳақда гапириш бор экан. Сал аввал сен эшитган сўз инсоннинг юрагини уюштириб кўядиган истакдир. “Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўл” деган маънони билдиради. Эсингдами, тунов куни намоздан кейин бисмиллоҳда Аллоҳнинг икки исми борлиги ҳақида гаплашган эдик. Нега шунча исмларидан фақат Раҳмон ва Раҳим бор бисмиллоҳда деб сўрагандинг.

– Ҳа, онажон, эсимда. Аллоҳнинг Раҳмон исми бу дунёда яратилган бутун мавжудотларни қамраб олади, деган эдингиз. Кўзичокдан тортиб бўригача, Аллоҳга имон келтиргандан тортиб Унга ишонмайдиган инсонгача, барча-барчага Аллоҳ ўз раҳматини кўрсатади деган эдингиз. Тўғрими?

– Худди шундай. Аллоҳ ҳаммага ўз раҳматини кўрсатади-ю, қандай қилиб инсонлар бир-бирига бу раҳматни раво кўрмай, шайтоний гапларни гапираркин-а?!

– Шайтон бу сўзни яхши кўрадимиз? Ундай бўлса, уни ҳеч қачон оғзимга олмайман!

– Оғзингни ҳам, қалбингни ҳам бундай сўзлар билан кирлатма, болажоним. Кўриб турибсан, бу аёл яхши иш қилмади, атрофдагилар гувоҳ бўлганини хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Биз гувоҳ бўлдик, у айтган сўзни унинг ўзига раво кўрмаслигимиз керак.

– Демак, унга лаънат айтмаслигимиз керакми?

– Агар ёмон иш қилгани сабабли фақатгина ўзимизни қаноатлантириш учун танқид қиладиган бўлсак, биз унинг учун яхши диндош бўла олмаган бўламиз. Аллоҳ бизни мана шундай ҳодисага дуч келтирган эканми, демак, бу аёлнинг анчагина дуога эҳтиёжи бор. Биз уни дуо қилайликки, жаҳли чиққанида бундай сўзларни айтмасин, ҳар доим Аллоҳнинг раҳматини тиласин. Кел, энди уйга етгунча жимгина уни дуо қиламиз, хўпми?..

Онамнинг гаплари шундоққина қулоғим остида янграгандек бўлди. Лекин тилим ўрнига қўлим ишга тушди: қандай бўлди билмадим-у, Ардага тарсаки тортиб юбордим. Бир неча сония менга қараб турди-да, жимиб қолди. Йиғлаётган эди. Менимча, ўзига келиб қолди. Ҳеч нарса демай ҳожат-

хонанинг эшигини очдим. Бир неча кун аввал Хотира музейимга шу йигит ҳақида ширин энтикиш билан бир нималар битган эдим, энди эса у билан битта ҳожа хонадаман. Устига-устак, аёллар ҳожатхонасида ва полициячилардан яширинган ҳолатда! Эшикни очиб улгурмасимдан тезгина жўмракни очди-да, юзига сув сепа бошлади. Юзига сув сепаётганга эмас, ўзини муштлаётганга ўхшарди. Мен эса каттакон сўроқ белгиси чизилган ва кейин ундов белгиси кўшилган чанг босган ойнадан ўзимга қараб турардим. Ҳали ҳам турибдими бу? Бирор марта бўлсин тозалашмабдими бу ерни? Мен теккан ўша унитазлар, мен ўтирган жойлар, эгним шалаббо бўлгудай бўлиб мен ёпишиб қолган деворлар қачондан бери тозаланмайди? Биз эса руҳимизни охирги марта қачон тозалаганмиз? Ўзимдан жирканяпман, ҳар бир заррамдан нафратланяпман. Жўмракни очдим-да, кўлимни қайта-қайта совунладим, қайта-қайта ювдим. Бошимни кўтарганимда юзим акс этган ойнага ортиқ тоқат қилолмадим ва ичимдаги бутун ғазабни муштимга жамлаганча унга салом юбордим.

Бир неча дақиқадан кейин ўша савол белгиси қонимнинг ранги туфайли кўринмайдиган аҳволга келиб қолганди. Ойна парча-парча бўлиб кетган, кўлимни қонатиб юборганди. Қизиғи, ҳеч нарсани ҳис қилмаётган эдим. Ойнани яна бир неча марта муштлаб, ҳатто синиқларини ҳам кўргим келмаёт-



ган бир пайтда Арда мени тезгина ташқарига олиб чиқди. Ўзимни касалхонада кўрдим. Ўнг кўлимда тикишлар билан эшиқдан чиқаётганимда ҳали ҳам ҳеч нарсани ҳис қилмаётган эдим. Лекин кадам ташлашга ҳолим қолмаганди. Касалхонанинг олдидаги дарахтнинг тагига ўтириб, Ардага ўгирилдим:

– Ё нималар бўлганини тушунтир, ёки кўзимдан йўқол!

Менинг бунчалик нафрат тўла нигоҳларимга биринчи марта гувоҳ бўлиб турибди.

Ерда ётган қизнинг гиёҳванд моддани ортиқча истеъмол қилгани учун ўзидан кетиб қолганини айтаётганида давомини эшитмаслик учун кулоқларимни иложи борича ёпишга уринаётган эдим. Кўлимни қаттиқ бостирганимдан тикилган жойи зўриқиб, оғрий бошлади. Атрофда бирор новда қимирламас, бирорта барг қилт этмасди! Ердан ҳатто бирор чумоли ўтса ҳам сезиладиган даражада жимлик чўккан эди. Томирларимда пишқирганча оқаётган қоннинг овози ҳам эшитиляпти. Бўлиб ўтган шунча ишнинг ичида мен нима қилиб юрибман?..

Ўлиб қолдимиз? Туғилганида уни катта хурсандчилик билан кутиб олган оиласига ким хабар беради? Бу шаҳарга ўқигани келганмиди? Нега бундай қилди? Инсон қандай қилиб ўзини хавфга отиши, қандай қилиб ўзи ишонмайдиган одамлар билан бир ҳаводан нафас олиши мумкин? Ҳозир, ростдан ҳам, ўлганми?..

“Унутма, қизим, инсон қандай яшаса, ўшандай ўлади, қандай ўлса, ўшандай тирилади”, деган она-си айни пайтда уни қаерда деб ўйлаётган экан? Шу ахволда тириладими, Аллоҳнинг ҳузурига шундай чиқадими? Аллоҳим, ўлим қанчалар кўрқинчли, қанчалар оний!

Шошма, ўзингга кел, бу саволларнинг бари ўзингга қаратилганини фаҳмляяпсанми? Танишган кунингдан бери ҳаётингга салбий таъсир кўрсатаётган бу йигитга қанчалик ишонасан? Кимлар билан дўст бўлдим деб ўйляяпсан ўзи? “*Бир марта синаб кўрсанг, ҳеч нарса бўлмайди. Сөгинмадингми берган кайфини?*” дея бу разилликни олтин товоқда олиб келган шу инсонни, чиндан ҳам, севишингга ишонасанми? Шайтон ҳам нуқул худди шу сўзларни айтмайдими? Ўша қизга ҳам бир мартадан ҳеч нарса бўлмайди дейишгандир, балки! Ҳозир шу ерда ўлиб қолсанг, бундай ҳолатда тирилишни иштасингга ишончинг комилми?..

“Бу кунни асло унутмайман! Унутмаслик учун миямга ўйиб ёзиб оламан. Оёқларим сен томон қадам ташлашни истаса, уларни кесиб ташлайман! Яхши қол!”



12

Бугун ойнаинг йигирма тўртинчи куни. Ўша кечадан бери тўқсон кун, шифохонама-шифохона кезиб, ўша қизнинг вафот этгани ҳақида хабар олганимдан бери саксон саккиз кун ўтди. Уйимдаман, хонамда. Онамнинг бағридаман. Онам нақ тўқсон кундан бери нималар бўлганидан беҳабар ҳолда бошимни силаб ўтирибди. Уйдагиларга ўқишни ташлаш, бу йил университет имтиҳонига қайтадан кириш ҳақидаги фикрим маъқул келди. Онам ҳеч нарса сўрамаётган, ҳар куни кўзларимга тикилганча гўё мен жимгина эшитишни хоҳлаган нарсаларни гапираётгандек эди. Миттивой билан жуда яхши чиқишиб қолишди, кушчам ҳар куни эрталабдан кечгача онам ўргатган оҳангларни завқ билан такрорляпти. Балки, бошимдан ўтганларни Миттивой шипшиб қўйгандир онамга... Ҳатто у ҳам жуда ўзгарди, патлари янада чирой очгандек, овози янада тиниқлашгандек, ҳақиқий уясини ана энди топгандек. Бу сафар, чиндан ҳам, ёлғиз қолмаслигини ҳис қилаётгандир, эҳтимол...

Ўзимга кела бошладим. Лекин гоҳ-гоҳида индамай уйдан чиқиб, бир ерларда уним чиқмайгина



юриб келиш истаги ичимни тирнаб кўймасди. Хар гал онам менга ҳамроҳлик қилмоқчи бўлар, мен эса аксар ҳолларда ёнимда кимдир бўлишини хоҳламасдим. Эгнимдагиларни алмаштириб ташқарига чиқиш учун жавонни очмоқчи бўлганим эсимга тушса, нафасим қайтиб кетаверади. Ёнимга тузук-қурук ҳеч нарса олмай келаверган эдим. Худди ҳамма нарса ўша кечани эслатади! Ётоқхонага қайтишим ҳамано бир-иккита кийимимни чамадонимга солиб, Миттивойни ҳам олдим-да, уйга равона бўлдим. Қайтиб келмаслик учун, иложи борича тезроқ қочиш учун, ортимга ўгирилиб қарамаслик учун кетдим...

Эгнимга бир-иккита кийим олмасам бўлмайти энди. Қайтадан қадам ташлашни, ҳаммасини қайтадан бошлашни истаяпман... Ким билади, балки, юришдан олдин қайтадан эмаклашимга тўғри келар, лекин янгитдан бошлаш учун бир илинж борлигини билишни хоҳлайман...

Авваллари кўзгуда ўзимни кўришни истамасдим, ҳозир эса бир неча дақиқадаёқ тайёр бўлдим. Онам узоқ вақтдан кейин бирга ташқарига чиқишимизни эшитиб хурсанд бўлиб кетган, аллақачон кийиниб, мени кутаётган эди. Зинадан тушаётиб юқори қаватдаги қўшнимизнинг қизчасини кўриб қолдик. Қизча на хурсанд бўлишни, на кўрқишни билолмаётгандек эди. Унга кулиб қараганимдан кейингина юзи ёришди. Кўлидаги сариқ айиқчаси билан ортига ўгирила-ўгирила тушиб кетди. Телефони уйда қолганини



эслаган онам эса шоша-пиша тепага кўтарилаётган эди. Тўсатдан деворлар орасида нафасим қайтгандек бўлди, онамни ташқарида кутиб туриш учун очик ҳавога урдим ўзимни. Кимгадир кулиб қарамаганимга, бу шифонинг лаззатини унутганимга анча бўлибди. Оҳ, ҳаво! Қанчалар улкан неъмат! Инсон энг қийналган пайтларида, ўзини бўғилгандек сезганида биледи унинг қадрини. Уйнинг олида дам ўнгга, дам чапга юрар эканман, қандайдир қоғозни босиб олганимни сездим. Эгилиб қарасам, сал аввал кўшни қизча айикчасининг кўлтиғига кистириб қўйган мактуб экан. Ортидан югуриб бормоқчи бўлдим, лекин оёқларимга бу фикр ҳечам маъкул келмаган кўринади. Турган жойимда қотиб қолгандим. Чор атрофга кўз қирим билан карагач, мактубни очиб кўрмоқчи бўлдим. Онам ҳалигача келгани йўқ. Кичкина қиз кимга хат ёзиши мумкин? Бунча безаб-безалган мактубни кимга жўнатиши мумкин?..

“Атиргул исли Пайгамбаримга!

Бугун отам Сизнинг исингиз бир неча кўча нариддан келиб туришини айтди. Богимиздаги гулларнинг ҳиди эса узоқдан ҳечам сезилмайди, атайин ёнига бориб ҳидлашимга тўғри келади. Бизнинг кўчадан ҳам ўтасизми?. Ўтсангиз, ҳамма ёқ ажойиб ҳидга тўлиб кетадида!

Ўтган кунни мактабнинг ёнидаги дўконда қизил сочли кўғирчоқни кўриб қолдим, лекин отам маош олмагунича уни сотиб ололмас эканмиз, онам шун-

дай деди. Ўша кўғирчоқни сиз олсангиз бўлмайди-ми, ё Расулуллоҳ? Сизни кўришни жуда-жуда истайман, ёқимли исингизга жуда қизиқиб кетяпман. Илтимос, бизнинг кўчага ҳам келинг, Расулуллоҳ!..”

Қизалоқ тушмагур Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан кўғирчоқ олиб беришларини, У зотнинг исларидан тўйиб-тўйиб нафас олишни хохлаётган экан!.. Бу қандай софдиллик, бу қандайин ишонч?.. Қизик, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга етиб бориши учун бу мактубни кимга бермоқчи бўлдийкин?.. Болалик қанчалар гўзал, қанчалар маъсум! Ёзган мактуби Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг кўлларига эмас, мендек гуноҳга ботган кимсанинг кўлига тушганини билса, нима қиларкин?.. Оҳ, қизалоқ! Мактубингни ҳатто кўлимда ушлаб туришдан ҳам уяляпман! Қоғозига тегинганим учун, сатрлари аро кўз югуртирганим учун ўзимдан уялиб кетяпман...

Уни топиб, мактубини Расулуллоҳга етказиб бўлмаслигини айтсам, қандай бўларкин? Ёки бирор жойга яшириб қўйсаммикин? Балки, бу истаги рўёбга чиқмаслигини тушунтирсаммикин? Кичкинагина болага ҳафсаласини пир қилмай қандай тушунтириш мумкин буни? Яхшиси, ўша кўғирчоқни сотиб олиб, қизалоққа бу мактубини Пайғамбаримизга етказа олмаслигини ётиғи билан айтаман...

Умримда биринчи марта кўлимга тушган биринчи нарсаниёқ “яхши экан” деб олганимдан кейин уйга қайтар эканмиз, онамдан кутилмаган сўзларни эшитдим:



– Ўзимга ўзим қизим улғайяпти дер эдим нукул. Ўзинг сездингми, билмайман, биринчи марта ноз қилмай, иккиланиб ўтирмай, тортишмасдан нарса олдинг. Менимча, энди ростдан улғайибсан...

Лекин онамнинг овозида “умуман улғаймасанг, кандоқ яхши” деган оҳанг бордек. Оҳ, онажон, жуда кўп яраландим мен, жуда катта хатоларга йўл қўйдим. Болалигимда қонаган тиззам ҳозир кўпроқ оғрияпти. Худди болалик пайтларимдагидек уйга йиғлаганча келсам ва кўшни болалардан шикоят қилсам, сиз эса қонаётган тиззамга қараб чуқур нафас олсангиз-у, жаҳлингиз чиққандай бўлса, кейин жоним оғриётганига чидолмай тиззамдан ўпиб қўйсангиз-да, оғриқ ўтиб кетса. Соатлаб, кунлаб, ҳатто ойлаб ухласам... Ҳеч ким безовта қилмаса мени. Сўнг уйғонсам. Атиги бир неча соат ухлагандек бўлиб уйғонсам. Бутун дунё ўзгарган, ўша қизнинг ерда ётганча қалтираётган бадани кўз ўнгимдан ўчиб кетган бўлса. Ҳатто ўйласам ҳам кўнглимни беҳузур қиладиган ўша ҳожатхонанинг ҳиди ўпкадан чиқиб кетган бўлса. Қўлим ўша моддага умуман тегмаган, ўша кунлар миямдан буткул ўчган бўлса. Мен ўша шаҳарга умуман бормагандек уйимнинг бир бурчагида ўтирган бўлсам...

Хаёлларимга ғарқ бўлганча қадам босар эканман, кўзим рўпарадаги мактабга тушди-ю, қўшни қизчанинг мактубини эсладим.

– Она, юқори қаватдаги кўшнимизнинг қизи қайси мактабда ўқийди?

– Ойчами? Ана, рўпарадаги мактабда ўқийди. Қачон мени кўрса, гуллар ёпиштирилган деразани кўрсатади. Уларнинг синфи экан. Нақ бир ҳафта овора бўлиб, ўша гулларни ясади. Анчагина сергайрат, кўз тегмасин.

Онам гапини тугатмасидан телефони жириглаб қолди. Худди кинодагидек, роса керакли вақтда жириглади-да ўзиям! Онам телефонда гаплашар экан, бир қўли билан новвойхонани кўрсатиб, нон олишга кетаётганини ишора қилди. Бу фурсатни бой беришим мумкин эмас: зинғиллаганча мактабнинг ёнидаги дўконга кирдим-да, қизил сочли кўғирчоқни қидиришга тушдим. Қарасам, нақ уч хил қизил сочли кўғирчоқ бор экан. Энди нима қиламан, қай бирини оламан? Кўшни қизалоқ булардан қай бирини хоҳлаган экан?.. Уни олаймикин, бунисиними деб ўйланиб турсам, дўкон ходимларидан бири ёнимга келиб, “Узр, сизга қандай ёрдам беришим мумкин?” деб сўради. Мен эса каловланиб қолдим. Нима дейишни, қандай тушунтиришни билмаётган эдим.

– Кўғирчоқ оласизми? Бу кўғирчоқдан битта қолган, бир қизчанинг илтимосига кўра ажратиб қўйганмиз, шунинг учун сизга сотолмаймиз. Хоҳласангиз, бошқаларидан олишингиз мумкин.

Ҳа, худди шу! Аллоҳим, ўзингга шукрлар бўлсин! Ўша қизча бизнинг кўшнидан бошқаси бўлиши мумкин эмас!



– Ўша қизчанинг исми Ойчами?

Ҳаётимнинг сўнгги кунларидаги энг ҳаяжонга солувчи саволни берган ва ундан ортиқ ҳаяжон билан жавобини кутаётган эдим. Бўлди! Сотувчи кўғирчоқни ўрашга тушди. Энди ҳаммасини ётиғи билан тушунтириш қолди, холос.

Эрталаб “Бугун тушдан кейин Ойчаларнинг уйига чойхўрликка борайликми? У ердан чиқиб, кўйлагимни алмаштиргани бораман”, деганимда онам шўрлик хурсанд бўлиб кетган эди. Ахир кизи узоқ вақтдан бери одамларга аралашини хоҳлаган эди, устига-устак, эғнида озиб-тўзиб кетганидан икки ўлчам катта келиб қолган кўйлак билан...

* * *

Чойхўрлик баҳонасида келдиг-у, кўғирчоқни бир амаллаб Ойчанинг хонасига ташлаб чиқдим. Нима деб гапиришни билмаганим учун кўғирчоқни хонада қолдиришдан енгил тортдим. Хонанинг эшигини оҳистагина ёпар эканман, ташқи эшикнинг кўнғироғи чалинди. Ойчанинг мактабдан қайтганини пайқамаслик мумкин эмас: кўнғироқдек овози бутун уйни тўлдириб юборди. У қадам ташлагани саяин менинг юрагим янада тезроқ уряпти.

Ойча уялибгина кирди-да, “Хуш келибсизлар”, дегач, кийимини алмаштириш учун хонасига йў-

налди. Қўлимдаги стакандан чой хўплаган кўйи унинг кийкиришини кута бошладим. Лекин кутганимдай бўлмади: аллақанча вақт ўтди ҳамки, Ойчанинг овози чиқмади. Онасининг ҳам чакиришларига жавоб қайтаравермагач, ундан хабар олиш учун ўрнимдан кўзгалдим.

Хонасига яқинлашганимда мен кутган хурсандчиликнинг ўрнига хўрсиниқ овози эшитилди. Ойча йиғлаётган эди! Наҳотки адашиб бошқа кўғирчоқни олган бўлсам?..

– Ойча, кирсам майлими? Мактабда кимдир сени хафа қилдими? Хафа қилган бўлса, менда сени хурсанд қиладиган бир...

Гапим оғзимда қолди. Кўғирчоқ мен қолдириб кетган жойда йўқ эди! Зимдан хонага кўз югуртириб чиқдим, йўқ! Демак, Ойча уни кўрган, лекин қаерга кўйди экан? Кўғирчоқ майли-я, Ойча нега йиғлаяпти?..

– Нима бўлди, нега йиғлаяпсан? Сабабини айтсанг, балки, ёрдамим тегар?

Ойча чуқур хўрсиниб кўйди-да, менга қараб кулимсиради. Мендан расороқ кўриниб кетди кўзимга. Нигоҳларида худди ўта муҳим гап айтадигандек маъно мужассам эди.

– Зайнаб опа, биласизми, мен бугун мактабдалигимда хонамга Пайғамбаримизнинг совғалари келибди!

– ...



Нима дейишни билолмай, оғзим очилганча қолдим. Унинг бу гапидан кейин қандай қилиб кўғирчоқни мен олдим дейишим мумкин?..

– Сиз бирор марта Пайғамбаримиздан бирор нима сўраганмисиз, Зайнаб опа? Сизга ҳеч кўғирчоқ совға қилганмилар? Жуда хурсанд бўлиб кетдим! Лекин бу иккимизнинг орамизда сир бўлиб қолсин, майлими?

– Майли, сир бўла қолсин. Аммо совғангни ҳали кўрмадим, менга кўрсатасанми?

– Ҳозир онам чақиряптилар. Кейинроқ сизга ҳам бераман кўғирчоғимни ўйнашингиз учун, хўпми?

Кўлимдан тортқилаганча хонасидан чиқарди мени. Негалигини билмайман, лекин менга на кўғирчоғини кўрсатишни истади, на ёнидан узоқлашишимни. Онаси билан сал аввалгидан мутлақо бошқача кайфиятда гаплашаётган Ойчага тикилар эканман, бир савол хаёлимдан кетмаётган эди: чиндан ҳам, мен Пайғамбаримиздан нимадир сўраганманми?..

* * *

Бир томондан совғани эгасига сездирмайгина топширганимдан хурсанд бўлар, иккинчи томондан миямда ғужғон ўйнаган саволларни ўйлаб бошимни автобуснинг ойнасига суяганча кетяпман. Устига-устак, тушишим керак бўлган бекатдан ўтиб кетмаслик учун ташқарига тикилар, орқамда-

ги холаларнинг гап-сўзларини истар-истамас эшит-таётган эдим. Одамлар жамоат транспортида улардан ҳам бошқалар борлигини нега ўйлашмайди, хайронман. Одамзод деганлари қанчалар ғалати, дунёни фақатгина ўзиники деб тасаввур қилади, бошқаларни ҳеч сиғдирмайди!..

Овозларини эшитмаслик учун кулоқларимни бекитиб, “Бас!!!” деб бақирмоқчи эдим ҳамки, менга кўндаланг ўтирган аёлнинг овози эътиборимни тортди:

– ...нима ҳам дердим, замонамизнинг энг ёмон касаллиги шу-да. Жуда ҳам худбин бўлиб кетганмиз. Тунов куни бизга қўшни уйнинг учинчи қаватида яшайдиган Шармин опани мушукларга сут бераётганида кўриб қолдим. Биласиз, атеист аёл у. Хўш, сут берса, нима қилибди, дейишингиз мумкин. Буни қарангки, Аллоҳ ўша мушукларнинг қорни тўйишини истаган экан, буни кофирнинг кўли билан бўлса ҳам қилдириб қўйди. Биз эса нукул “мен, мен” деб, худбинликка бериламиз. Эҳ, бу дунё – ёлғончи дунё!..

Гарчи телбалик қилиб, Зинжирликую⁵дан метробусга чиққан ва миямдаги минг хил ўйдан бошим оғирлашиб кетаётгандек туюлса-да, олдимдаги ўриндикнинг йиртилиб кетган қопламасига тикилиб қолган, юрагимга нимадир бўлган эди. Демак, аслида ўша ўйинчोकни Ойча истаганидек

⁵ Истанбулдаги мавзе



Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан жўнатганмилар? Тўғри-да, ким орқали бўлишининг аҳамияти йўқ-ку. Бир қизалоқ соф юраги билан Аллоҳдан сўради ва сўрагани ижобат бўлди, шундай эмасми? Ўша вақтда ўша ерда бўлишим, мактубни ўқишим, исталган кўғирчоқни топишим, ҳатто айна пайтда ўқишда эмас, уйда эканлигим... Тасодиф дейдиган аҳмоқлар эшитиб олсин! Раҳматни қаранг-а! Ҳа, кимнинг қўли билан бўлишининг аҳамияти йўқ, лекин Раббим бу хайрли ишни менга насиб қилди. Йўқ, бундай ўйлашим худбинлик бўлиб қолмасмикин?.. Хўш, нима деб ўйлай унда? Бир кофир “Аллоҳ мени раҳматига ноил қилди”, деб хурсанд бўлиши мумкинми?.. Чиндан-да, бу ишда менинг ҳиссам борми?..

* * *

Уйга қайтганимдан бери мен ҳам хотиржамман, Миттивой ҳам. Ҳеч йўқ энди ўзимизни хавфсизликда деб ҳис қилаётган эдик. Ҳар куни кечкурун деразининг бир бурчагида Миттивой, нариги томонида эса мен ўтирганча овоз чиқармай суҳбатлашамиз. У менинг энг яқин сирдошимга айланиб қолди. Мен ҳатто эслашга ҳам кўрқадиган ҳолатларимга у гувоҳ бўлган. Яна унинг гувоҳлигида йиқилган жойимдан туришим керак. Кун ўтган сайин мен айтишни истамаган нарсалар ичимда катталашиб боряпти...

Аллоҳим, менга ёрдам бер! Ўтган кунлар мендан ҳам ўтиб кетсин, ичимдаги жаралар тузалсин. Қўрк-япман, хайҳотдек бу дунёда жарлик томон юмалаб кетаётгандекман. Одамлар қандай яшаяпти? Бу дунёнинг шовқин-суронига қандай чидашяпти?..

Ё Раб! Дунё жуда ваҳимали, Ўзинг асра мени, мени афв эт!..





13

Тушларимда зимистон хоналарнинг эшигидаги лўкидондек эдим. Эшигига қирқта қулф осган, қирқинчисини осаётганида кўли қирқ қарра куйган одам мисоли оғриқдан тўлғанияпман. Оташ ҳам доим ҳам куйдирадими? Куйдирадиган оташ бўлса, Иброҳим алайҳиссаломнинг сири нима эди?..

Қаноти синган қушнинг паида учиб бораётиб аллақандай ингичка овоздан уйғониб кетдим. Кўзимни аранг очиб қарасам, Миттивой қафасда ўзини у ёқдан-бу ёққа уряпти. Жон ҳолатда сапчиб турдим. Миттивой қафасда, менинг юрагим эса бўғзимда типирчиларди. Хаёлимдан ўтган фикрлар юрагимга сиғмас, нималар бўлаётганини тушунишга ҳаракат қилар эканман, фикрлардан бири мени янада кўрқитиб юборди. Уни йўқотишни истамайман! Минг хавотир билан қафаснинг эшикчасини очиб, Миттивойни кўлимга олмоқчи бўлган эдимки, худди бутун маҳаллани уйғотишни истагандек атрофни бомдод азони тутиб кетди. Соат неча бўлди ўзи?.. Қизиғи, Миттивой тинчиб қолган, менга тикилиб турарди.

Сал аввал мени кўрқитиб уйғонтирган, минг хил овоз чиқариб ваҳимага кўйган у эмасдек жимиб қолганди.

Азон чақириб бўлинган, уйларда бирин-кетин чироклар ёна бошлаган эди. Бизнинг уйда ҳам чирок ёнган бўлса-да, ҳеч ким келиб шовқиннинг сабабини сўрамади. Гўё оғир жангдан чиққан аҳволда Миттивойга тикилар эканман, томоғим қақраб кетганини пайқадим. Қушчам эса ҳеч нарса бўлмагандек ҳамон менга тикилишни кўймаётган эди. Бутун бошли уммонни сипқорса-да, чанқоғи қонмаган одамнинг аҳволида яна ўрнимга чўзилдим...

* * *

Бугун нақ бир ҳафта бўлди, Миттивой ҳар кунгидек эрталаб айна соатда шовқин-сурон билан мени уйғотди. Бу овозга чидаб бўлмай қолди. Кечқурун уни “Эртага мени яна шунақа қилиб уйғотадиган бўлсанг, сени хонамдан олиб чиқиб ташлайман”, деб огоҳлантирган эдим. Кошки фойдаси бўлса! Эрталаб қушчамнинг овози миямнинг ичида кучайиб, акс садо берар экан, бошимнинг тагидаги ёстикни қафас томонга қандай қилиб отганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Отишга отдим-у, ўша захоти қаттиқ пушаймон бўлдим. Лекин на чора, айтилган сўзни, отилган ўқни ортга қайтариб бўлмаганидек, бўлар иш бўлди... Миттивойнинг қафаси ерда ётар, дони билан суви бир-бирига аралашиб



кетганди. Худди шу пайт азон чақирилаётган эди! Қафаснинг овозини эшитган онам хонамга келди. Қизиғи, онам қафаснинг нега ерда ётганини сўради-ю, Миттивойнинг нега етти кундан бери эрталаб айни вақтда шовқин-сурон кўтараётгани билан қизикмади. Уйдагилар бу шовқинни эшитишмади-ми ёки унга кўникиб қолишдими?..

Миттивойнинг донини ва сувини алмаштириб, қафасини жойига қўяётиб ундан неча марта узр сўраганимни билмайман. Менга хафадек қараб турарди, уйқусираган аҳволда нима қилганимни сезмай қолганимни айтсам, тушунармикин?.. Қафаснинг эшикчасини очиб, қўлимни чўзсам, биринчи марта мендан ўзини олиб қочди. Ахир нега ҳар куни эрталаб шовқин кўтаряпсан? Нега бомдод азонидан бир неча дақиқа олдин мени уйғотяпсан? Буни ҳар куни бир вақтда такрорлашни қандай уддалаяпсан ўзи? О, Миттивой! Кошки гапира олганингда, кошки дардинг нималигини айта олганингда. Бу туришда сени маҳалламизнинг имомига совға қилиб юбораман, ишончим комилки, ҳар куни сен билан бомдод намозига бемалол уйғона олади.

Шошма!

Миттивой...

Ҳар куни сен билан бомдод намозига бемалол уйғона олади, дедимми?

Ҳар тонг шу сабаб билан мен уйғонгунга қадар жимитдеккина томоғинг ёрилгудек бўлиб шовқин

солаётган бўлишинг мумкинми? Қуш бўлиб яралганинг бу дунёда мени намозга уйғотиш вазифаси зиммангга юкландир, эҳтимол? Аллоҳим! Қўшнимиз Ойча Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўраган кўғирчоқни унга мендек инсон орқали юбориб, мени эса Миттивойнинг тили билан намозга уйғотяпсанми? Ҳар тонгда бомдод азонини эшитиб-боқ ухлайдиган менинг дилимга бу фикрларни бугун соляпсанми?..

Ўтирган жойимда миям ғовлаб кетди. Шундай бўлиши мумкинми? Нега бўлиши мумкин эмас? Бир кофирнинг қўли билан мушукка ризқ берган Аллоҳ бир қушнинг тили билан мени уйғотишга кодир-ку. Ахир мулк фақатгина Унга тегишли!

Ё Раббим! Бунчалар гуноҳга ботган, қўллари, кўзлари, сўзлари, юрагини уларга тегиши мумкин бўлмаган нарсалар билан булғаган мендек кулингни хузурингга бир эмас, икки марта чақирдингми?..

Эҳ, менгина аҳмоқ! Қандай қилиб бунчалар ғофил, бунчалар сағир кимсага айландим?.. Ҳолбуки, асосийси эшитиш эмас, эшитганингга дилинг билан имон келтириш экан. Азон ҳамма учун чақирилади, аммо уни қабул қилганларгина эрта тонгда туриб уйининг чироғини ёқади, сажда қилади. Маҳаллаларни айланиб чиқсам, чироғи ёнган уйлар билан қоп-қоронғи уйлар бир-биридан қанчалик фарқли эканлигини кўрган бўлардим. Уйининг чироғи саҳарлабдан Аллоҳнинг ишқи туфайли ёнган



уйлар билан чироғи ўчиқ уйлар бир бўлиши мумкинми?.. Самодан қараганда, чироғи ёниқ уйлар қандай кўринаркин, ким билади... Бизнинг қалбимиз ҳам шундай эмасми, Аллоҳим? Сенинг хузурингда ҳам шундай кўринамизми? Ўша ёқилмаган чироқлар ҳам биздан домангир бўлади, шундай эмасми, Раббим?

Ох, нафсим, оҳ!

Дунёдан ўтиш учун уринаётганлар бир томонда, дунёда қоладигандек югураётганлар иккинчи томонда...

* * *

Ўтирибман жойнамозимда. Тўрига чиқиб, бемалол ўрнашиб олган одам каби ўрнимдан тургим келмаяпти. Худди миямда миллионта фикр бор-у, қайси биридан бошлашни билмаётгандекман. Энг муҳими, бугун ўзгача нафас олаётганга ўхшайман. Худди атиги бир неча соат аввал уйғотиб юборгани учун ҳимоясиз кушга ёстик улоқтирган мен эмасман... Ҳозир эса бу ердан, таклиф этилган жойимда, жойнамозимда. Йиғлашдан ҳеч қачон бунчалик енгил тортмаганман, Унинг хузуридан, ҳаловатга кўмилганман...

Жойи ўзгариб, ўзга жойнинг ҳавосига кўникишга уринаётган чақалоқдекман. Бу худди дунёнинг ичида туриб дунёнинг юкидан халос бўлишга ўх-

шайди. Инсон қандай қилиб бу дунёдан хафа бўлиши мумкин деб ўйлардим, буни қоронғи юзини кўргандан кейин, оппоқ тарафида нафас ола бошлагач тушундим.

Сен ҳеч чуқур-чуқур нафас олганмисан, Миттвой? Ҳаво ололмайд қолишдан кўркқанмисан бирор марта? Ёки нафас оляпман деган пайтларингда аслида дунё бутун руҳингни измига олганини ҳеч ўйлаганмисан? Сен билан қаерлардан келдик, Миттвой? Қаерлардан қочдик? Ўтмаслигимиз керак бўлган кўчалардан ўтдик, бормаслигимиз керак бўлган жойларда из қолдирдик, тегинмаслигимиз керак бўлган жойларга қўлларимизни узатдик, эшитмаслигимиз керак бўлган нарсаларга кулоқ тутдик. Кўзларимиз-чи? Ичимдаги қоп-қора изга ўхшайди бу, нима қилсам ҳам, эсимдан чиқмаяпти, ҳар сония кўз олдимда намоён бўлаверяпти. Ҳамма нарсани бошига қайтара олсам, ўша заминга биринчи марта қадам қўйсам, кўзим ҳеч кимни кўрмаса, фақат ўқишга бориб келсам, ҳеч ким билан гаплашмасам, бу юк елкамдан ағанайдими? Ўқишга кирган илк кунимга қайта олганимда эди, қанчалик кўп нарсани ўзгартирган бўлардим... Ўша столда ўтирган бўлардим, лекин ўша сўзларни айтмас, ўша нарсаларни эшитмас, ўша одамларга қарамасдим. Яна ўша стакандан чой ичган бўлардим, бироқ ундан нарига ўтмасдим. Нима учун борган эдим-у, нима билан қайтиб келдим?.. Нима учун туғилганман-у, нима



учун яшаяпман?.. Аллоҳим, мендан нима хоҳлаган эдингки, уддалай олмасдан йиқилдим ва ўрнимдан тура олмаяпман. Улғаяр эканмиз, лой босган бу йўлларда қанчалар кир ёпишди устимизга, Ойча эса қанчалар соф ва маъсум. Пайғамбар алайҳиссаломдан кўғирчоқ сўрайдиган даражада ишончи қатъий, хўш, бизлар-чи? Улғайганимиз сари йўқотяпмизми ёки йўқотганимиз сари улғайяпмизми? Бир бола-нинг кўғирчоқ ҳақидаги дуоси учун шунча сабабни чиқариб қўйган, Аллоҳим, ичимдаги зулматларни ҳам ёруғликка чиқариб қўйгин, ўтинаман...

* * *

Эсингдами, Миттивой, университетнинг тамад-дихонасида бир қиз “Ажабо, фақатгина бу дунё учун яралганмисан, бор вақтингни унинг учун сарфляяпсан?..” деб савол берган эди шеригига. Томирларимда оққан қоннинг шитоби, “Алҳамду-лиллаҳ, мусулмонман” деганим ҳам эсингдами? Ўша куни ўша ерда бу саволни ўзимга бера олма-ган, чалғиш учун ўзимни дўконга урган эдим. Бир дам тўхтаб, ўша саволни ўзимга берганимда, бугун ҳамма нарса бошқача бўлармиди?..

Охиратга имон келтирганман деб ўйлардим. Ҳа, буни билардим, лекин ўлимдан кейин мени бош-қа бир ҳаёт кутаётганини билганим ҳолда қандай яшадим? Охиратга ишонганим ҳолда унинг учун

қандай тайёгарлик кўрдим? Бундай имон ҳақиқий имон бўлиши мумкинми? Ўлим қанчалар кўркинч туюлади, қанчалар зулмат ва совуқ! Ўтмишга қарасам, ўтганлар ёдимга тушиши билан этларим жунжикиб кетади, келажакка қарасам, ўтадиганларни ўйлаб танамни янада кўпроқ совуқ тер босади. Қандай қилиб ўзим тайёр бўлмаган бир сафарнинг ёқимли бўлишини кутишим мумкин? Дарвоқе, бу сафарга қандай чиқаман, қаерга бораман, чиндан-да бу саволларнинг жавобини биламанми? Баъзи саволларнинг жавоби шундоққина ёнимизда бўлади, бироқ уларнинг тилини билмаганимиз учун ҳеч нарсани тушунмаймиз, мен ҳам худди шундай аҳволдаман. Аллоҳ бир кунда менга бериб қўйган нақ 24 соат бор эди, бу вақтнинг ҳар дақиқасини қаерларда ва нималар учун сарфладим? Ўқишга кирганимдан бери охират сафари учун нималар қилдим ўзи? Кунига неча дақиқамни ажратдим бунинг учун? Вақтимнинг беҳуда ўтганини ўйлашнинг ўзиёқ ваҳимали. Ҳатто шу вақт ҳам меники эмас экан, бирор марта ўтириб, “Мен бу дунёда абадий қолиб кетмайман, нималар қиялпман ахир?” деган саволни бермадим ўзимга. Аллоҳ учун нималардан воз кечдим? Дунё учун яшайдиган, охират мавзуси кўтарилганида эса тўтиқушдай “Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман”, деб такрорлайдиган расво бандаман мен! Қудуқнинг тубида бақатўннинг ҳиди бурнига ўрнашиб қолган, қудуқнинг деворини емириб



юборса-да, ташқарига чиқолмаган бечорага айландим. Шунчаки кудуқ-да демаслик керак, зеро, ҳар бир нафс ўзига яраша кудуққа тушади. Тушишнинг тушишдан фарқи бор, мен тушган кудуқ Юсуф алайҳиссаломнинг кудуғи эмасди, мен эса Юсуфлардан эмасман! Қудуққа тушиш ҳам бир маҳорат экан, Аллоҳим! Сенинг даргоҳингга тушиб, Мисрга султон бўлиш бор, дунёнинг кудуғига тушиб, дунёга асир бўлиш... Мен эса тушган жойимда ҳам йўқсил эдим, Раббим...

* * *

Танийсизми бу ерларнинг йўқсилини? Сиз томонларда ҳам борми бир йўқсил? Эт билан тирноқ сингари бирлашиб кетганим бу дунёнинг кучоғида йўқсилман мен, йўқсил. Тўкинлик ичра қандай қилиб йўқчиликка дучор бўлди бу ғамнок кўнгил? Кечалари неча марта устимга тўшакни тортдим, неча марта ғафлатни? Қайси оламда тинмай чақирилаётган эдим Аллоҳнинг ҳузурига? Қайси кўчанинг бошида “Сен борсан!” деган нидо эшитиларди? Танийсизми бу ерларнинг йўқсилини? Ўша – менман. Тонглардан бирида кўзларимни уйқудан очиб, жойнамознинг устида уйғондим. Қудуқ деворларини босган бақатўннинг исига тўйинган ичимга бир уруғ қададим. Ўрнимдан туришга уринмадим, зеро, мажолим йўқ эди. Овозимни эшиттириш учун



бақиришимга ҳам ҳожат бўлмади. На кўлимни кўтардим, на бирор ишора бердим. Фақатгина “Аллоҳим!” дедим ва хирилдоқ овоз билан ичимдаги оламни уйғотдим. Йўқсиллик нималигини биласизми? Ҳамма нарсам бор Ундан айро, деб ўйлайсиз, аммо энг саёз сувда ҳам чўкиб кетасиз. Ўрнимдан туролмайман деб ўйлаяпсиз, шундайми? Қаддимни ростлай олмайман, тиззаларим букилиб кетади, ўтмиш ёқамни қўйиб юбормайди, тилим Якто дейишга айланмайди, деяпсиз, тўғрими? Кўзингизни юминг, “Аллоҳим!” денг, оғзингизни юминг ва бир томчи сувда кўринг Унинг исмларини. Кўзингизни юминг ва Раббингизнинг сизга “Қулим” дейишига кулоқ тутинг, кулоқларингизни ёпинг ва шоҳтомирларингизда кўпирган қувватни ҳис қилинг. Шуни унутмангки, бу йўлда кўриш учун на кўзларга, эшитиш учун на кулоқларга, гапириш учун на лабларга эҳтиёжингиз бор, бу йўлда фақатгина “Аллоҳим!” десангиз кифоя. Тушундимки, бу ерда овози кўп чиққаннинг эмас, чиқмаганнинг сўзи ўтади. Тушундимки, бу ерда кучлининг эмас, мазлумнинг саси бор. Тушундимки, бу ер биз яшайдиган дунёга ўхшамайди, худди тўхтамайдигандек, вақт бепарволарча оқиб кетаётгандек, соат миллари бир-бири билан ғавғо қилаётгандек...

Энди йўлкалари емирилиб кетмаган бир кўчадаман. Тор, лекин узун. Ингичка, узун йўл деганлари шу бўлса керак. Асли баҳор, ўзи куз, лекин иссиқ-

қина. Яраларимга туз босадигандек, аммо тезгина битиб кетадигандек. Инсон жароҳатидан юз ўгириши мумкинми? Ҳар бир яра озроқ ўтмиш, пичагина келажак дегани эмасми? Бу кўчанинг тошларидан мен ҳақимда сўрашадими? Ким билади, бу тошларнинг тарашланмаган ҳолларидан оз бўлса-да, қабз холим⁶ жавобгар эди. Мен кетаётган бу кўча, бу тошлар фақатгина босиш учун бўлиши мумкинми ахир? Бу тошлар менга гувоҳлик бермай қолармиди... Онамларнинг ўша шаҳарга мени олиб кетиш учун келиш ҳақидаги фикрларидан қанчалар кўрқиб кетган эдим! Гўё кўчанинг ҳар бир тоши менинг устимдан шикоят қиладигандек, қочишларим ҳақида гапириб берадигандек юрагим қалтираган эди. Ахир бундан қочиш борми? Бу тошлар кун келиб Аллоҳнинг ҳузурида мен ташлаган қадамларнинг сонини айтиб беради, мен ҳақимда мендан кўпроқ гапиради. Оҳ, нафсим! Кўзингни қанчалар кўп юмиб олибсан-у, бу тошларни, бу кўча чироқларини ўзингга гувоҳ қилиб олибсан. Оҳ, нафсим! Қадам ташлаш билан ўзингни қанчалар овутибсан! Аслида бутун масала илдамлаш эмас, қаерда юриш кераклиги экан. Ҳолбуки, бутун масала сўзлаш эмас, нималарни тилга олганинг экан. Баъзида қанчалик жим турган бўлсанг, келажакни шунчалик кўп танлаган бўлар экансан, тилингни бу дунёга қанчалик ем қилмасанг, шунчалик яқинлашар

⁶ Ҳаловатсизлик, ҳузурсизлик ҳолати

экан ўша кунлар. Зеро, Аллоҳ ҳақида сўзлашинг қолган ҳамма нарса тўғрисида жим туришинг бўлар экан. Ҳолбуки, сен жим туришни бир бурчакда мум тишлаб ўтириш деб ўйлагандинг. Фақатгина У ҳақида сўзлаш қолган ҳамма нарсани ўз ўрнида кутиб олиш дегани экан. Э воҳ, дунёдаги зулмларни кўрганим сари “Нега? Нима учун?” дея тўлганганларим Сенга исён қилишим экан, Аллоҳим! Эй нафсим! “Аллоҳ бу зулмларни нега яратди?” деган саволни эслайсанми? Ваҳоланки, инсонлар яхшиликдан воз кечгани туфайли ёмонлик пайдо бўлар экан. Бу савол чойини дамлаш учун оловни кашф қилган одамни “Сен одамларни куйдириш учун оловни топдинг” деб айблашдек бемаъни экан. Ҳолбуки, ёмон бўлган нарса пичоқни ўйлаб топиш эмас, ундан қаерда фойдаланиш экан. Ёмонликнинг манбаи ўзидан эмас. Иссиқлик эса зотийдир, яъни манбаи ўзидан, у йўқ бўлиши билан совуқлик пайдо бўлади. Ёруғлик ҳам зотийдир, яъни манбаи ўзидан, у йўқ бўлиши билан қоронғилик пайдо бўлади. Айт-чи, нафсим, биз имтиҳонда эмасмидик? Бирор марта ўқишимиздаги имтиҳонда тўртта жавобдан учтаси нотўғри эканлиги учун “Устоз, адолатсизлик қиляпсиз!” деб эътироз билдирганмидик? Дунё имтиҳони ҳам шундай эмасмиди? Бу имтиҳонда Китобни бемалол очиб ўқиш мумкин, мактабда эса бунни кўчирмакашлик деб аташади! Бу имтиҳонда қўлланмангни қанчалик кўп ўқисанг, шунчалик



кўп савобга эга бўласан, хаёлингдан ўтган зарра қадар яхшилик ҳам сенга савоб бўлиб қайтиб келадиган бу дунёда адолат ҳақида тортишдингми, эй нафсим? Чин дилдан қилинган тавба билан аввалги бутун гуноҳларинг ўчирилиши мумкин экан, жаҳаннам ҳақида огоҳлантирилишни адолатсизлик деб ўйлаганмидинг? Кечирилиш учун олган ҳар нафасинг сенга тухфа экан, ўзингни бу диёрларнинг шаҳаншоҳи деб ўйладингми? Неча нафаслик жонинг бор сенинг, эй нафсим? Неча одимлик йўлинг бор? Йўлингдаги огоҳлантирувчи белгилар фалокатга учрашинг учун эмас, фалокатларнинг олдини олишинг учун қўйилганди. Жаҳаннам ҳам унда ёнишинг учун эмас, ёлғон дунёнинг тузоқларидан узоқ бўлишинг учун! Энди тушунапсанми, нафсим, охират ҳаёти сени инсонликка қанчалар лойик қилганини?..

Имтиҳонлар пайтида чидай олмаган дамларингда мудом Раббингдан бир сас кутдинг, ҳолбуки, ўқитувчилар имтиҳон пайтида жим туришини унутдинг, эй нафсим. Дунёда сен тотиб кўрган бу лаззатлар сенга бежиз берилмаганди, тафаккур қилишинг, фикр юритишинг керак эди. Тафаккур қилган билан қилмаган бир бўлиши мумкинми, нафсим? Бу дунёдан бир ҳайвон билан бир хил ўтти ейишдан бошқа яна нима билан ўтмоқчи эдинг? Дарвоқе, ҳайвонлар ҳақида ҳам ўйлаганмисан? Бурунларида қандай лаборатория борки,

шунча ўтти захарлиларида ажратиб олиб ейди? Чақалоқ хасталанганида онасининг кўкрагидаги рецепторларни ишга тушириб, боланинг шифосига васила бўладиган ўзгаришларни таъминлайдиган кучнинг эгаси ким бўлса, ҳайвонларнинг захарли ўтларни ажратишини таъминлайдиган кучнинг эгаси ҳам Удир! Айт-чи, нафсим, буларни амалга оширувчи Аллоҳ билан бирга бўлсанг, бу дунёда сен тушиб кетадиган қудукни Юсуф алай-ҳиссалом тушган қудукка, сени эса ўша қудукнинг Юсуфига айлантирмайдими? Осмоннинг мусаффолигидан қудуқларга қандай келиб қолдик, деяпсан, шундай эмасми, нафсим? Аммо ҳамма нарса зидди билан маълум. Кундузи электрнинг борлиги эсинга келмайди, қош қорая бошлаши билан эҳтиёжларинг тартиби ҳам ўзгаради. Қоронғилик бўлмаса, кундузнинг кадрили қандай биласан? Бир ой давомида фақат ўзи яхши кўрган ширинликни еган одам кўпроқ маза туядими ёки фақат қаттиқ нон егандан кейин сеvimли ширинлиги тортиқ қилинган одамми? Йўқчилик тўкинчилигининг қийматини қанчалар кўрсатиб қўяди, инсонни асл мақсаддан қанчалик узоқлаштиради... Университетга кирган куним қанчалар хаяжонланган эдим, бироқ имтиҳон пайти келганида ўқишни тезроқ битириш ҳақида хаёл сура бошладим. Худди ҳар қишда ёзни излаганимдек, ҳар ёзда қишни кидирганимдек...



Бор билан йўқ биз инсонлар учун фаркни кўрса-тади. Ҳолбуки, Аллоҳнинг наздида ҳар иккисининг ҳам фарки йўқ, ҳар иккиси ҳам биз учун имтиҳон. Берилганга шуқр қилингани сингари берилмаганга ҳам шуқр ва сабр қилиш керак эди. Мен эса ҳаётни савдолашиш деб ўйлаб, “Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман” дейишни ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин бўлган тўлов деб ўйлардим. Қанчалар аҳмоқ эканман, нафсим! Ҳайҳотдек гулзорда кактусга интилиб, оёғим остида эзилган чечакларни кўрмабман.

Энди тушуняпман, Аллоҳим, мен Сенинг даргоҳингдан узоқлашган сайин бўғилиб қолмаслик учун дунёнинг кучоғида нафас олишни танлаган эканман. Лекин бўлмади, Раббим, мен тушган дунё қудуғида Сен яратганингдек қололмадим. Ҳолбуки, қоронғилик деган нарса йўқ экан, кундузни кунимдан ўчириб ташлагач, қолган нарса экан. Ҳолбуки, нурсизлик экан, кўзимдан Сенинг нурингни ўчириб ташлагач, кўрлар мамлакатига очилар экан деразам. Дунёдаги бутун сўзлар жам бўлиб Сенинг раҳматинг ҳақида сўзласа, мени ҳузурингга қабул қилганингда тотганим раҳматни барибир таърифлаб бера олишмайди.

Ичимга баҳор ёмғири ёғяпти, сакинат ёмғири мисоли. Аллоҳни зикр қилганимда кўксимнинг қок ўртасига ёқимли томчилар ёғияпти. Баҳор ёмғири бор киприқларимнинг учида, Расулulloҳнинг кўз ёшларидан оққан дуо бор кўнглимнинг тубида.

Мен учун мендан зиёда йиғлаган Пайғамбарим бор. Олам узра баҳор ёмғири каби тўкилган раҳмат бор дуоларида. Кичик боланинг орзуларичалик изламадим исларини, саҳобалар бир неча кўча наридан ҳис қилган ҳид асрлар ўтиб менга ҳам етиб келиши мумкинлиги ҳақида, эҳтимол, ҳеч ўйлаб кўрмаганман. Бўлиши мумкин, шундай эмасми, Раббим? Неча юз йиллар ўтиб етиб келган ушбу дуолар сингари мен ҳам бу дарднинг ортидан югура оламан, шундай эмасми? Жаннатда Расулуллоҳ билан бирга Сенга “Раббим!” дея хитоб қилиш ҳақида орзу қилсам бўладими энди? Сен чорлаган саждада ҳатто неча асрлардан кейин бўлса-да, Расулуллоҳнинг орқаларида саф тутадиган бу баданни қабул қилишингдаги Раҳматни кичиккина юрагимга қандай қилиб сиғдирайин, Аллоҳим?.. Тоғларга, тошларга, инсонларга, сувларга, дарахтларга сўзлаб бермай қандай сақлайин ичимда?..

Эй нафсим, агар сенга Пайғамбаринг келадилар ҳозир ва сени бирга намоз ўқиш учун чақирадилар дейишса, юмшоққина ўрнингдан турмайсанми? Ҳолингдан ҳаё қилган бўлармидинг? Эгнингни эпақага келтирмасмидинг? Эй нафсим, билолмадингки, ҳар бир азон сенга икки карралик таклиф эди, чақирилган ҳар азон Раббингнинг “Ҳузуримга кел, марҳамат, бандам” дейиши эди. Қаёқдан ҳам биласан, ахир тингламадинг-ку! Ўрнингдан туриб намоз ўқиш учун азонга қулоқ тутишинг керак



эди-ку. Эй нафсим, билолмадингки, ҳар бир азон Пайғамбарингнинг “Қани, умматим, орқамда саф тутинглар” деган чақириклари эди. Кулоқ тутмасанг, қандай эшитасан?! Айт-чи, эй нафсим, илк бор чақирилган азондаги ҳазрат Билолнинг хаяжони акс садо беряптими кулоқларингда? Айтинг-чи, илк бора Расулуллоҳнинг орқаларида саф тортган асҳобнинг юрагидаги дукурлаш борми ичингда? Сен охир замон сафида шу алпозда турган пайтингда сен учун ажратилган ўша сафлар бўш қолди, нафсим! Тушунтириб бера оласанми Раббингга бўш қолдирган сафларингни? Сенинг гапиришингга ҳожат йўқ, зеро, аъзоларинг тилга киради! Азон чақирилган пайтда сен қилган ишлар тилга кириб, нималар билан овора бўлганингни бирма-бир айтиб беради. Сен ҳаё қилмадинг ўша ишларингдан, сен, ҳақиқатан, истамадинг Раббим дейишни! Сен кўзларингни, қўлларингни ҳаром билан булғадинг, сўзларингга Усизликни илаштирдинг.

Қани, тур, нафсим, баҳор ёмғири остида тавба этмоқ зарур.

Қани, тур, нафсим, Аллоҳга “Мен сенинг кулоғи неча марталаб тешилган, тили неча марталаб тутилган қулингман” дейишнинг мавриди келди.

Қани, тур, нафсим, бугун сенинг ҳузурда “Аллоҳ, Аллоҳ” дея сўзлайдиган вақтинг!

* * *

Ё Раб! Мен бошимни Сенга эгсам, Сен дунёга ем қилдирмас экансан мени. Мен бошимни Сенга эгсам, Сен бошқаларга эгдириб қўймас экансан. Мен ердан шивирласам, Сен арши аълодан эшитар экансан. Мен сўзламасам-да, мени мендан яхшироқ билар экансан. Ҳамма нарса фақатгина Сенга гувоҳлик бериш учун экан, манманлик музларини эритиш учун экан ҳаммаси.

Ё Раб! Бу қандайин ҳид, бу қандай ҳузур!?

Таълим даргоҳларида жонзотларнинг қанча турга ажралиши ҳақида гапирганлар инсон жойнамозда оладиган нафаснинг исидан оғиз очишмади. Иштихонлардан ўтолмасак, яна бир йил ўқишимизга тўғри келишини айтишди-ю, қабрда қайтадан иштихон топшириб бўлмаслиги ҳақида гапиришмади. Таълим даргоҳидаги қоидаларни бузсак, жазога тортилишимиз борасида огоҳлантиришди, бироқ Аллоҳнинг амрларига итоат этмасак, бизни ўраб олган раҳматга қарши исён кўтарган бўлишимиз тўғрисида миқ этишмади.

Қолбуки, ё Раб, сенинг қоидаларингга риоя қилганлар ҳатто чумолига ҳам озор бермайди.

Қолбуки, ё Раб, сенинг қоидаларингга риоя қилганлар икки дунёда ҳам саодатга эришади.

Оҳ, Раббим! Саждада шивирлаганларим аршингда қанчалар жаранглайди! Бошимни эгишим қанчалар куч бағишлайди менга! Инсон эгилгани сари юксаладиган, букилгани сайин кучаядиган

ягона жой сенинг хузуринг эканлигини билолма-
дик, афв эт, Аллоҳим!

Сенга ишониш Сен нозил қилган ҳар бир оят-
га, ҳар бир амрга итоат этиш дегани экан. Шундай
экан, оятлардан баъзиларини танлаб олиш муно-
фикларнинг иши бўлади-да. Сен эса “...Албатта,
намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир”⁷,
дея марҳамат қилгансан.

Атеист одамнинг намоз ўқиганини кўрмаган-
ман-у, намоз ўқимайдиган мусулмонни кўрганман,
хатто ҳар куни соатлаб кўзгуда унга тикилиб ўтир-
ганман. Бу ҳам оятлардан баъзиларини танлаб олиш
эмасми?... Расулulloҳнинг “Намоз диннинг устунидир”
деган сўзларида қанчалар маъно мужассамли-
гини тушуняпсанми? Намозни қўлдан бой берган
бўлсанг, демак, сенинг дининг вайрон бўляпти, эй
нафсим! Кўз ўнгингда ҳайҳотдек бинони бузиб таш-
лашса, ўзингни йўқотиб қўясан, сенинг эса дининг
тўкилиб тушяпти, имонинг чалажон бўлиб қолган,
шуни сезяпсанми? Сўра ўзингдан, эй нафсим, сени
бор қилгани сабаблигина келтирадиган шукрона-
ларинг учун неча тунлар уйқуларинг ўчиб кетди?
Неча марта ўша ғафлат пардасини йиртиб ташлаб,
“Раббим учун” дея олдинг? Бир ўйлаб кўр-а, ким-
сасиз саҳрода қолиб кетсанг, километрлаб йўл бос-
гандан кейин ташналик ва кўрқувдан хушдан кетай
деганингда сал нарида карвонсаройни кўриб қол-

⁷ “Нисо” сураси, 103-оят

санг. Ичкаридан чиққан киши сенга бир хўпламгина сув берса. “Сув нега бунчалик кам?” дейишинг мумкинми? Кўрнамаклик бўлмайдими бу, эй нафсим? Ўзидаги оз нарсани сен билан баҳам кўрган ўша одамга нисбатан одобсизлик қилган бўлмайсанми? Норози бўлиш ўрнига ташаккур изҳор этишинг керак эмасми? Хўш, бу дунё – карвонсаройга келаётиб ўзинг билан нима олиб келган эдинг, нафсим? “Меники” дея даъво қилганларнинг аслида оламларнинг Эгасиники эмасми? Сен йўқдан бор қилдинг, шукр этмайсанми сенга берилганлар учун? Сен эса намозни эга бўлишни хоҳлаганларнингни сўраш учун, бошингга муаммо тушганида ёрдам тилаш учун ўқиладиган нарса деб ўйладинг. Адашдинг, қаттиқ адашдинг, нафсим. Намоз аслида истаганларингга эришиш учун сен эгадиган бош эмас, балки инъом этилганлар учун сен қилишинг керак бўлган шукрдир.

Оҳ, Раббим, энди тушуняпман... Сен ҳар намоз вақтида махсус учрашувга таклиф қилдинг бизни, дунё эса шовқин-суронга тўлиб кетганди. Телевизорнинг овозини сал пастладик, ётган жойимиздан биров қимирлаб қўйдик, бироқ буларнинг ҳеч бири учун чақирилмади-ку азон! Азонга кулоқ тутганларнинг юраклари намоз сари югурар экан, “Қулим, сендан розиман”, дедингми, ё Раб?.. Неча миллиардмиз, нечта инсон, нечта имон?.. Тарқалиб кетдик, бизларни жам қилгин, Раббим!..

Ҳар куни беш маҳал ҳузурингга таклиф қиласан бу нонкўр қулларингни, ҳар сонияда қайтадан очасан тавба эшикларини...

Оҳ, нафсим, оҳ!

Менга малол келарди!.. Кейинги намознинг вақти, эртанги намознинг вақти, кейингиси, ундан кейингиси... Ўзи қанча умрим қолган? Бунчалар берилдим мен бу ёлғон дунёга? Кимлар оёқ босди тупроғингга, қанча нафс босиб-эзиб ўтди сени! Нечта нафс эртанги режаларингни тузди-да, режаларга ғарқ бўлиб қолдинг? Биласанми, нафсим, Қорунга ўхшайсан сен, олдингдаги ҳамма нарсани ўзимники деб ўйлайсан, ўзим қўлга киритдим деб гумон қиласан. Айт-чи, нафсим, қани ўша Қорун? Қаерда қолди Фиръавн? Айт-чи, нафсим, сен эмас-мидинг кўзга кўринмас микробнинг дастидан ётиб қолган? Айт, нафсим, тан ол, ҳатто микробга ҳам кучим етмас экан дегин! Ҳазрат Умар: *“Раббининг азобидан эмас, Унга хижолатли ҳолатда йўлиқишимдан қўрқаман”*, деган эди. Ўзингга савол бер, нафсим, сен нимадан қўрқасан? Дунё ҳаётинг ниҳоясига етишиданми? Ўлим билан юзлашишданми? Меники деб ўйлаганларингдан айрилишданми? Менинг телефоним, менинг компьютерим, менинг ўқишим, менинг оилам, менинг уйим, менинг дўстим, меники, меники, меники... Қай бири, чиндан ҳам, сеники ўзи? Телефонинг тушиб кетиб синмасидан бурун бунинг олдини ололдингми?

Ўқишни битириб, дипломингни олаётиб, йўқ, мен бу ерда қоламан дея олдингми? Уйинг, буюмларинг, меники деган ҳамма нарсангни бир кути гугуртдан кутқара оласанми? Ер кимирлай бошласа, тўхтатиб қолиш қўлингдан келадими? Ёнғин пайтида нечта нарсани ташқарига олиб чиқа оласан? Энг ёқтирган либосингни олиб чиқасанми, пойабзалингга мос соатингними, мебелларними ёки ошхона жихозларини? Айт, нафсим, жонимни кутқариш учун оркамга қарамай қочаман десанг-чи. Дунёга берилган амр билан у ҳаммамизни қусиб ташлаганида, қани, ҳамма ташқарига деганида, орқангга ўгирилиб ҳам ўтирмай қочмайсанми? Қочасан, эй нафсим, қочасан! Лекин яшириниш учун жой тополмайсан!

Эслайсанми илк гуноҳингни? Аллоҳдан узоқлашиб, қалбингга тушган ўша биринчи қора нуқтани? Эсингда йўқ... Эслолмас экансан, қандай қилиб азоб чекиб, қандай тавба қиласан? Раббинг сени биринчи гуноҳда жазоламагани, тавба учун муҳлат бергани учун иккинчи гуноҳга қўл урдингми, биринчисини шу сабабли эслолмаяпсанми? Сен карлар ўлкасининг кўрисан, нафсим, Аллоҳга кул бўла олмайдиган даражада залилсан! Ойнанинг қаршисида соатлаб ўзингга оро беришинг... Маникюр учун қанча ҳақ тўладинг? Кўзларинг, кулоқларинг, эшитганларинг, еганг таомларинг учун-чи? Ҳали туғилмасингданок, онангнинг қорнида эканлигингдаёқ сенга берилганлар учун нима



қилдинг, қай сабабдан уларга лойиқ кўрилдинг? Маҳаллангдан ўтган дуч келган бир одамга мана шу уй, машина сеники, лаззатли таомлардан ейишинг мумкин, умрингнинг охиригача етадиган пул бор десанг-у, ўша одам ҳаммасини олиб, бир оғиз раҳмат айтмасдан кетиб қолса, жаҳлинг чиқмайдими, нафсим? Муносиб бўлиш учун ҳеч нима қилмаган бўлса-да, унга шунча нарсани беришингга қарамай, сенга почтачига муомала қилгандай муомала қилса, ғазабинг қўзғамайдими? Сен қидирган вафо, дўстларингда топа олмаганинг садоқат ўзингда ҳам етишмайди, шундай эмасми? Сен Раббингни ранжитдинг, сен Раббингни ғазаблантирдинг, нафсим! Бошингга балолар ёғилмагани, биринчи гуноҳингда жаҳаннамга ташланмаганинг учун эдими бу журъатинг? Ҳолбуки, энг катта бало бу ҳислардан махрум бўлишинг эмасмиди?.. Бир вақт намозни ўтказиб юбормаслигинг учун қушчани сенга васила қилган Раббинг, ўйлаб кўр-чи, қолган вақтларда нималарни васила қилди экан? Оёғингга теккан тош, сен кўрган ўша ёмон туш, бирданига ичингга тушган дилгирлик, дарслардан ёмон баҳо олганинг, энг яқин дўстинг билан юракни сиқадиган суҳбат, қўққисдан рўпарангдан чиқиб қолиб, сени кўрқитган ўша мушук... “Аллоҳ” дейишинг учун сенга юборилган барча василаларни ўйлаб кўр. Раббингнинг берганларини тортиқ деб ўйладинг, ҳолбуки, бермаганларида яширин

хар бир “Раббим” деган нидони бой бердинг. Йўлдаги тирбандликда кетма-кет тизилган машиналарнинг ичидаги охири йўқ уфлашлар ва сигнал овозларининг орасида “Қаердан чиқди ўзи бу?” дединг, кўрмадингки, Аллоҳнинг ал-Қобиз исми тажаллий қилаётган эди. Тирбандлик йўқолиб, йўл очилиши билан чукур нафас олдинг-да, соатингга қараб қўйдинг, ҳеч ўйлаб кўрмадингки, айна пайтда Аллоҳнинг ал-Босит исми тажаллий қилаётган эди. Эсингдами, бир ўқув даргоҳида гулзорнинг ёнидан ўтиб кетаётиб қизил атиргулни кўриб қолгандинг, шунча ўқувчидан бирортаси нега ҳалигача уни узиб олмаганига қизиқиб, ҳидлашга уринган ва тикани кўлингга ботган эди. Ўша тикандан қанчалар жаҳлинг чиққанди. Лекин ўйламадингки, Аллоҳнинг ал-Ҳафийз исми тажаллий қилган, ўша атиргулни асраган эди. Ҳозир қандай қилиб ҳали ҳам ўша гулзорда турганини кўра оляпсанми? Агар кўрганингда ҳар имтиҳондан кейин Раббинг сенга борган муждаларни билган бўлардинг, агар кўрганингда сен шукрини адо қилолмайдиган бу неъматларнинг йўқлиги энг катта шукр ҳақида фикр юритишингга туртки беришини билар эдинг. Неча йил яшамоқчи бўлдингки, бу дунёда ҳар бир чизигини, ҳар бир эшигини ёдлашга уриндинг? Сен тақиллатган ҳар бир эшик очилади деб ўйладингми? Осмон остида нечта эшик борки, умр тугамайди деган ўйда кўчаларда тентираб юриндинг? Бормоқчи



бўлганинг ҳар бир шаҳар ҳақида сўраб-суриштирганинг ҳолда сен абадий қоладиган дунё эътиборингни тортмадими, нафсим? Айт-чи, энг кўп сен вафосизлик қилмадингми Раббингга? Ҳузуридан ўзингни қувдириб юбормадингми?

Ё Раб, ўйладимки, намоз ўқимаслигимнинг сабаби нафсимдир, ҳолбуки, сабаби ҳузурингга қабул қилинмаганим билан, қабул қилинишга лойиқ банд бўлолмаганим билан боғлиқ экан.

Сен мени севгин, Раббим, ўтинаман, кўпроқ севгин...

* * *

Ёз, нафсим! Қоғозларга, деворларга, юракларга ёз. Мен энди бу тунни қаерда кўрсам ҳам, танийман, мен энди қаерда йиқилсам ҳам, оёқ товушларимдан йўлнинг охиридаги чиқишни топиб оламан.

Ёз, нафсим! Ичимда телбаларча кўтарилиши керак бўлган бўронлар бўлгани ҳолда бир қошиқ сувда чўкиб кетганим ҳақида ёз. Сен энди нуқул ёз. Ёзки, ичимдаги пушмонлик оташи ҳеч қачон сўнмасин. Бу сенга берганим жазо бўлсин, нафсим. Бу бир умр Аллоҳнинг ҳузурида сергак туришинг учун сенга берган тухфам бўлсин...

Демак, баъзи жазолар тортиқ экан, баъзи жазолар покланиш учун экан.

Демак, оташ сувдан зиёда тозалар экан.

Темирдаги микробни ўлдириш учун уни оловга тутиш керак бўлганидек, томирларимда тентираган исённи бостириш керак экан. Сенинг қудратинг ёнида ҳатто қум заррасидек эмасман, Аллоҳим. Қайси чорасизлик инсонни бунчалар кучли қилиши мумкин? Субҳонсан, ё Раб! Сенинг қаршингда кичиклигим ва ожизлигим Сен билан суҳбатлашишим, Сенга сиғинишим учун василадир. Субҳонсан, ё Раб!

Эй, Раббимнинг қули нафсим!

Сенга ҳатто кўтара олмайдиган юкни юкламайдиган Раббинг бўла туриб, қандай қилиб бунча юкнинг тагида қолиб кетдинг?..

Бунчалар аламнинг, айрилиқнинг ягона айбдори менман. Аллоҳ учун севиш нима эканлигини билмабман. Кўнгилинг илк ҳаяжонини, илк майлни ишқ деб ўйлабман. Ҳолбуки, ишқ жавоб истайди, тўлов ундирилишини кутади. Шафқат ҳам шундайми? Бир она фарзандига ошиқ эмас, шафқатлидир. Боласини тўққиз ой қорнида кўтариб юриб, умрининг охиригача кўзининг қорачиғидек асрайди. Марҳамат, шафқат қанчалар гўзал... Биласанми, нафсим, ер узра тарқалган марҳамат Аллоҳнинг бутун мавжудотларга бўлиб берган бир фоизлик марҳамати, холос. Қолгани охиратда бизни кутиб турибди. Тасаввур қияпсанми аслида бизни қанчалар гўзал охират кутиб турганини? Биз эса шунча шафқат оғушида бўлганимиз ҳолда деворга калла

қўямиз. Энди тушунапман, мени у ерда олмослар кутса-да, мен бу ерда шишаларга махлиё бўлибман. Ҳам жаннат ҳаётини истабман-у, ҳам дунёга қаттиқ боғланибман. Бу нимаси, нафсим?.. Уруғ унмай туриб гул очилиши мумкинмики, имтиҳонлар ичидаги имон уруғинг унмай туриб қалбингга баҳор келишини истадинг? Дарахтларнинг чиройини томоша қилиш яхши, лекин уларни буташ-чи? Янада яхшироқ, янада лаззатли мевалар олиш учун буташимиз керак, шундай эмасми? Демак, сенинг янада яхшироқ банда бўлишинг учун имтиҳонлардан ўтишинг зарур, нафсим. Дарахтда – буташ, сенда – имтиҳон! Ҳамма сир шунда яширин!..

Уйга ўғри тушса, минг битта савол билан унинг кимлигини суриштираман, лекин имонимни ўғирлашни истаган шайтоннинг ҳийлаларига қалқон бўладиган асл мўминликни умуман суриштирмабман. Марҳамат, нафсим, тўрига ўт, бу диёрлар сеники, истаганингча еб-ич, кел, хурсандчилик қил, дебман-у, “Хўш, кейин-чи?” деган саволни бермабман. Бошланғич мактабда орзуим нималигини сўрашганида, улғайиш дегандим, кейинги сафарларида бу саволга жавобан университетга кириш, иш топиш, турмуш қуриш, бола-чақа орттириш дедим. Лекин ҳеч ким “Хўш, ундан кейин-чи?” деб сўрамади.

Чиндан ҳам, кейин нима бўлади? Сенга нима бўлади, нафсим?..

* * *

Ҳатто юзимни ҳам кўришни истамаганим ўша кунларда нималарни кўришдан, нималар билан юзлашишдан кўрққан эдим? Туйқусдан “Бу сенми-сан?” деган овоз эшитилса, “Менман!” дея олармидим? Ростдан, ўша менмидим? Инсон қандай қилиб ўзини оловга ташлаши мумкин?.. Оҳ, қанчалар кибрли эдинг, нафсим! Дунё сенинг атрофингда айланарди, фақатгина сен ҳаммасини удралашинг мумкин эди, шундайми? Фақатгина сенда бор эди шафқат, биргина сен ёрдам кўлини чўзар эдинг йиқилганларга! Хўш, йиқилганингда ким сени турғазиб кўйди? Айт-чи, ким бор эди ёнингда, ким кўлини узатди сенга? Онангинг, бирор танишинг ёки энг яқин дўстингинг олдига югуриб бора олдингми? Айт-чи, сен кўзгуда ҳатто ўзингга ҳам қарай олмас эдинг, ҳатто ўзинг томон югура олмас эдинг, лекин кимга ошиқдинг? Турган жойингда чуқурнинг тубини қазийганингда, тобора зулмат сари тушиб бораётганингда сени йўқдан бор қилган Зотдан бўлак ким ёрдам берди? Ҳатто оғиз очишга ҳам мажолинг қолмаган ўша кунларда Раббингдан ўзга ким эшитди сени? Ўзингни Унинг ҳузуридан қувдиришдан бошқа яна нимани удраладинг? Сенга инсонлик сифатини муносиб кўрган, малакларниқидан олийроқ мақом ваъда қилган Раббингга раҳ-

матинг шумиди, шукринг шумиди? Эътироф этиб кўргин ўзингга, сен кулоқ тутмаган ўша азонларда буйруқни ким берган эди?

Ох, Раббим, афв эт мени!..

Шунча ишнинг орасида Миттивой келиб мени топган экан, қадарнинг режасида мен тушиб кетган кудуқлар ҳам ёзилганмиди? Миттивой яратилган, мен яратилган кундан бери ҳаммаси аниқ эдими? Ҳамма нарса аниқ бўлган бу қадарда бизнинг ролларимиз нима эди?..

Буни қара, нафсим, бу гал жавоби йўқ саволларни тинч кўйиш керак, акс холда бу ҳаётда яшаш қийинлашиб кетади демаяпсан. Қизиғи, сени худди шу жойдан танийман, ҳа, менимча, сени худди шу жойдан таний бошляпман. Бошимни айлантиришни хоҳлаган жойларингда саволларингни кўркмасдан сўрайсан-да, ўзингни четга оласан. Дунёнинг ҳидини тушуниб, ундан узоқлашим керак бўлган жойларда эса кўққисдан пайдо бўлиб қоласан. Буни тушуниш учун девори бақатўн босган кудуқнинг ҳавосидан нафас олдим мен, буни тушуниш учун сасиган ҳожатхонанинг ҳавосидан нафас олдим, буни тушуниш учун саноксиз марта йиқилдим, буни тушуниш учун ўша қизнинг титроқ босган жисмини кўрдим, буни тушуниш учун кўп нарсани бошимдан ўтказдим, жуда кўп нарсани...

Ҳолбуки, баъзи саволларнинг жавоби шунчалик осонки...

Гурухда аълочи талабалар билан бирга яхши ўқимайдиганлари ҳам бўлади-ку, шуни билган ҳолда имтиҳондан ўта оладиган ва ўта олмайдиган талабаларнинг рўйхатини тузсам, имтиҳондан ўта олмаган талаба “Сиз менинг исмимни қолок талабалар рўйхатига қўшганингиз учун имтиҳондан ўта олмадим”, дейиши мумкинми? Ваҳоланки, буни билиш унинг иродасидан қай йўсинда фойдаланишини билиш орқали мумкин бўладиган даражада осон-ку. Ёки яқин дўстларим билан кинотеатрга борсам, улар икки фильмдан қай бирини танлашини олдиндан айтсам, мен айтганим учун ўша фильмни танлаган бўлишадими ёки уларнинг таъбларига кўра иродаларини қандай ишлатишларини билиб айтганим учунми? Жавоби шунчалар оддий, нафсим. Биз кўрганимиз қадарини биламиз, лекин Аллоҳнинг илми ҳамма нарсани қамраб олади. Айтишинг мумкин: модомики, Аллоҳнинг илми ҳамма нарсани қамраб олади, ҳамма нарсанинг яратувчиси У, бизни яратишга нега эҳтиёж сезди? Неча ёшда бўлишингдан қатъи назар, амалга оширган бир нарсангни ҳаммага кўрсатиш одатинг борлиги ёдингдами, нафсим? Беш яшарлигингда чизган расмингни меҳмонларга ҳам кўрсатиб чиққанингни эслайсанми? Лицейда ўқиб юрганингда лойдан ясаган кўзангни ҳатто қутининг ичига ҳам солмай, йўл бўйи қўлингга кўтариб кетганингни-чи? Чунки ҳамма кўришини хоҳлаган эдинг! Жавоби мана шу,



нафсим! Сенинг ўша кичкинагина санъат асаринг томоша қилишга лойиқ бўлсин-у, Аллоҳ йўқдан бор қилган санъатлар ҳаммамизнинг кўришимизга лойиқ эмасми? Ҳошо, ҳошо!

Бир пашшадаги санъат билан қуёшдаги санъат беллаша олмайди-ю, сенга оғирлик қиладиган бу беллашувларга қайси жоҳиллигинг билан қўшилмоқчисан, нафсим?..

* * *

Фасллардан баҳор эди, лекин умримнинг биринчи ва энг унутилмас баҳори эди бу кунлар. Мен тўккан бутун кўз ёшлари, ичимда қуритишга киришган ўша кунлар энди ўзгача ҳолга бурканган эди. Улар ҳали ҳам бор эди, юрагимни ҳанузгача оғритаётганди, аммо энди қаердан паноҳ топишимни биламан. Шу сабабли энди биргина мавсумни баҳор дейишим камлик қилади: ҳис қиляпман, юрагимда олиб юрибман – мен учун ҳам, умрим учун ҳам баҳор! Бошимни биринчи марта саждага қўйган куним очилди илк куртагим. Ажойиб эмасми: нозиккина уруғ каттиқ ерни тешиб чиқа олади. Қандай сири бор бунинг? Буни уддалаётганда нималар дейди?..

Эслагин-а, қийин имтиҳонларнинг барида бисмиллоҳни ўзимизга қалқон қилмаймизми? Бисмиллоҳ бизнинг дуоимиз: сув ичганда ҳам, ўтирганда, турганда, сўзлай бошлаганда, ухлаётганда ва уй-



гонганда ҳам... Қизиғи, ҳар гал бир хил дуо қиламиз, лекин ҳар сафарида бошқа-бошқа ишларга уннаймиз, ҳар сафарида бошқа-бошқа нарсаларни истаймиз.

Оҳ, нафсим! Саволларни пайдар-пай қалаштириб ташляяпсан!

Ҳа, қабул қиламан, шунчаки ўтирганда дуога нега эҳтиёжимиз бор дейишинг мумкин, лекин биз саёз сувлар учун яратилмаганмиз-ку, бизнинг маслагимиз – фикр юритиш, тафаккур қилиш.

Ёқамни қўйиб юборсанг, озроқ ўйлаб кўраман. Ахир мен жаҳаннамга тушадиган бўлсам, сен ҳам мен билан бирга равона бўласан-ку, нега қайсарлик қиласан? Ёмғирга ҳомиладор булутларнинг тўқнашуви шарофати билан ер юзи раҳматга тўлгани сингари сен билан тўқнашувларимизда тафаккурни танласак, доимо хайр пайдо бўлади. Бир ўйлаб кўргин-а, чой ичиш учун тупроққа, ҳавога, сувга, қуёшга, қисқаси, бутун бошли коинотга эҳтиёж бор экан, бутун тартибот издан чиқмай давом этиши, ернинг бир хил тезликда айланиши, сенинг эса бир маромда нафас олишинг ҳам керак эмасми? Худди мана шуларнинг бари учун “бисмиллоҳ” деймиз! Аллоҳнинг номи билан бошласак, бутун дунёнинг чанглари тарқаб кетади, бутун алғов-далғовлардан Аллоҳга сиғинамиз.

Хўп, айтишинг мумкинки, уйғонишимиз биланоқ нега бисмиллоҳ деймиз, эндигина уйғонгани-

мизда нега дуо қиламиз? Билсанг, бу мўъжизанинг нақ ўзгинаси! Кўзимизни Аллоҳнинг исми билан очар эканмиз, тавҳид ҳақида ҳайқирган, ожизлигимиз тўғрисида шивирлаган, неъматларни такрорлаган бўламиз. Қандай қилиб дейсанми? Кулоқ сол, нафсим, биз инсонлар эргалаб уйғонганимизда куннинг қандай ўтишини, қадарнинг режасида бизлар учун нималар борлигини билмаймиз. Шу ўринда деймизки: *“Аллоҳим, кеча мени ухлатган ҳам Сенсан, бугун уйғотган ҳам Ўзингсан. Бугун бошимдан нималар ўтишини биргина Сен биласан. Оладиган ҳар бир нафасим, тановул қиладиган таомларим, ташлайдиган ҳар қадамим, айтадиган сўзларим, айтмасликни маъқул кўрган жумлаларим, қулогим билан эшитадиганларим учун Сендан хайр сўрайман. Биламанки, ожизлигим билан кўтара олишим мумкин бўлган бутун юкнинг тилсими Сенинг исминг билан бошланади. Мен ҳам кунни Сенинг исминг билан бошлашни, бугун ҳам Сенинг исминг билан тирилишни, Сенинг исминг билан ўлишни истайман. Кун бўйи нималарга эҳтиёжим бўлишини билмайман, аммо ҳар нарсани билгувчи, чумолининг овозини ҳам, менинг овозимни ҳам бир хилда эшита олгувчи, Раббим, Сен борсан! Менга Ўзингнинг қудратингни билдирдинг, ҳамдлар бўлсин... Биламанки, ҳатто бир неча сония ичида “Раббим” дейишим ҳам, менинг учун ҳайҳотдек, Сенинг учун паишадан фарқи йўқ бўлган бу коинотнинг тар-*

тиботига “бўл” деган амрни беришинг биландир. Субҳонсан, ё Раб! Сенга шуқр қилиш имконияти учун ҳам шуқрлар бўлсин...”

Бир оғиз гап билан бутун ҳамд ва мақтовларни тизар эканман, кичкинагина уруғ ҳам “бисмиллоҳ” деганча устидаги тупрокни отиб ташлаб, баҳорга салом йўллаётган эди. Унинг ҳузурида қанчалар бир хилмиз! Эслайсанми, куз кунларидан бирида уйимизнинг бурчагидаги баҳайбат дарахтдан тўкилган барглари ҳар куни тўхтамасдан, эринмасдан, чарчамасдан йиғиштирадиган, ҳар куни ўз вақтида ишга киришадиган одам ҳақида ўйлаган эдим. Кошки шохлар тўкмасайди инжуларини, кошки исроф қилмаса, воз кечмаса улардан деган эдим. Ҳозир эса баҳор кунларида очилаётган куртаклари кўриб, қанчалар ҳақсиз эканлигимни тушунапман. Кўрмоқ билан боқмоқ бир хил эмас экан, эшитиш билан тинглаш ҳам бир эмас экан. Мен исроф деб ҳисоблаган ўша япроқларда ҳозир ўзимни кўряпман. Умримнинг кузида дунё аталмиш бу карвонсаройда парчаланар эканман, дарахт ҳам баргларидан халос бўлаётган эди. Энди эса иккимиз ҳам қайтадан куртак очяпмиз. Худди қайтадан туғилаяётгандек... Ахир бу исроф эмас-ку, бу ҳашр⁸, қайтадан туғилиш, қайтадан яралишдир... Гувоҳ бўлишдир бу, бутун коинотни гувоҳ қилишдир. Аллоҳ ҳар мавсумда санъатини намоён қилади. У бизга кўз ва

⁸ Қайта тирилиш



кўзимиз кўрадиган нарсаларни берди. Бизга тафаккур қобилиятини берди ва тафаккур қилинадиган нарсаларни. Куз палласида жон берган миллиардлаб ўсимлик қиш ойларини ўлик ҳолда ўтказгандан кейин баҳорда қайтадан тирилади. Бу қандай қилиб исроф бўлиши мумкин? Ҳар мулкнинг эгаси бўлмиш Аллоҳ имон келтиришимни истаганларини менга кўрсатди, тафаккур қилишимни хоҳлади. Мен эса олдига сув тўла идиш қўйилган бўлишига қарамай, ичишни фикр қила олмагани учун ташналикдан дод-фарёд кўтарган аҳмоқ сингари қанчадан-қанча дарахтнинг, ўсимликнинг, жониворнинг олдидан шунчаки ўтиб кетдим! Ахир, ҳар бир тош, тоғ, тупроқ, ҳар бир зарра Аллоҳни танитиш учун уларга назар солишимизни, уларга қулоқ тутишимизни кутмайдими? Инсон учун ташлаган ҳар бир қадами кашфиёт бўлиши мумкин-ку! Ҳатто барглarning бир-бирига қанчалар ўхшамаслигини ўйлашнинг ўзиёқ улкан ҳайратга сабаб бўлади. Ҳайратомуз санъатга тўла коинот эса мени мен имон келтирган Раббимга элтиш учун кутмоқда. Аслида бутун йўллар биз сўқирлар юртида яшайдигандек шунчаки ишга ёки ўқишга бориб-келиш учун эмас, уларни англашимиз, “мутолаа” қилишимиз учун бор. Қанчалар ажиб, шундай эмасми, нафсим? “Мутолаа” деганда ҳаёлимга умуман бундай нарса келмайди. Китоб ўқиймиз, хабарларни ўқиймиз, ижти-

мой тармоқлардаги керакли-кераксиз нарсаларни ўқиймиз, аммо бизга Раббимизни тушунтиришни кутиб турган санъатларни “мутолаа қилиш” ҳақида умуман ўйлаб кўрмаймиз. Шунда мен ўша сўқирлар мамлакатадаги карманми? Эҳтимол, эндигина эмаклай бошлаган, гапиришни эндигина ўргана бошлаган, ҳатто “ўқиш”ни эндигина ўрганишга киришган фақат мендирман... Аллоҳ ҳақида сўзлашдан олдин қайси тилни билган бўлсам, уни унутишни, янги бир инқилоб бошлашни истайман. Аммо бир кечадаёқ ҳамма нарсани тўнтарадиган эмас, бир мартадаёқ жон ҳолатда Аллоҳ дейдиган инқилоб хоҳлайман. Ўзим тўнтарган нафсимнинг орзулари билан энди ҳашр кўчаларида юрибман. Ҳатто қулоғимнинг тагида ғинғиллаб учган пашшаларнинг овози ҳам асабимни бузмай қўйди. Инсон бурнининг тагидагини кўрмайди дейишади-ку, менимча, инсон бурнининг тагидагини кўришни истамайди. Ҳар куни ухлаб, ҳар куни уйғонганим ҳолда қайтадан тирилишга мисол қидирдимми мен?..

Аслида ҳамма нарса қанчалар маънодор, қанчалар яхлит экан. Ҳатто бир таомнинг рецептини илк бор синаб кўриб қийналишим, иккинчи, учинчи сафариди осонроқ пиширишим ҳам охирагим билан алоқадор экан, тасаввур қиялсанми, нафсим? Биринчи марта машина ҳайдаб кўришим ва кейинги сафарларида осонроқ ҳайдашимнинг ҳам охирагим билан алоқаси бор экан. Чунки биринчи мартаси

хар доим қийин, кейингилари осонроқ. Инсоннинг биринчи бор яратилишидаги санъатлардан ҳайратга тушмайман-у, кейинчалик қайта тирилиши, қайтадан пайдо бўлишига ҳайрон қоламанми?.. Бир олманинг йўқдан бор бўлишига ҳайратланмай, баҳорнинг яна бир бор уйғонишига лол бўламанми?.. Шу пайтгача бирор марта пўртахол дарахтида лимон, қалампирнинг шоҳида помидор кўрмадим. Бирок бирор марта бундан оғзим ланг очилиб, субҳаналлоҳ демаганман. Илк яратилишни кўра олган инсоннинг охират ҳақида шубҳаси қоладими? Энди билсам, машинанинг орқасидан чиққан қора тутун атрофни қоплаб олгани сингари дунёнинг бағридан чиққан ғафлат тумани кўзларимни кўр қилиб қўйган экан. Еб-ичишим учун бир хил неъматларни эмас, минг хил неъматни бор қилган Аллоҳ мендан фақатгина ҳатто ҳайвон ҳам эплайдиган қорин тўйдиришни исташи мумкинми?.. Қорин тўйиши учун бир тишлам нон ҳам етгани ҳолда анвои таомлар тақдим этилган бу дунёдан охиратга элтгувчи йўл бўлмаслиги мумкинми?.. Дўкондан олган сувимнинг пулини тўламай туриб у ердан чиқа олмайман-у, турфа неъматларнинг ҳақини ҳақиқий Эгасига, ягона Яратувчисига, Раббимга тўлашим керак эмасми?..

Мендан кутилган нарса зикр, шукр ва фикр эди. Коинот дастурхонига ўтираётиб “бисмиллоҳ” дейишим керак эди, фақатгина тилим билан эмас, бутун вужудим, бутун зарраларим билан. Неъматлар-

га кўмилган кўйи Аллоҳни ўйлашим, менга тортик этилган бу таомлар тўғрисида тафаккур юритишим ва охирида Аллоҳга шукр қилган ҳолда “алҳамду-лиллаҳ” дейишим зарур эди. Бу қанчалар улуғ раҳматки, ҳақини Аллоҳга тўлашдан аввал ҳам бу неъматлардан фойдаланар эдим, бу фикрларни зикр этгандан кейин ҳам фойдаланишда давом этяпман. Демак, бу дунёда адолат тарозисининг устида Раҳмоннинг кўли бор. Демак, бу дунёда ҳамма нарса – оқу кора бир-биридан ажралади, Абу Жаҳллар ва Абу Бакрларни саралайдиган жой бу ер, шундай бўлишга мажбур. Акс ҳолда ҳамма нарса қанчалар маънисиз бўларди. Акс ҳолда инсон бу дунёга қандай чидай олар эди?..

Аллоҳ неъматларнинг асилларини бу дунёда бермаган, зеро, бу яратилиш интизомига тўғри келмайди. Масалан, катта ёшли одам сувни бемалол ичиши мумкин, аммо янги туғилган чақалоққа сув бериш унинг она сутини кутадиган меъдаси учун яратилган интизомни бузиш демакдир. Дунё ва охират ўртасидаги алоқадорлик ҳам шунга ўхшайди. Охири бор бадан учун абадий таомлар берилмайди, албатта. Ахир поёни бор баданга ниҳоясиз либос ярашиши мумкинми? Патнис тўла пахлаваннинг сояси бизга лаззат бермагани сингари охиратнинг сояси ҳам бизга бу дунёда ҳақиқий лаззатни бермайди. Кўзгудаги аксдан воз кечиб, ҳақиқийсини истамоқ лозим, зеро, бу дунё охиратсиз зулматга



чўмган жой, туби йўқ чуқурдан бошқа нарса эмас...

* * *

Вақти-соати билан Раббингга қайтмайсанми, эй нафсим? Огоҳлантиришнинг жисмга айланган ҳоли бало эканлигини тушунмай, бошингга тушган шунча нарса Раббингнинг ҳузурига қайтишинг учун танбеҳ эканлигини кўрмайсанми? Бўш уйга ўғри тушмаганидек, бўш қалбга ҳам шайтон кирмайди. Лекин қаерга кирса, ўлим амри келмагунча у ерни тарк этмайди. Яратганнинг ҳузуридан қувилган шайтон оёғимиздан чалиш учун, қулоғимизга тинимсиз шивирлаш учун ёнимиздан бир сонияга бўлсин айрилмайди-ю, шунча таҳликанинг ичида биз қандай қилиб Аллоҳнинг ҳузуридан айрила оламиз? Дуо қилиш бепул бўлгани ҳолда, “Аллоҳ” дейиш учун ниятдан бошқа нарса керак бўлмагани ҳолда шайтон ўз мақсади йўлида жонжаҳди билан ҳаракат қилгани сингари биз нега Аллоҳга қул бўлиш учун ҳаракат қилмаймиз? Ёрдам берадигани, сиғинадиган жойи бўлмагани ҳолда шайтон тиним билмас экан, ҳатто бир кун ҳам “чарчадим” демас экан, биз қандай қилиб ибодатлардан чарчашимиз мумкин? Ёки бу йўлдаги ниятинг шайтоннинг ниятидек қатъий эмасмиди, нафсим? Шайтончалик ғайратинг, шайтончалик мақсадинг йўқ эдими? Сени Ер юзига халифа – ўринбосар қилган

Раббингнинг қаршисида бу берилган қобилиятларни намоёиш қила олмаслик ҳам исённинг бир тури эмасми? Ҳатто бир гиёҳнинг ҳам вазифалари бор экан, инсон ўлароқ яратилган менинг ўз вазифаларимни билмаслигим туғёндан бошқа нарса эмас-ку.

Эй нафсим, энди тўрт деворнинг ичида ўзингга яхшилаб назар сол, уйдан кўтарилиб, юқоридан қараб кўр. Осмонга чиқ ва ўзингга қара, ундан ҳам ўтгин-да, фазодан ўзингни кўришга уриниб кўр. Мағрурлана оладиган даражадамисан?..

Шу коинотда ҳатто митти нуқтачалик ҳам эмасан, ўзингни мақтай оласанми?..





14

Митгивой билан мен деворларини беагаган хонамда шу кунларда ўзгача шабадалар эсяпти. Ичимда янги ўзимни кашф қиляпман. Бу қизиқиш бутун вақтимни оляпти, бошқа ҳеч бир нарсага эҳтиёж сезмаяпман, бошқа ҳеч бир нарсани кўришни хохламаяпман. Қизиғи, айна пайтда ҳамма нарсани кўряпман. Демак, шундай бўлади: Раббингни кўришни истаганингда аслида дунёдан узилиб қолмайсан, балки дунё дея аталган бутун нақшларга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсан. Аллоҳ инсоннинг ҳар сония тафаккур қилишини, ўз фитратига қайтишини истар экан. Митгивой ҳам мева ейди, мен ҳам ейман, орамизда фарқ бўлмаслиги мумкинми? Биз инсон зоти ўлароқ имон аталмиш либосимизни ечишимиз билан ҳатто ҳайвон бўлишга нолойиқ мавжудотларга айланамиз. Қорни тўқ, лекин руҳи оч жонзотлар сифатида дунёнинг кўчаларида тентираб юрадиган бўлиб қоламиз. Руҳи ўлик, лекин танаси тирик одамлар сифатида кўмилишни кутишдан бошқа ишимиз қолмайди.

Ҳар нарсанинг кўринганидан ўзгачароқ лисони бор экан. Ҳозир эласам, мени махзун қиладиган ўша давраларда нималарни гапирган бўлсам-да, ҳар бир заррам Аллоҳ ҳақида ҳайқирар, “Менга қаранглар, мени таниш учун шунчаки кўз югуртирманглар, яхшилаб қаранглар”, дея типирчилар эди. Ўша тонгда Миттивой ҳам шундай қилганмиди? Бомдод пайтида тинмасдан чуғурлаган Миттивой аслида нималар деган эди? Ёнасан, тур ўрнингдан деганмиди? Ёки марҳамат билан: “Турақол, илтимос”, дея фарёд қилганмиди? Бундан ҳам марҳаматлиси қандай бўлиши мумкин эди, ахир у ҳам ҳақиқатни ҳайқирганди. Аслида ёнасан дейиш марҳаматсизликми? Йўқ, унинг маъноси бундай бўлиши мумкин эмасди. Ундай бўлса, нега бунча вақт жаҳаннам бор деганлар, ёнасан деганларнинг қаршисида кулоқларимни бекитиб олдим? Нега кулоқ солмадим? Эшитишни истамаганларимиз шундай бўладими: кактус мисоли кўксимизга ботадами? Эшитишни истаганларимиз деразамизнинг тагидан очилган ёронгуллар кабилими? Ҳозир кўришни истаганим, эшитишни истаганим сайин қанчалар кўп ва ўта сокин сасларни эшитяпман. Қаршимдаги кўзгуда пардоз кутисидан халос бўлган юзимга қараб, кўзларим қанчалик чиройли эканлигини кўряпман. Ё Раб, мунчалар чиройли яратибсан! Бу ранг қанчалар маънодор! Шунча йиллардан бери кўзгуда энг

кўп юзимга тикилган бўлсам керак, лекин биринчи марта бундай назар соляпман: ўзимга Аллоҳ яратган санъат ўлароқ қарашим қанчалар бошқача экан! Аллоҳим, мен қандайин ғафлатда қолдимки, ҳатто ўзимни ҳам кўра олмадим...

Ўзи кўзгулар нима учун бор? Камчилик топиш учун, камчиликларни махсус крем билан ёпиш, дўконма-дўкон соатлаб изғигандан кейин олган кўйлагимни яна бир бор эгнимда кўриш, хуснбузарларимга қарши жанг қилиш учунми?.. Ростдан, нима учун бор ўзи кўзгулар? Улар бўлмаса, нима бўларди? Ўзимни кўришим учун ҳеч нарса бўлмаса, ойна ўйлаб топилмаган, телефон ишлаб чиқарилмаган бўлса, аксимни ҳеч нарсада кўролмасам... Аллоҳим, бу қанчалар ғалати ҳиссиёт. Фақатгина бошқаларнинг тушунтириши билан ўзимни тасаввур қилишга уринганимда нима бўларди? Эҳтимол, инсонларда нимани кўрсам, ўзимда ҳам ўша нарсаларни тасаввур қилган бўлардим. Рўпарамдаги инсоннинг киприклари қанчалик узун бўлса, ўзимникини ҳам шунчалик узун деб ўйлаган, кўзлари қайси тусда яшил бўлса, ўзимнинг кўзларимни ҳам ўша тусда деб ўйлаган бўлардим. Субҳаналлоҳ! Инсоннинг ўзини кўра олиши ҳам қанчалар катта неъмат экан! Демакки, Аллоҳ ўзимга қарашимни ўша бемаъни рўйхатдаги сабаблар туфайли истамаган экан. Демакки, ўзимни танишим учун, чиндан ҳам, бу йўлга тушишим, ўзимдаги санъатларни

кашф килишим учун бирма-бир қадам ташлашим керак экан. Инсонларнинг ташки кўринишидаги фарқлар ҳам аслида санъат эмасми? Ҳолбуки, биз ўзимизда бўлмаган нарсага интилаверамиз. Кошки менинг ҳам кўзларимнинг ранги шундай бўлса, менинг ҳам сочларим шундай текис бўлса, менинг ҳам овозим шундай чиқса, деб орзуларга бериламиз. Ахир бу фарқлар тавҳидни намойиш этиб, Аллоҳнинг “Ал-Мусаввир” исмига ишора қилади-ку. Бизга берилган санъатни кўра олмай, бўйи етмаган гўштга пуф сассиқ деган мушукдай ўзимиздан камчилик кидиришга тушишимиз ҳақида ўйлаб кўрмаймизми?..

Кўзларимиз Аллоҳнинг асмоси билан нурланса, ҳамма жойда Унинг санъатини, ҳар ёқда Унинг аҳадият муҳрини кўришимиз мумкин. Қусур васвасаси билан шайтоннинг сўзларига учганлар эса жарроҳнинг тиғи ёрдамида сунъий гўзалликка эришмоқчи бўлади. Ўзи қанча вақтинг бор, эй инсон?! Бунчалар кўп алахсидинг бу дунёда! Ўзингга ёқмайдиган жиҳатингга қараб, “Аллоҳ мени йўқдан бор қилмаганида, бу жиҳатим ҳам бўлмас эди, демак, менинг бор бўлишимни истаган ва “Бўл!” деган”, дея шукр қилдингми ҳеч? Бирор марта ўз овозингни эшита олганинг учун шукр қилганмисан? Ёки бемалол нафас олаётганинг учун-чи? Кўчанинг бошидаги дарахт учун, боғингдаги майсалар, осмондаги булутлар учун шукроналик келтирдингми? Шукр қи-



лишинг керак бўлган шунчалик кўп нарса бор экан, сен камчилик деб ўйлаган нарсалар билан овора бўлишингнинг ўзи камчилик эмасми? Шайтоннинг “...Уларга амр қилсам, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирарлар”⁹ деган сўзларини унутдингми?..

Аллоҳ шайтонга эргашганларнинг холи ҳисоб-китоб кунда қандай бўлиши ҳақида хабар берган бўлса-да, фол очтириб келажакни қидиришдан маъни нима? Биз ўргандик деб ўйлаганларимиз охиратимизни кутқаришга етадими? Ахир намоз Аллоҳнинг амри эканлигидан хабар топишим ва бошимнинг саждага тегиши орасида қанча йил ўтиб кетди!?! Билишнинг ўзи кифоя эмас, сабабини билиш ва ўша заҳоти, вақтни бой бермай амалда акс эттириш зарур... Қандай имоним бор эдики, ҳатто бошимни саждага ҳам олиб бормас, харомдан сақламас эди, нафсимни енгишимга кучи етмасди. Бу имон охиратда менга қандай наф келтириши мумкин? Ўлимнинг ҳақ эканлигини билганим ҳолда нега шунча йиллар давомида ҳамма нарсани кечиктирдим, имонли эканлигимга қандай ишона олдим? Бунга ишониш учун Аллоҳни унутган бўлиш керак, хўш, мен қаерларда Уни эсладим?.. Ҳар сафар йиқилганимдами ёки ўрнимдан туришни уйдалаганимдами?.. Университетда имтиҳон пайтида ухлаб қолган ва домланинг кўлимни туртишидан уйғониб кетган, шу кўйи кўркқанимдан имтиҳон-

⁹ “Нисо” сураси, 119-оят

нинг охиригача сергак ўтирган эдим. Аллоҳдан кўркиш ҳам ҳаёт давомида сергак ва ҳушёр тутиши керак эмасми? Зеро, Аллоҳ шундай буюрган: *“Аллоҳни унутганларга ўхшаган бўлманглар. У зот уларга ўз шахсларини унуттирди. Ундоқ кишилар фосиқдирлар”*¹⁰. Мен эса Раббимни, менга ҳаттс кўзимнинг очиб-юмилиши учун ҳам масъулият бериб қўймаган Раббимни унутганим учун шундай аҳмоқона яшаб юрган эканман.

Эй нафсим, бил, бил ва таниб ол, таниб ол ва англа.



¹⁰ “Ҳашр” сураси, 19-оят



15

Хотира музейимга!

Фикрларим орасига саҳифанга тўқилмаган қанчадан-қанча калималар яширинган. Айтсам, эшитилишидан қўрқадиганим, яширсам, бўғилишидан маҳзун қиладиган денгиз оқими бу. Хафаман, ҳорғинман, аччигим чиққан. Мен ишоншим мумкин деб гумон қилган, кўнглимнинг хоналарига бирма-бир киришига рухсат берганим улкан ёлгоннинг ичига тушиб қолганимдан бери хафаман. Биласанми, менинг ҳам енгилишим, менинг ҳам ҳоришим мумкин экан. Мен кўзимни очган ва нонушта қилган соҳилдан ичимни оғритган чирмовуқ қолди, холос. Қаернинг чирмовуғи дейсанми? Ташлаган ҳар бир қадамимда оёқларимга ўралашган, севги дея, севилиши дея ўзимни ишонтирган боши берк кўчанинг чирмовуғи экан. Тилимга қайтиб олмайман деган исми хаёлимдан ҳам ўтмайди деб ўйлаган эдим. Истардимки, юзини хотирамдан ўчираётиб қанчалар ҳузур ҳис қилганим ҳақида саҳифаларингни тўлдириб-тўлдириб ёзайин. Севмаяпман энди

бу ёнгинни, эҳтимол, ҳеч қачон севмагандирман. Инсон ҳатто исмини ҳам эслашни хоҳламайдиган биров билан боғлиқ пушаймонлиги учун неча марта тавба қилиши керак? Неча марта нафас олсанг, шунча марта деясан, тўғрими? Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим, лекин Раббим менинг қалбимга ажиб бир ҳузур индирди. Тушундимки, мени тавба эшигида кўришдан қанча хушнуд бўлса, ўша осто-нада тавбани шунча зикр қиламан. Ухлаётиб, сув ичаётиб, бозордан қайтаётган кекса онахоннинг халталарини ташишига кўмаклашаётиб, дўконда нон жавонининг очиқ қолган эшигини ёпиб қўяётиб мудом бир нарсани такрорлайман.

Менга “Миттивой” дея хитоб қилган биринчи кун хаёлимга келган саволларнинг ўрнини энди ичига тилсимлар яширинган калималар эгаллаган бўлса-да, у билан умуман танишмаганимда яхшийдди, дейишдан ўзимни тўхтата олмаяпман. Қаерда юрибди, нималар қиляпти, ҳалигача ўша тешикда типирчилаяптими, деб ҳеч савол бермадим ўзимга. Мен кетгандан кейин талабалар ётоқхонасига неча марта келганига, кетаётиб сим-картасини тўртга бўлиб ташилаганим рақамга неча марта кўнгироқ қилганига, ўша кўчаларда мени неча марта қидирганига умумуан қизиқмадим. Исми миям-даги тақиқланган сўзлар рўйхатига киритилган бўлса-да, ора-сира шивирлашларда борлигини ҳис эттиришдан умуман воз кечмади. Нуқул шундай

севармиди, ҳар доим ҳам қалбга шундай озор берармиди?.. Қизиқ, кўчанинг адоғида бурилганимда рўпарамдан чиқиб қолса-ю, бор саволларимни кетма-кет берсам, жавоби бормикин?.. Хўш, менинг ўзимга жавобим борми? Кимнидир ёмонликдан, гуноҳдан асраш учун инсон қандай қилиб ўзини ўша оловнинг ичига ташилаши мумкин? Мен ҳис қилдим деб ўйлаган нарсая марҳамат эдимиз? Ёки шунчаки худбинликми? “Уни мен қутқара олишим мумкин, мен бўлмасам, омон қолмайди, мен бўлмасам, бангиликдан қутула олмайди...” Шунча сафсатага қандай қилиб ишондим? Ўзим ёздим, ўзим рол ўйнадим, ўзим енгилдим. Нафсим менга қандай тузоқ қўйган эдики, ўзимга берганим бу халоскорлик ролига марҳамат тўнини кийдиришининг уддасидан чиқдим... Ҳатто Аллоҳдан ҳам марҳаматлироқ эдимми? Ҳошо! Ҳошо! Мен ҳамма нарсани биладигандек, бутун ҳодисалар, замону маконнинг эгаси бўлишни истаганимни Аллоҳ кўрмаганимиди? Ҳошо...

Аллоҳим, қанчалар меҳрибонсан! Мендайин руҳи ва қалби хаста, марҳаматда ҳаддини ошган, нафсининг ўйинларига ўйинчоқ бўлиб, инсонлик мақомидан мосуво бўлган қулингга “марҳамат” номи билан яширинган зарарни кўрсатиб қўйдинг. Қанчалар меҳрибонсанки, ўзимга қилган энг катта ёмонлигим, энг катта гуноҳим ҳам Сенинг ҳузурингда, Сенинг марҳаматингнинг олдида чанг заррасичалик эмаслигини билдириб қўйдинг. Менга Сенинг

йўлингда сарфлашим учун берган марҳаматингни қандай қилиб ҳаром йўлларда, ҳаром кишиларда ишлатишига уриндим?.. Менинг ҳаром ҳақидаги тасаввурим қандай қилиб бунчалар ўзгариб кетди?..

Хўш, вақтичоглик қилдингми деб ҳатто сўрашни ҳам истамайман, ҳалигача ошқозоним беҳузур бўляпти.

Нима қолди қўлингда? Сендан кейин нима қолди ўзи?..



Хуш келибсан, оғриқ! Хуш келибсан, мигреним!
Каллаи саҳарлаб миямнинг ичини қиздиришни
қаердан ўргана қолдинг? Вужудимнинг бутун аъзо-
лари мен билан бирга ухлаб ётган бир пайтда сени
ким уйғотди?

Дарвоқе, мен ухлаб ётганимда аъзоларим ҳам
ухлайдими?

Ҳар бир мучам неча йиллардан бери мен билан
бирга бўлса-да, бу ҳақда ўйлаб кўрмаганим ғалати.
Мен уйқуда бўлсам-да, миям буйруқларни бажариш-
да давом этмоқда, юрагим уриб турибди, ҳануз нафас
олмоқдаман. Аллоҳ тўхташ ҳақида амр бермагунча
бу жараён бардавом бўлаверади. Шунинг ўзиёқ Ал-
лоҳнинг борлиги ва бирлигини, яъни тавҳид муҳ-
рини кўрсатмайдими? Тана аъзоларимга дам олиш-
ни буюрган, мени ухлатган ва уйғотган куч мендан
олдин ҳам, мендан кейин ҳам бор бўлиши керак. У
шундай куч бўлиши керакки, манбаси ўзидан бўл-
син, ҳеч қачон ухламасин, ҳеч қачон чарчамасин.

Қизик, авваллари ҳеч миям учун шукр қилган-
манми ёки менинг измимда бўлмагани ҳолда уриш-

дан тўхтамаган юрагим учун?.. Уйқуни ўлимнинг укаси дейишади-ку, ҳар куни уйғонганда қандай қилиб хаёлга биринчи бўлиб ўлим келмайди?..

Аллоҳим! Мен қанчалар кўр, қанчалар нонкўр эканман!..

Миямнинг ичида отилаётган вулқонларнинг ҳар бир портлар экан, аралаш-қуралаш бўлиб кетган фикрларимнинг орасида оғриқ ҳис қиляпман. Қаерлардан келиб қолдим мен бу ерга? Мени уйғотиб юборган бош оғриғининг шарофати билан йўлимда яна бир қадам ташлагандекман. Қандай раҳмат яширин эди бу оғриқнинг ичида? Фақатгина шуларни ўйлашим учун берилдими у? Агар шундай бўлса, аввалгиларининг ҳикмати нима эди?..

Эсингдами, нафсим, боғчадалиқ пайтимда ёзги таътилда қишлоққа борган эдим. Столнинг устидаги мандаринларни ҳидлар эканман, бобом шундай деган эди: “Ҳикмат тупроғида ўсган дарахт қирқта эшикка мева тарқатади”. На ҳикмат тупроғини, на қирқ эшикни тушунмабман, эртаси куни бобомдан ўша тупроқда ўсган дарахтларни кўрсатишини сўрагандим. Бобом эса у дарахтни кўриб бўлмаслигини айтганида, нега мен кўра олмаяпман, деб соатлаб йиғлаган эдим.

Оҳ, болалиқ!..

Сизни эндигина тушунапман, бобожон. Мени овутиш учун кун ботишига яқин олхўри теришга олиб боргандингиз. Дарахтнинг олдида сочларим-



ни силаганча: “Айт-чи, сенингча, ҳар қайси силкиниш одамни йиқитиши мумкинми?” деб сўраган, кейин эса оғзингиз қулоғингизга етгудек табассум қилганча дарахтни силкитиб, тўкилган олхўриларни теришимни айтган эдингиз. Унутмадим, бобожон. “Таёқ билан урилган гилам чангларини тўккани сингари силкитилган дарахт ҳам меваларини тўкяптики, яратилиш мақсадига хизмат қилсин, янги яралишлар учун ниш урсин”, деган эдингиз. Ҳақ эдингиз, бобожон. Ҳозир бошимнинг ичида отилаётган вулқонлар, ҳар бир оғриқ гуноҳларимни тўкиб юборяпти, шундай эмасми, бобожон?..

Сени ҳам хуш қарши олишим даркор, севикли мигреним. Агар сабр қилсам, исён кўтармасам, қаердан ва нима учун келганингни тушуна олсам, гуноҳларимни ҳам олиб кетасан, шундай эмасми? Лекин ҳали ўзимнинг келишдан мақсадимни тўлиқ тушунганим йўқ, сени қандай тушунаман? Жажжи бола хўрозқанднинг ўрамини очгандай муомала қил гуноҳларимга, майлими? Зеро, Аллоҳнинг ҳузурига покиза ҳолда бормасам, қаттиқ уятга қоламан. Бу дунёдаги ҳеч бир хижолатпазлик Раббимнинг ҳузурига хижолатда қолишга тенг кела олмайди. Ахир инсон севганига хижолатли алпозда йўлиқишни хоҳлармиди...

Минг азобда дунёга келтирган чақалоғини кучоғига олган онанинг бахтиёрлиги сингари оғриқларим билан янги мен ўлароқ туғилишим мумкин-

ми, Аллоҳим? Кўзим юмилиб кетяпти, фикрларим секинлашяпти, ҳақиқат билан тушни чалкаштириб юборяпман. Баданим дунёда оғриқлардан тўлғаниб, гуноҳлардан халос бўлар экан, руҳим рўёлар ичра бир қайиқда кўм-кўк денгизда сузиб кетяпти.

Энди бир бандаргоҳ топишим зарур, шукрнинг номи ҳар бир тошига йўнилган мустаҳкам бандаргоҳ...





Хотира музейимга!

Күёшининг чиқишига тегинди бугун кўзларим...

Бой берганларимни, бой берганларимизни эслаб яна бир бор қайзуга ботдим.

Ҳаммамиз яшаяпмиз деб ўйлаймиз, лекин бундай сўқирликни яшаиш деб атаиш мумкинми? Мажнун ҳатто Лайлининг кўчасидаги кучукнинг кўзидан ўпган эди, биз эса энг яқинимиздаги инсоннинг руҳини кўра олмаймиз. Парда ортида нималар бўлаётганини кўрмаслик учун яна бир пардани биз тортамыз.

Биласанми, энди кўзуга қараганимда мени ҳайрон қолдирадиган юзни кўряпман: бироз менга ўхшайди, бироз кашф этилишини кутаётган хазинага. Тунов куни ўтган йилларимни ҳисоб-китоб қилдим, қаердан келдим, қаерга кетяпман деб сўрадим ўзимдан. Йиллар ўтиб, бу сатрларга яна кўз югуртирганингда, ўшанда ҳам ҳақиқатларни кўзинг кўрмаётган, қулогинг эшитмаётган бўлса, ўзингни чалғитишдан бошқа ҳеч нарса қилмаган, ўзингга ўзинг энг катта ёмонликни раво кўрган бўласан, дедим ўзимга.

Эй ўзим! Сенинг қаршингдан машаққатли тепаликларни чиқарган Зот арқонни ҳам узатиб қўйган. Ўша арқонни маҳкам ушла, хўпми?

Зимистон кўчаларга ўзингни урма, фонуси йўқ бандаргоҳларда ёлғизман деб ўйлама. Сенга неча асрлар аввал дуолар йўллаган Пайғамбар алайҳиссаломнинг умматисан сен, унутдингми?..

Ўтмишини унут, гуноҳларни унут, қоп-қора юзларнинг тошга айланган юракларидан ўзингни олиб қоч.

Сен олаётган нафас сенга нималарни сўзлайди, ҳеч қулоқ тутганмисан? Ўрнингдан тур, оч деразани. Нафас ол, чуқур-чуқур нафас ол. Ҳавони ўпканга тортганинг сайин ҳали ҳам яшаётганингни ҳис қил, буларни сенга ўйлатиб қўйган Раббинг ўз йўлига қабул қилгани ҳақида яна бир бор фикр юрит. Қара, ҳаётингдан чиқариб ташлаганларингнинг юкини елкангдан олиб қўйган Раббим исмини эслашинг учун сенга бир неъмат бахшида қилган. Инъом этганларини қаттиқ қучоқла. Қучоқлаганларингни қўйиб юборма, қўйиб юбормаганларинг учун тинмай урин, ҳаракат қил.

Тўхта ва ўзингга савол бер. Қўлингга қалам ва қоғоз ол. Ёз, Раббимни рози қиладиган нималарга қўл урмоқчиман, деб ёз. Ўзингга савол бериб кўргин-а, амалларингни чин дилдан бажаряпсанми? Қўлингга яна қаламни олгин-да, бу гал шундай савол бер ўзингга: Раббим мендан рози бўлмайдиган қандай ишларни қиляпман?

Раббинг сенга нималарни амр этган эди, улардан қанчалик хабардорсан? Қанчалик амалинг бор, эй ўзим?

Ўзингга бериб кўр шу саволни. Сен бермасанг, эрта-бир кун қабрда барибир беришади. Ана ўшанда жавоб қайтара олмасанг, қаттиқ пушаймонликка гирифтор бўласан. Сенга бош рол берилган, эй нафсим! Иккинчи даражали актёр эмассан бу ҳаётда.

Қани, ўзингга савол бер, чунки сен билан жаннатда чой ичганча муҳокама қилишимиз керак бўлган масалалар бор...

* * *

Ҳазрат Абу Бакрга Расулуллоҳнинг меърожга чиққанлари ҳақида хабар беришганида, у киши бутун инсониятга ибрат бўладиган жавоб қайтарган эдилар: “У зот айтаётган бўлсалар, тўғри айтибдилар”.

Биласанми, нафсим, аслида бу таслимият инсоннинг томирларидан зарралари томон бир сафардир.

“Ер юзидаги имон аҳлининг имони Абу Бакрнинг имони билан ўлчанса, Абу Бакрнинг имони бутун Ер юзи аҳлининг имонидан устундир”.

Оҳ, нафсим!

Пайғамбар алайҳиссаломнинг бу сўзлари мен ҳақимда бўлганида борми...

Буни ҳатто тасаввур қилиш ҳам қанчалар ҳаяжонга солади, тўғрими?

Пайғамбар алайҳиссалом мени кўрмаган бўлсалар-да, менга дуо йўллаганларини билганим ҳолда шунчалик ҳаяжонланаманми? Ҳаяжонга тушсам, нега у Зот ёқтирмайдиган амалларни қилиб юрибман, эй нафсим? Ҳозир исларини бир неча кўча наридандан сезиб, олдиларига югуриб борсам-да, “Мен келдим, ё Расулуллоҳ!” десам, мени қандай қарши олган бўлардилар?.. У Зотнинг олдиларига бориш учун шоша-пиша қадам ташлаб, қўл-оёқларим титраганча, “Энгидаги либосига қирқта ямоқ тушган умматингизнинг фақири келди”, десам, қандай жавоб қайтарган бўлардилар?..

“Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешоналари оппоқ ва оёқ-қўлларидан нур таралиб турган ҳолларида чақирилурлар”, дея мужда юборган Пайғамбарнинг умматидан эканлигимни кўрсатувчи бирор белгига эга бўлмасам, ҳолим не бўлади, нафсим?..

Расулуллоҳ мени танимасалар, нима қиламан?..

Ҳозир эшик тақиллаб, “Мени соғинган экансизлар”, деб келиб қолсалар, биринчи бўлиб оғзимдан қандай сўз чиқаркин? Салом бера оламанми? Ичкарига таклиф қила оламанми? Шошма, ҳаммасидан аввал эшикни оча оламанми? Ахир, бошимда рўмолим йўқ-ку, бу аҳволда эшикни оча олмайман-ку. Эшикни очиб, ичкарига таклиф қилган тақдиримда

ҳам, бу тасаттурсиз аҳволимга, дунёнинг ҳиди келиб турган эгни-бошимга, юзимга қараган бўлармидилар?..

Мана шу аҳволимда, менинг кийиниш услубим, менинг шахсий танловим деган ҳолатимда ўтмишга бориб қолсам, Расулуллоҳ юрган кўчалардан юрсам, асҳобнинг орасига аралашиб кетсам, қандай кўринган бўлардим? Тасаттур ояти нозил бўлиши билан кийимларининг этагини кесиб, бошларига рўмол қилган саҳобиялар орасида, ҳамр ҳаром қилинган оят тушиши билан уйларидаги бутун ичкиликни оқизиб юборган саҳобалар орасида қандай қилиб мусулмонга ўхшашим мумкин?..

Тасаттур ҳақидаги оятга ҳеч иккиланмай бўйсунган саҳобиялардан қандай фарқимиз бор? Нега улардаги таслимият бизда йўқ? Биз қандайин ғафлатда қолдик, нима бўлди-ю, Қуръондан бунчалар узоқлашдик?..

Ғарбга қарайверганимиздан қотиб қолган бўйинларимизни ҳақиқат томон ўгиришимиз зарур. Алдандик! Бизга аёлнинг истаган либосини кийишини эркинлик деб тушунтиришди, биз эса лаққа тушдик. Ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишяпти, бизни ўйлашяпти, деган хаёлга бордик. Ҳолбуки, улар на аёлларнинг тасаттурини ўйлашди, на эркакларникини! Тасаттурсиз зехниятларига ғилоф излашган экан, уни эса адолат дея бўялган олтин товоқда олиб келишибди, биз чиппа-чин ишонимиз!

Дўконга борсак, ўрами очилиб қолган маҳсулотни олмаймиз, эринмасдан дўкон ходимларини огоҳлантирамиз. Уйимизнинг эшигини ланг очиб ташлаб кетмаймиз, кийимларимизга чанг қўнамиз деб жавонларни ўйлаб топганмиз. Уйимизнинг ичи кўринмасин деб, кеч тушиши билан деразанинг пардасини ёпиб қўямиз. Хўш, нима бўлди бизга? Ўрами очилмаган маҳсулотни қидирадиган бизлар бошқаларнинг назари тушмаган йўлдошларни қидиришни қачон бас қила қолдик?

Бошқаларнинг хаёлини банд қилмайдиган аёлнинг Раббига итоати қачондан бери бизнинг луғатимизда қоқоқлик деб аталапти?

Бошқаларнинг хаёлини банд қилмайдиган эркакнинг Раббига итоати қачондан бери бизнинг луғатимизда қоқоқлик деб аталапти?..

Тасаттур – бу менинг баданим, менинг маҳрамиятим, сен менинг маҳрам майдонимга кира олмайсан дегани эмасми? Тасаттур аёлнинг маънавий чиройида барқ урган баҳор эмасми? Қўлини бегона эркакка ёки аёлга узатмаган кишига бошдан-оёқ тикилишни қандай тушуниш мумкин? Қайси давлатда олий рутбадаги кишининг эшигини тақиллатиб, унга қўл узата оласиз? Аёл бу умматнинг олий рутбаси эди, инжуси эди, никоҳ бўлмади туриб қўл теккизиш мумкин бўлмаган қийматлиси эди. Қийматлимизга ўзимиз безътибор бўлсак, қолганлардан нима кутиш мумкин?..

Хўш, мен нега Раббимнинг амрига итоат қилмаётган эдим?

Энг биринчи бўлиб беришим керак бўлган савол мана шу.

Қани, келақол, нафсим, сен билан фитратимизга қайтиш учун йўлга чиқамиз. Бу йўлда Раббимиз нимани буюрган бўлса, ўша нарсалар ҳақида суҳбат қурайлик. Сабаби топилмаган ҳеч бир масалани ҳал қилиб бўлмайди, дейишади, кел, ишни баҳоналаримизни кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Илк бор фарз бўлган кундан эътиборан нега ўранмадим? Нега “Амрингга бош эгдим, Раббим!” дея олмадим? Дугоналарим билан мавзуда гаплашмаганман, зеро, бу тўғрида гаплашишим мумкин бўлган дугонамнинг ўзи йўқ. Хўш, бундай масалаларда асосий омил фақатгина дўстларнинг таъсирими? Албатта, йўқ. Лекин сочим... Сочимни бекитиш жуда қийин. Қолаверса, ёз кунларида узун либосда терлаб кетмайманми? Мен ўрансам, атрофимдагилар нима дейди? Йўқ, мен бу ҳақда бир қарорга келсам, ҳеч кимга қулоқ солмайман-ку... Лекин рўмолни ечиб юборсам ёки тўғри ўранмасам, бошқаларга ёмон ўрнак бўлиб, уларнинг гуноҳига сабабчи бўлиб қолсам, бунинг жавобини қандай бераман? Ўзи рўмол менга ярашадими? Худди ўша давраларга яна кира оламанми? Худди ўша сўзларни яна айта оламанми? Яна ошиқ бўлишим, яна истаганимдай кийинишим мумкинми?



Ох, нафсим! Шошма, бир дақиқага тўхта. Бу баҳоналарнинг баридан дунёнинг ҳиди келяпти. Кимгадир ўзимни ёқтиришим керакми? Кимгадир ўзимни ёқтиришга киришиб кетсам, ўзимлигимча қоламанми, унинг таъбининг кулига айланмайманми?.. Нега менинг сочимни кимлардир гапириши керак? Тасаввур қил, нафсим, бир куни уйғонсам, сочим битта қолмай тўкилиб кетган бўлса, ўша заҳоти бошимга рўмол ўраб олмайманми? Бироқ бу ўзим ишонадиган Раббимнинг амрига итоат этиш бўлмайди-ку...

Ҳали синаб кўрмаган бўлсам-да, ёз ойларида тасаттурда терлаб кетаман деяпман, аммо Раббимнинг тасаттур ҳақидаги буйруғига бўйсунмаганим учун охиратда уят ва изтиробдан терлаб, ўз терларимда чўкиб кетмайманми?.. Тинмай терлаб, тинимсиз кўз ёши тўкиб, ялиниб-ёлвормайманми?.. Лекин у пайтда ортга қайтишнинг иложи бўлмайди... Калта энгли кийимларда ҳам терлайман-ку, терлашимга сабаб бўладиган нарса асло тасаттур эмас. Сабаби бу бўлганида ҳам, Раббим учун нималардан воз кечишим мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмайманми?..

Ҳали ўранмай туриб тасаттурни ечиб юборсамчи деган кўрқув босди. Нега ечай? Агар нима учун ўранганимни, ким учун ўранганимни билсам, қайси сабаб уни ечишимга асос бўла олади? Мен бошқаларга ёмон намуна бўлиш мумкинлиги ҳақида



эмас, ундан муҳимроқ нарса ҳақида ўйлашим керак эмасми? Қандай ўранишим кераклиги Аллоҳнинг амри экан, қандай қилиб нотўғри ўранишим мумкин?.. Фақатгина сенинг хою ҳавасларинг билан Аллоҳнинг амрларини аралаштириб юборсам, бу масалада хато қилишим мумкин, эй нафсим.

Ўша сассиқ ҳожатхонада кўркувдан титраганча ўзим билган барча сураларни, дуоларни ўкиган, Раббимдан мени қутқаришини сўраган эдим. Агар ўша куни тасаттурли бўлганимда, ўша ерга борган бўлармидим? Дир-дир титраган ўша қизнинг бада-нида мен ҳам ҳар куни, ҳар соат, ҳар сонияда эриб адо бўлармидим? Мен учун мутлақо нотаниш қизнинг жон талвасасига гувоҳ бўлган бўлармидим? Агар ўша куни тасаттурли бўлганимда, ўша даврага қўшилишдан ҳаё қилган бўлардим, тушуняпсанми, нафсим? Тасаттурим мени ўша куни ҳимоя қилган бўларди.

Мен нималарга толибман ўзи? Ер ёрилса-ю, ичига кириб кетсам, дейдиганим шу ҳаётда нимани иштайман? Ўзимни дунёнинг бўёқлари билан бўяётиб, сенинг хоҳишларингга бош эгган кўйи охира-т ҳаётим учун берилган ваъдалардан воз кечган бўлмайманми, нафсим?..

Афв эт, ё Раб!

Сенинг амрингга танлаш мумкин бўлган нарса-дек қарабман.

Афв эт!

Сени яхши таний олмаганим учун Сен берган
мавқенинг беқиёслигини соялардан, бегона елка-
лардан, ўзга диёрлардан қидирибман.

Афв эт!

Менга нозил қилганинг оят, менга юборганинг
амр мени асрашга қаратилгани ҳолда раҳматингни
кўра олмабман, ўзимни ундан маҳрум қилибман.

Афв эт!..





Кўм-кўк осмоннинг иси сингиб кетган тўлқинларнинг шундоққина ёнидаги сув ўтлари чирмаб олган қояларнинг устида уйғондим бугун. Гўёки коинот бугун буткул ўзгача, худди менга салом бераётгандек, Худди хонамдаги ҳамма нарса менга кўл силтаяпти, хайрли тонг деяпти. Онам ҳам бугун ўзгача кулаётгандек. Миттивой кўшиқ куйлаб мени кутлаётгандек.

Нонушта пайтида ўзимни тутолмай сўрадим:

– Бугун эрталаб қайси дуолар билан устимни ёпиб қўйдингиз, онажон?

Онам кулибгина қаради. Аллоҳим, оналар ҳар доим кулсин, фарзандлари уларни ҳар доим кулдирсин-да.

– Эрталаб ойнага қарадингми? Ўзингни, юзингнинг қанчалар ёришганини кўрдингми? Оҳ, менинг нозли қизим! Сенинг бу ҳолатингни неча ойдан бери кутаман. Қандай қилиб кулмай? Қандай қилиб дуо ўқимай?..

Яхшиямки, мени ўз ҳолимга ташлаб қўймадингиз, онажон! Яхшиямки, мени ўша зулматлар ичида

кўрмадингиз. Кошки айта олсам сизга, кошки ҳар бир хотирамдаги чорасизлигим ҳақида сўзлай олсам. Оҳ, кошки илк лаҳзадаёқ ёнингизга учиб келсайдим, кошки қочмасайдим, онажон!

Бу сўзларнинг орасига ҳатто ҳавонинг зарралари ҳам кириб боришидан кўрқаман, уларни юрагимнинг тубида саклашнинг залворини мен айтсам ҳам, билиб олаверинг, онажон, майлими? Сизга қарай олмаётганимнинг сабабини бошқа кўзларга нигоҳ ташлаб кўзларимни кирлатганимдан деб ҳисоблайверинг. Биламан, мени ҳеч қачон бежиз ўпмагансиз, ҳеч қачон менга бекордан-бекор жаҳл қилмагансиз.

Энди тушуняпман, онажон, Раббим қачон мени севишини эслатишни истаса, сизни васила қилди, сиз эса ёноғимдан ўпиб кўйдингиз.

Қачон хатога йўл кўйсам, сизнинг оғзингиз билан мени огоҳлантирди.

* * *

– Типирчилаётганингга қараганда, нимадир демоқчисан, шекилли.

– Дарров қандай сеза қолдингиз, онажон?

– Оналар ҳамма нарсани сезади. Ўзинг ҳам она бўлганингда билиб оласан.

– Ҳалиги, онажон...

Қандай айтаман?.. Тоғу тошларга, тупроғу сувга, қушлару қумурсқаларга тасаттуримга қовушишга

қатъий қарор қилганимни ҳайқиргим келяпти-ю, қайси сўзларни танлашни билмай каловланиб ўтирибман. Онам эса гапирақол энди дегандек менга қараб турарди. Ўша лаҳзаларда қандай бўлди билмайман, оғзимдан шу сўзлар отилиб чиқди:

– Онажон, мен энди Раббимнинг ҳар бир амрига бўйин эгишни, сочимнинг ҳар бир толаси қадар тавба қилишни истайман...

Лекин онам кутганимдек на хурсандчиликдан қийқириб юборди, на мени кучоқлаб олди. Ҳолбуки, тасаттур ҳақидаги қароримдан онамнинг ҳам, Миттивойнинг ҳам хабари йўқ эди. Сал аввал айтганларимни ўзим ҳам эшитдимми? Бошқа оилалар каби “Ҳали эрта, олдин ўқишингни тугат. Бу шунчаки ҳавас, ўтиб кетади”, демаса керак, ҳойнаҳой. Йўқ, онам бунақа нарсаларни гапирмайди. Хўш, унда бу жимликнинг сабаби нима? Бошимни кўксидан кўтариб, юзига қарасам, нима бўлганини билиб оламан, бироқ бунга журъатим етмаяпти.

Бир маҳал онамнинг кўзидан ёшлар думалай бошлади. Елкалари силкиниб йиғлаётган эди у. Бу ёшлар шукрнинг даракчисими, Раббим? Менга “хайрли бўлсин” дейишидан олдин Сенга шукроналик келтиришимми? Дарвоқе, неча ойдан бери бу уйда ҳеч кимнинг мен билан тузук-қуруқ гаплашишига рухсат бермадим-ку... Мен Сен билан гаплашишни ўргангунча онам ҳамма нарсани Сенга айтиб берган бўлса керак. Ахир мен билан боғлиқ

истакларини кимга етказишни жуда яхши билади. Шу сабабли кетма-кет савол ёғдириб, нималарнидир суриштиришга тушиб кетмади...

– Онажон?..

– Сени илк бор қўлимга олганимда хаёлимда фақат ҳазрат Ҳаннанинг кизи ҳазрат Марям учун қилган дуоסי бор эди: “...Албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тиларман”¹¹.

Иффатинг энг қимматбаҳо сарпонг бўлишини сўраганимда қорнимда биринчи марта тепганингни ҳис қилган эдим. Ҳозир эса улғайиб, менга хуш-хабарлар беряпсан. Ох, болажоним! Солиҳалардан бўлгин! Неча ойлардан бери чеккан азобларингнинг ҳосиласи тасаттур бўлди. Сени менга берган Раббимга ҳамдлар бўлсин, сени марҳамати билан сийлаган Раббимга шукрлар бўлсин...

* * *

Инсон тасаттурга кирган заҳоти ойнада соатлаб ўзини томоша қилишни исташи, ўша оятдаги буйрукни адо этаётганидан хурсанд бўлиши қанчалар ажиб туйғу.

Ё Раб! Бу менманми? Қанчалар бошқача кўриняпман ўзимга, гўё ўзимни эндигина топгандекман. Йўқолиб қолган эканман, ана энди топиб олдим ўзимни.

¹¹ “Оли Имрон” сураси, 36-оят

Гўё руҳим рўпарамда туриб олган-да, менга тикилиб тургандек. Худди ўзим билан биринчи марта танишаётгандекман. Бошингизнинг устига қўнган кушни чўчитиб юбормаслик учун ҳаракатларингизга алоҳида эътибор қаратиб, эҳтиёткорлик билан юрасиз-ку, шунга ўхшаш нарса экан. Худди бошимда гўзал бир омонат бордек, фақатгина вужудимга эмас, руҳимга ҳам қалқон бўлаётгандек. Чиндан-да, шундай эмасми? Узоқдан қараганда, бир парча матодек кўринади, лекин маъносини уқсангиз, жуда кўп нарсани айтиб беради сизга.

Ё Раб! Бир парча мато ҳам Сенга яқинлашишига васила бўлар экан, ўтинаман, мени остонангдан айирмагин...



Ўзимни топиб, чиғаноқнинг ичидаги дурга айланганимдан бери неча ой ўтди, аниқ билмайман.

Бугун бошқа заминга, бир пайтлар мен шошапиша тарк этган шаҳарга қадам қўйдим... Совук ҳаводан нафас олганча талабалар ётоқхонаси сари равона бўлдим. Ҳатто нарсаларимни ҳам олмай чиқиб кетгандим бу ердан. Хонамга чиқиб дам олишим, кейин университетга боришим керак. Бу шаҳарга илк бор келганимда озодликка эришдим деб ўйлагандим, ҳолбуки, ундай бўлиб чиқмади. Ҳозир буткул бошқачаман, бошим тик, жавобсиз қолган саволларим йўқ.

Ётоқхонанинг олдига келганимда кўз олдимда бир воқеа жонлангандек бўлди: ярим кечаси биров мени хонамга олиб бориб қўйишга уринганини элас-элас эслайман. Лекин бундай нарсаларга тайёрланиб келганман: ташлайдиган ҳар бир қадамимда ўтмиш ўзини кўрсатаверади, мен эса бисмиллоҳни қайта-қайта такрорлаганча на йўлимдан қайтаман, на қароримдан. Илк бор бу ётоқхонага қандай кирганимнинг умуман аҳамияти йўқ, ҳозир



эшикни очаётиб ўзимга нисбатан қатъий ишонч ва дуолар билан киряпман ичкарига.

Ётоқхона ходимаси Асмо опа мени табассум билан қарши олди. Уни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим, унинг ҳам ҳайрати кўзларида намоён эди. Асмо опа ҳам тасаттурланибди, ўранибди. Мени қаттиқ қучоклагач, ёш қалққан кўзлари билан юзимга анчагача тикилиб қолди.

– Шунчалар чиройли бўлиб кетибсан, нигоҳларинг шунчалар тозаки! Қўнғироқ қилиб, бўш хона бор-йўқлигини сўраганингда, кўзларинг бунчалар чакнаб туришини ҳеч ўйламагандим. Кетганингда ҳаммамиз хафа бўлган эдик... Яхшиям, кетган экансан!

Жавоб қайтаришга кучим етмади. Ҳа, яхшиям, кетган эканман бу шаҳардан, ёлғон дунёмдан, умуман, ҳамма нарсадан... Баъзан қайтарилиши керак бўлган жавобнинг ўрнини самимий қучоклашиш эгаллайди, биз ҳам Асмо опа билан бир-биримизни қаттиқ қучокладик. Хонамнинг калитини берганида, аввалги хонамнинг рақамини кўрдим. Салгина қалқиб тушган бўлсам-да, балки юзлашим керак бўлган ҳамма нарсани ўчириб кетарман, деб ўйладим.

– Ётоқхонадан нарсаларингни ҳам олмай кетган эдинг, балки ўз қўлинг билан йиғиштиришни истайдиган хотираларинг бордир деган хаёлга бордим. Хона сенинг насибанг экан, у ерда яшаган талабамиз бир ҳафта аввал уйига қайтди. Ташлаб

кетган нарсаларингни оилангнинг илтимосига кўра омборхонага олиб қўйганмиз, хоҳласанг, у ердан олишинг мумкин.

– Омборхонагами? Уйимдагилар сизга қўнғироқ қилишдими? Улар билан қачон гаплашдингиз, Асмо опа?

– Сен кетганингда... Онанг қўнғироқ қилганди, жуда хавотир олган экан, бирор муаммо борми деб сўради. Ҳеч қандай муаммодан хабарим йўқлигини айтдим. Ортингдан дуо қилиб қолдим...

* * *

Сукунатдан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун хонам жойлашган қаватга лифтда эмас, зиналардан чиқдим. Хонанинг эшигига келганимда чуқур нафас олдим-да, ичкарига кирдим.

Буюмларнинг жойи ўзгарибди. Ётоқнинг рўпарасидаги ойна ўрнида йўқ, нариги хонада экан. Демак, мендан кейин келган қизнинг бошқа муҳимроқ ишлари бўлган. Пардани очиб осмонни кўра оладиган ҳолатда ётоққа чўзилдим. Инсон самога тикилиши билан атрофидаги гавжумликдан узоқлашади, қандай ажойиб!

Қизик, булутлар ҳам биздан, ер юзидаги бу талотўпдан, жанжалларимизу шовқинимиздан шикоятчимикин?..



* * *

Телефонимнинг кўнғироғини энди уйғонмоқчи бўлган вақтимга эмас, бомдод намозининг вақтига кўра созлаяпман.

Инсоннинг ҳаёти ўзгарса, телефони ҳам ўзгарар экан. Бомдодни ўқиб бўлиб, деразанинг олдига эндигина ўтирган эдимки, телефоним жиринглади. Онам экан! Ишончим комилки, бу сафар хавотирланиб эмас, бомдодга туриб-турмаганимни билиш учун кўнғироқ қиляпти. Энди мен ҳам шоша-пиша эмас, ҳузур билан жавоб қайтара оламан.

Шаффоф бўлиш қанчалар чиройли, ислом қанчалар гўзал!..





Энди бу университет билан ҳеч қандай алоқам қолмади.

Соҳил ҳавосидан нафас олиб, кўз ёшларим тўкилган денгизга табассумларимни ҳадя этиш учун кумларнинг устида оҳиста қадам ташляпман. Бу ҳолимни ҳам кўришинг керак, дедим. Қуёш қиздирмаган, лекин илитган сувларнинг орасида салом берар эканман, қадамларимни янада секинлаштирдим. Соҳилга оҳистагина урилаётган тўлқинларнинг шовқинига қулоқ солган кўйи чой ичгим келди.

Сумкамни очишим билан термосимга кўзим тушиб, яна бир бор табассум қилдим. Авваллари ўзим билан либосимга мос нарсалар олар эдим, энди эса термосимнинг устида “Аллоҳ бизга кифоя” деб ёзилган.

Термоснинг қопқоғини очгач, стаканнинг тўлишини кутар эканман, бир неча қадам наридан овоз эшитилди:

– Чойхўрликка биз ҳам қўшилсак бўладими?

Асмо опа экан. “Албатта”, деб жавоб қайтарар эканман, ёнидаги қизни кўриб, хайрон бўлиб қол-

дим. Бу ўша, университет тамаддихонасида суҳбатига гувоҳ бўлганим қиз эди. Уни таниб қолганимдан қанчалик хурсанд бўлган бўлсам, мени таниб қолишидан шунчалик кўрқдим. Асмо опа исмларимизни айтиб, бир-биримизни таништирганида бу кўрқув сал бўлса-да ўтиб кетди, лекин таништирувнинг ортида нимадир борлигини сезиб, ичимда безовталиқ уйғонди.

Тамаддихонадаги бир оғиз гапи билан эсимда қолган бу қизнинг исми Жайдо экан.

Денгизга тикилиб ўтирган Жайдо бир маҳал мен томонга ўгирилди-да, “Биласанми...” дея сўз бошлади.

– Биласанми, сени университетда кулимсираб турганингни кўрганимдаёқ бошқаларга ўхшамаслигингни сезган эдим. Жуда ҳам чиройли бўлиб кетибсан, кўзларинг ёниб турибди!

Жавоб қайтариш учун Жайдонинг юзига қараганимда, нигоҳи қанчалик гўзаллигини кўрдим ва фақатгина табассум қилиш билан кифояландим.

– Аслида сен билан бир масалани гаплашмоқчиман. Асмо опа билан шунинг учун келдик.

Қизиқ, уларнинг бу ергача келишга мажбур қилган масала нима экан? Аввал атрофимда бўлган танишларим ҳақида сўрашмаса керак, ҳойнаҳой, улар билан алоқамни узганимни Асмо опа билади.

– Нима тўғрисида гаплашмоқчисизлар? Очиғи, қизиқиб қолдим.

– Бундай мавзу ҳақида қандай сўз бошлаш мумкин, билмайман... Сен ҳақингда Асмо опа билан анча суҳбатлашдик. Бу ерга келишимнинг сабаби опанинг сен ҳақингда айтганлари, сендаги ўзгаришнинг доимий эканлигига ишонгани. Тўғриси айтсам, сен ҳақингда кетганингдан кейин суриштирган эдим. Яъни амакиваччам Али сени биринчи марта сўраганида...

– Амакиваччангми? Уни танийманми? Мени нега сўради?

– Менимча, айтмоқчи бўлганларимнинг энг қийин қисми ҳам шу бўлса керак. Ҳалиги... Бу ерга келганингда кўлингга чамадон билан ётоқхонанинг олдида турганингни Али кўрган экан. Сендаги ўзгариш, ҳаётинг ҳақида сўрашимни илтимос қилди. Ётоқхонада фақатгина Асмо опани танийман, шу сабабли ундан сўрадим. Мени нотўғри тушунма, ниятимиз дўстлик таклиф қилиш, сени ҳаромга ундаш эмас. Агар сен ҳам розилик билдирсанг, балки охират ҳамроҳи бўлишингиз мумкин деб ўйладик...

Охират ҳамроҳими? У йигит ким ўзи? Кетганимдан хабардор бўлса, демак, мени танийди. Мени таниса, демак, хатоларимдан ҳам хабардор. Шунга қарамай, мен ҳақимда сўрабдими?..

Икки бетим лов-лов ёниб, бошимга қаттиқ оғриқ кирди. Худди дунё тезроқ айлана бошлагандек туюлиб кетди. Юрагим ҳам жуда тез уряпти. Айтишим мумкин бўлган барча сўзларни бирданига



ютиб юбордим, шекилли, кўнглим беҳузур бўла бошлади. Кетишим керак, дедим-да, у ердан тезгина узоқлашдим. Қанча вақт юрдим, қанча йўл босдим, умуман билмайман, лекин кўлимдаги стаканга қуйилган чой аллақачон совиб қолганди.

Ўзимга келганимда, ҳатто стаканни нима учун ушлаб турганимни ҳам тушуна олмадим. У ердан қандай туриб кетдим, стаканни бир бурчакда қолдириш нега хаёлимга келмади?..

Ҳам ўзимдан жаҳлим чиқар, ҳам айб иш қилиб қўйганим ҳақида ўйлар эдим. “Амакиваччаси ким ўзи?” деган савол эса миямни буткул банд қилиб олди.

Охирги айрилишга келганимни кўриб, ётоқхонага қайтдим ва тезгина хонамга кириб кетдим...



Талабалар ётоқхонасига олиб борадиган йўлнинг бошидаги ўриндикда ўтирганча онамларни кутар эканман, вужудим уйғонмаслик учун чиранаётган эди. Лекин чап томонда метронинг эскалаторидан келган шовқиндан уйғониб кетдим. Яхшилаб қарасам, кимдир эскалатордан шошганча тушиб келяпти. Охирги пиллапояга беш метрча қолганида эгилиб телефонини олди. Шунча шовқин ўша телефондан келаётган экан. Йигитча совиткични очиб, музқаймоқ идишининг ичида овқат борлигини кўрган боладек хафа эди. Ёнидаги дўсти уни юпатишга тушиб кетди.

Шу маҳал ота-онамни кўриб, уларга пешвоз чиқишга ошиқдим. Инсон нимани яхши кўрса, ўшандан айрилишни истамайди, нимани севса, унга қовушишга интилади.

Она-да, онамнинг илк саволи мен ҳақимда бўлди:

- Нонушта қилдингми?
- Сизлар билан нонушта қилиш имконияти бўла туриб, бу имкониятни бой беришим мумкинми?



– Ундай бўлса, бизни ўзинг энг яхши кўрадиган жойга олиб бор, – деди отам.

Олиб боролмайман, ойлаб вақтимни олган ўша кафега қайтиб қадам босолмайман. Дарвоқе, мен энг яхши кўрган жой ўша ер эди, а? Одам ҳайхотдек шаҳарда бир жойга боғланиб қолса, қолган ерларни кўзи кўрмас экан. Бироз ўйланиб тургач, асосан оилалар борадиган “Чодир қишлоғи” эсимга тушди. Бу ерга янги келган пайтларимда Асмо опа бу кафени мақтайвериб эси кетган, агар боришни истасам, ёрдами тегиши мумкинлигини, чунки кафенинг эгаси қариндоши эканлигини айтган эди. Демак, у ерга бориш бугунга насиб қилган экан. Бироқ бугун дам олиш куни бўлгани учун кафе гавжум бўлади, олдиндан кўнғироқ қилиб, столга буюртма бериб кўйиш керак. Ҳозир қайси юз билан Асмо опага илтимос билан кўнғироқ қилишим мумкин, ахир ўша кундан бери ҳатто кечирим ҳам сўраганим йўқ.

Кафега кетар эканмиз, интернетдан у ернинг телефон рақамини топдим. Шукр, бўш жой бор экан. “Чодир қишлоғи” денгиз кўриниб турадиган тепаликда жойлашган экан. Тарихни эслатувчи безаклар билан безашибди. Атрофдан қайсидир дарахтнинг ҳиди таралиб турибди, лекин бу айнан қайси дарахт эканлигини билолмадим.

Официант отамга жойимизни кўрсатаётганида орқадан онам билан қўлтиқлашганча кириб келдик. Онам кўлимдан шунчалик маҳкам ушлаб олган

эдики, гўё “Энди биздан ҳеч қачон ажралма”, демокчи бўлгандек. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар эканман, бу ерга аввалроқ келмаганим учун ўзимни койиётган эдим. Оила қанчалар улкан ҳузур экан, атрофимда на шовқин бор, на безовта қиладиган нимадир. Кираверишдаги тошларнинг ҳар икки томонига гуллар экилибди. Лекин бу ерга мафтун бўлиб қолма, хўпми, нафсим? Дунё сенга ҳар доим ҳам гуллар ўсиб турган йўлларни тортиқ қилмайди, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам бундай йўллардан ўтмаганлар, унутмагин, бўптими?..

Нонушта келтирилишини кутиб ўтирар эканмиз, қўл ювишга кетган онам Асмо опа билан бирга қайтиб келганини кўрдим. Юзимнинг қизариб кетганига қуяйми, нима қилишимни билмай қолганимга, Асмо опанинг бу ерда эканлигигами?..

– Нега бу ерга келишингизни менга айтмадинг, Зайнаб? – деди Асмо опа гина қилгандек, сўнг отам билан саломлашди.

Жавоб қайтариш навбати менга келганди. Хато қилгандим, ранжитишни хоҳламагандим, лекин нима дейишни билолмаётгандим. “Айни пайтда Раббим нима қилишимни истаган бўларди?” деган ўй хаёлимдан ўтар экан, кулимсираганча Асмо опани кучоқладим ва “Жуда хижолатдаман”, дея шивирладим.

Опа “Сени тушунаман”, дегандек қараб қўйдида, онамдан қачон келишганини ва қачон қайтиш-

ларини сўрашга тушиб кетди. Онам “Қахвани бир-га ичайлик”, деб қўймагани учун “Бизникилар ҳам ичкарида нонушта қилишяпти, уларга хабар бериб келай”, дейишдан бошқа чораси қолмади.

Сал туриб кўлида қахвалар билан қайтиб келган Асмо опа бу ер қариндошларига тегишли эканлиги ҳақида гапирар эди.

– Аслида сен танийсан, Зайнаб, – деди менга қараб. – Жайдо бор-ку, ўшаларники бу ер, тўғрироғи, амакиси билан шериклар.

Яна нимадир дедими, эшитмай қолдим, лекин Асмо опанинг Жайдо билан қариндош эканлиги мени хайратга солди. Опа Жайдонинг қариндоши бўлса, демак, ўша йигит Асмо опанинг ҳам қариндоши экан-да!..

– Жайдонинг онаси менга она томондан қариндош, – дея тушунтирди опа.

Ота-онам ҳеч нарсадан беҳабар уни эшитиб ўтиришар эди. Буни қара-я, ҳам ўша куни соҳилда уларни ташлаб, қочиб кетдим, ҳам бугун уларнинг кафесида нонушта қиляпман. Кинога ўхшайди дейми ёки тушга?..

Камига Асмо опанинг онаси ҳам келиб, онам билан танишди ва дастурхонларига таклиф қилди. Қўрққаним юз берадиганга ўхшайди: ҳадемай Жайдо билан ҳам юзлашсам керак. Узр сўрашим кераклигини биламан, эртами-кечми унга дуч келишимни ҳам, лекин шунча гап-сўздан кейин улар билан

бир дастурхонда қандай ўтираман?.. Хаёлимдан шу фикрлар чарх урар экан, онам мен томонга эгилиб: “Қизим, чой ичиб қайтамиз, бормасак, уят бўлади”, деди. Онамга эътироз билдира олмай, унинг ортидан эргашдим.

Ичкарига кирар эканмиз, кўзимни ердан узмаётган эдим. Овозлардан тушундимки, Асмо опанинг отаси отамни бошқа столга таклиф қилди, онам ва мен бошқа столга ўтаётган эдик. Қанчалик этиборли инсонлар экан! Асмо опанинг онасининг кўлини ўпаётганимда Жайдо пайдо бўлди ёнимизда. Ҳеч нарса бўлмагандек мен билан ўпишиб кўришди, онаси ва янгаси билан таништирди. Ҳа, янгаси ҳам ўша ерда экан! Ўтирган жойимда нима қилишни билмас, отамлар ўтирган стол томонга қарашга хатто кўрқаётган эдим. Онамлар аллақачон суҳбатга киришиб кетишган, биз уч киши эса жимгина ўтирардик. Лекин нимадир дейишим керак эди.

– Жайдо, Асмо опа, илтимос, мени кечиринглар. Мендан рози бўлинглар. Қандай тушунтиришни ҳам, нега ундай қилганимни ҳам билмайман. Уялдим, кўрқиб кетдим... Балки, ғалати эшитилаётгандир, чиндан ҳам, кўрқдим...

Жайдо ҳам, Асмо опа ҳам кулимсираганча қараб туришарди. Табассум, ҳақиқатан, юқумли экан, сўзга ҳожат қолдирмас экан, Жайдо “Розимиз” деяётганида шунчалик чиройли кулаётган эдики, ўрнимдан туриб кучоқлаб олмаслик учун ўзимни



аранг босдим. Бизнинг табассум отамлар ўтирган столдаги қахқаҳа билан бир пайтга тўғри келгани учун беихтиёр ўша томонга ўгирилдим. Столда уч киши бор эди: Асмо опанинг отаси, менинг отам ва бир йигит...

Шундоққина чой ичамиз-у, қайтамиз деб, бир неча соат қолиб кетдик. Ниҳоят, онам йўлда чарчашганини айтиб, қайтиш учун рухсат сўради. Отамни ҳам чақиртиргач, туркча урф бўйича эшикда беш дақиқа хайрлашдик. Кейин машинага ўтириб, йўлга тушдик. Энг қизиғи, отам кечки овқат учун сўз бериб келибди. Одатда бундай нарсалар учун онамдан сўрамай розилик бермасди. Қолаверса, ҳозир ётоқхонага қайтишимиз, уйқусизликдан толиққан отам дам олиши керак эди. Нималар ҳақида суҳбатлашишганини сўрашга уялдим, онам эса отамдан бу уйқусизликка қандай чидаши ҳақида сўраётган эди.

Шу пайт телефонимга хабар келди. Қарасам, Асмо опа “Кечкурунга махсус бирор нима хоҳлайсанми?” деб сўрабди. Аслида опанинг саволи таом ҳақида эмасди, мени безовта қилган нимадир бўлдим-йўқми, шуни билмоқчи эди. Яхшиямки, бугун ишламайди, ётоқхонада учрашиб қолмаймиз. Раҳмат айтиб хабар юбораётиб, отамнинг онамдан: “Қизимиз аслида ишончли жойга жойлашган экан. Нега бундай бўлди?” деб сўраганини эшитиб қолдим.

Машинада фақат отам гапираётган эди. Қизиғи, жаҳли чиқмаган, шунчаки билишни хоҳлаётган

эди. Чиндан ҳам, нега бундай бўлди ўзи? Нафсимга енгилдим десам, мени тушуна оласизми, ота? Бу сиз учун ишонарли сабаб бўла оладими?..

Онамнинг қандай жавоб қайтаришини кутиб, ичим қизиётган маҳал азон овози эшитилди.

– Ана, азон чақирияпти. Келинлар, анави масжидда намозни ўқиб олайлик, кейин меҳмонхонага борамиз, – деди у.

Онам бармоғининг учи билан кўрсатган ўша масжид отамнинг “Нега бундай бўлди?” деган саволининг, эҳтимол, ягона жавоби эди...

* * *

Ҳикоямнинг бошига, мен канот чиқариб учган уйга қайтдим. Ўша шаҳарда нима бўлса, ортимда қолдириб қайтдим.

Тавба бизни кирлардан халос қилади, оқлайди, поқлайди. Мен ҳам шундай қилдим. Мен тавбам билан чиққан бу уйдан аввалгиларни йўқ деб ҳисобладим.

Фидо бўлишни истадим, нафсимни қуллигим – бандалигимга фидо қилишни хоҳладим...

Қандай бўлди, ўзим ҳам тушунмай қолдим, кечки овқат пайтида Али билан танишдим.

Ўша куни уни кўриш учун ҳатто бошимни кўтара олмадим.

Отам қўлларимдан ушлаб, кўзларимга тикилганча “Али билан танишишни хоҳлайсанми?” деганида уятдан лов-лов ёнган эдим.

Уйга қайтишимиз бир неча кунга кечикди. Асмо опанинг далдаси ва Раббимнинг изни-ла бир йигит билан танишадиган бўлдим. Ҳаяжон қолаб олди вужудимни. Буларнинг бари менга янги одимларни ўргатаётган эди. Агар эски аҳолим бўлганида нафси билан сакраб-сакраб юрган куёндан фарқим бўлмасди, ҳозир эса умматга фойда келтирадиган оила қуриш ҳақида ўйлаяпман.

Эҳ дунё, энди сенинг кўнғирокларингга жавоб қайтармайман, мендан ўпкалашинг, мендан хафа бўлишинг мумкин, ихтиёр ўзингда.

Аслида ишқ деганлари ўзингни кўярга жой тополмай қолишинг, сочларингга мовий чечакларнинг тақилиши ёки йўлларингда гулларнинг очилиши эмас экан.

Аслида ишқ деганлари Раббимнинг санъат асарини Раббим учун ишташ экан. Раббим истаганидек бўлмаса, мен учун ҳам бўлмасин дея олиш экан.

Аслида ишқ фонийлик ичра ҳаяжон излаш эмас, балки Раббим томон сафар чоғида ҳамроҳлик қиладиган инсонни қидириш экан. Қўлларини ушлаганча уларга Раббимнинг ҳадяси ўлароқ назар ташлаш, ҳовучингда Раббимнинг севгисини ушлаб туришинг экан.

* * *

Тўрт девор ичидаман, лекин бу сафар сиқилиб кетмаяпман. Деворларга бориб урилаётган фикрларим йўқолиб қолишини эмас, аксинча, ҳар томонга тарқалиб кетишини хоҳлаяпман. Тарқалсин ва қулоғим эшитадиган овоз бўлиб қайтиб келсин. Акс ҳолда бу ҳаяжонни қандай ҳазм қила оламан?.. Аллоҳим, менга янги калималар ўргат, билганларим Сенга ҳамд айтишга етмай қоляпти... Бир уй хоҳлаган эдим, Аллоҳим, ҳар бир бурчагига шукр уруғларини қадаш учун, ҳовучимда ўстириш, ҳузурингда чўккалаган кўйи Сенга тақдим қилиш учун. “Бўл!” дединг, Раббим, ҳозир ўша “Бўл!” деганинг уйнинг ичида тайёргарлик кўряпман. Мен бир неча кун кейин кирадиган бу уйнинг калитини энди сумкамда олиб юрибман. Охириги марта қачон бекинмачоқ ўйнаганимни эслолмайдиган даражада вақт



Ўтибди юрагимдан, лекин дунёдан яширинганларим ҳеч тугамабди, Аллоҳим. Қўркмаяпман, билманки, Сенинг номингни айтиб ташлаган ҳар бир кадамимда оила йўлимни, албатта, Сенинг ўзинг муҳофаза қиласан.

Мен Сенинг номинг билан йўлга чиқдим, Сенинг номингга боғландим, албатта, йўлимни ҳам Сен кўрсатасан.

Бу қарорни қандай қабул қилдим деб ўйласам, унинг биргина гапи кулоқларимда жаранглайди: “Сени кўришим билан гўёки ичимни табассум чулғаб олди. Қайрилиб, яна бир бор қарай олмадим. Ҳаром бўлади, дедим... Озроқ сув борми, дедим...”

Ўша сув юзимдаги ҳаром назарларни тозалашга қасд қилган ҳолда худди кўзларимдан оққандек бўлди. Шундан кейин қандай қилиб яна бир марта йўлимда кутишга аҳд қилгани ҳақида сўрай олмадим. Агар мендан сўраганида, нима дер эдим, билмайман, лекин бу ҳойнаҳой мен учун қилинган дуоларнинг рўёби бўлса керак...

Ана шуларни хаёлдан ўтказганча қўлимда яшил челак билан буюмлари жойлаштириладиган охириги хонанинг эшигига келиб қолибман. Жайдо эса рўпарамда менга тикилиб турган эди. Эҳтимол, овозимни чиқариб хаёл сургандирман, лекин унинг энди қалбимдагиларни ҳис қила олаётганини пайқаяпман. Юзидаги табассумини яширишга уринаётгандек эди. Мен эса ҳолимдан мамнунман. Инсоннинг

қалбига хузур бағишлаган ҳис бежавоб қолмаса, оёқлари янада қувватлироқ бўлар экан. Янада кўпроқ югуриш, кўпроқ йўқ босиш, янада кўпроқ инсонга табассум ҳадя қилиш учун уринар экан...

Хаёлимда турфа ўйлар билан хонани тартибга келтирар эканман, ичкаридан Жайдонинг овози эшитилди. Шу пайт чой ичиб, озроқ тин олишга қанчалар эҳтиёжим борлигини ҳис қилдим. Бундай пайтларда меъдам Аллоҳнинг неъматлари билан, руҳим эса унинг зикри билан тўяди.

Чойдан ҳўплар эканман, Жайдо: “Уйингизнинг энг яхши томони телевизорнинг йўқлиги экан”, деб қолди.

Аслида бу Али билан дастлабки қоидаларимиздан бири эди. Телевизорга, сериалларга тикилиб вақт ўтказишни ҳар иккимиз ҳам истамаймиз. Бу уйдаги ҳаёт азон вақтлари билан тартибга солинади. Бизни бошқарадиган нарса мана шу бўлиши керак. Ҳамма ҳам Жайдо сингари ўйламаса-да, қабрга бир ўзимиз тушишимизни эсласак, қароримиз тўғри бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Чунки уйга нима ни олмаслик, чегараларни қаерда қўйиш ҳам муҳим, зеро, булар охират учун тайёргарликдир.

Жайдонинг юрагидан чиққан бу мақтовини тинглаётиб унинг оғзидан мен эшитган илк сўзларни эсладим. Қанчалар қийматли нарса бу! Биз танишган ҳар инсоннинг биринчи бўлиб айтган сўзлари бизга Аллоҳни эслатадими? Охирги сўзлари-чи?..



Жайдони шундай эслар эканман, унинг мени дастлаб қаердан ва қандай кўрганига қизиқиб кетаётган эдим. Лекин сўрай олмасдим. Алига: “Мен бир неча фасл олдин туғилдим, ундан аввали зимистон эди”, дедим. У эса: “Мен ҳам сени худди ўша фаслда танидим, чунки тавбанинг фаслини қаерда кўрсам, танийман”, дея жавоб қайтарди. Устига-устак, унинг оғзидан чиққан кейинги сўз оғриқлардан кейин қалбимга кириб келган янги ҳаёт мисоли бўлди: Алфидо...

– Биласанми, Зайнаб, сенинг фаслингдан қутқарилишнинг иси келяпти. Мен қаерда кўрсам ҳам таниб оламан деган фаслинг Алфидоликни намоён этипти. Ҳа, Зайнаб, сен тап-тақир чўлларга қадаган фидойилик уруғлари тупроқ юзасида ниш урар экан, сенинг фаслинг ўз исмини ўзгартиряпти. Сени Зайнаб деб чақириса-да, сени менга танитган бу озодлик сендан кейин менга бир Алфидони қолдириб кетди. Сени талабалар ётоқхонасининг эшигида такроран кўрганимда, таквимнинг саҳифалари фаслга мос алмашар экан, кўзларингдан кўркув оқаётган эди. Сени ким кўрса, “Зайнаб қайтибди!” дерди, лекин мен ундай демадим.

Алфидо шамоли эсди! Жўка баргларини ёмғир томчилари ҳўл қилди ва мен энди нигоҳимни сендан олиб қочишим керак эди. Кўркув билан қараб турган кўзларинг қадамларингни қатъий ташлаб турганингдан беҳабарга ўхшамасди. Бир парчанг эсингдан чиқиб қолган-у, ўшани олгани келганга

хам ўхшамасдинг. Ўтиб кетаётиб шунчаки кириб ўтганга эса умуман ўхшамасдинг. Фидо қилмоқчи бўлган ҳар бир нафасингни сарфлаган ҳар бир кунингдан айириб олишга келгандек қараб турардинг. Сени ким кўрса, “Зайнабнинг нигоҳларида кўркув бор!” дерди, лекин мен ундай демадим.

Алфидо шамоли эсди! Жўка баргларини ёмғир томчилари ҳўл қилди ва мен энди нигоҳимни сендан олиб қочишим керак эди. Юсуфнинг қудуғида ҳам сен эдинг, Юсуфни кудукқа ташлаган биродарлари ҳам сен эдинг, лекин ичингда улғайган алфидолик Юсуфга тегишли кўйлакнинг сирининг тагига етгандек эди. Сени ким кўрса, “Зайнаб донг қотиб қолибди!” дерди, лекин мен ундай демадим.

Алфидо шамоли эсди! Жўка баргларини ёмғир томчилари ҳўл қилди ва мен энди нигоҳимни сендан олиб қочишим керак эди. Бу шаҳардан бир Зайнаб кетган эди, унинг ортидан кузатиб бормадим, аммо бу ерга бир Алфидо келди, эс-ҳушим у билан ортга қайтди. Унинг фасли менинг фаслимга мос келган эди, Али энди Алфидосини қидиришга тушди. Жўка баргларини ёмғир томчилари ҳўл қилар экан, ҳамма “Зайнаб келди!” деди, мен эса нигоҳларимни сендан, сени нигоҳларимдан асрадим. Насиб қилса, сабаблар йўл очади ва ўша йўлдан илдамлаётиб қадамларимнинг изи қолади, дедим. Акс ҳолда ким кўрса, “Зайнаб кетди”, дер эди, бироқ мен “Алфидо” қолди деган бўлардим.

Мана шунақа, инсон инсонни жароҳатидан таниб олади. Биласанми, мен сенга нақ мавсумида учрадим. Дунёда қолдирган нафасингнинг охират оҳангидан таниб олдим. Айтдим-ку, Алфидо шамоли эсди! Жўка баргларини ёмғир томчилари хўл қилди ва мен энди нигоҳимни сендан олиб қочишим керак эди.

Хуш келибсан, Алфидо!

Хуш келибсан!

* * *

Рўпарамдаги каттагина қутини аввалига сезмай қолибман. Биз олиб келган қутилардан эмас, чунки оғзи очиқ. Алининг нарсалари бўлса керак деган хаёлда қўлимни узатдим, ичи тўла пойабзал қутилари экан. Аввалига ҳайрон қоларлик ҳеч нарса йўқ эди, ахир бу ер энди унинг ҳам уйи, никоҳдан ўтишга атиги бир неча кун қолди ва пойабзалларининг бу ерда бўлиши табиий ҳол, албатта. Ичимдан алланечук ҳис яна бир бор қутига назар ташлашга ундади. Қайси кечанинг зулмати эди бу хароба? Юрсам, неча одимлик мажолим қолганди? Бу дунё хайҳотдек лабиринтмики, ичида адашиб қолдим? Бирор ўткинчининг қўлидан ушласам, узр десам... Кейин илтимос қилишдан воз кечсам. Бу қандай бўлиши мумкин? Йўқ, ўзи бу нима дегани? Нотўғри эслаётган бўлишим мумкинми? Ҳа, балки, васваса эди бу, акс ҳолда ўша пойабзалнинг нима иши бор



эди у ерда? Шошма, сал тинчланиб олишим керак, катта шаҳарда худди шундай пойабзал бошқасида бўлиши мумкин эмасми?

Бўлиши мумкин, тўғрими?

Балки, кейинчалик олгандир бу пойабзални.

Ранги, шакли бир хил экан деб мен ўша эшикнинг олдида кўрган кўк пойабзал Алига тегишли бўлиши мумкинми?

Ўзимга тасалли беряпманми ёки ҳақиқатларни аяб ўтирмай юзимга соляпманми?..

Менинг миямда турфа фикрлар ғужғон ўйнаётган бир пайтда отам билан Али хонадан чиқиб кетишди. Уйда бир ўзим қолганимдан фойдаланиб, ўзимни қўлга олишим керак. Ўша кеча ётоқхонада эшикнинг олдида турган кўк пойабзал Арданики эдими ёки Алиники? Юрагим тавбанинг ҳарорати билан Арданики дер, ақлим эса Алиники дея такрорларди. Мен истаган нарса ҳақиқатмиди ёки мен кўрқаётган нарса? Мен эслаган пойабзал ҳозир қўлимда ушлаб турган пойабзал бўлса, демак, Али хамма нарсадан хабардорми?..

“Ким кўрса, “Зайнаб кетди”, дер эди, бироқ мен “Алфидо” қолди деган бўлардим”, деганда нимани назарда тутди Али? Билиб туриб чиқдимми бу йўлга ёки менинг тавбамга боғланган ҳолдами? Шу сабабли Алфидо деб атадимени?

“Сени шунча вақтдан кейин тасаттурли ҳолатда ётоқхонанинг эшигида кўрганимда ичингда кураш

кечаётгани шунчалик ошкор эдики, ҳеч нарсани тушунтиришинг керак эмасди. Ташлаган илк қадаминг шунчаки ортга қайтишинг эмаслигидан дарак бериб турарди”, деганда нимани назарда тутди? Мени ётоқхонага олиб келган Али эдими? Лекин Алининг ундай жойларга бормаслигига ишончим комил, ўзимдан кўпроқ унга кафил бўлишим мумкин.

Ўша кунларни бу уйда эслаш азобга сола бошлади. Ёниб кетяпман. Ҳатто эслашимнинг ўзиёқ хиёнатдай туюлиб кетяпти. Ҳатто тўсатдан очилган эшик ҳам мени ўзимга келтира олмади. Али кириб келди, мен эса ҳамон айни жойда турар эдим.

Аҳволимни изоҳлаш, гапни нимадандир бошлашни истаган бўлсам-да, оғзимдан мутлақо бошқача савол чикди:

– Пойабзалларингни қайси токчага қўйай?

Ниҳоят, гапира олдим, нимадир дейишнинг удасидан чикдим. Аммо Али миқ этмаётган эди. Бундай жимликдан безовта бўлиб бошимни кўтарганимда, Али қўлимдаги пояабзалга тикилиб турганини кўрдим. Пойабзални олар экан, асабиймиди, хавотирдами, хафами ёки хижолатдами, англолмай қолдим.

– Сен овора бўлма, – деди мулойимлик билан. – Бўшаган қутиларни машинага олиб тушай, кейин ўзим ҳал қиламан.

Бу пайтда отам ошхонада бўшаган қутиларни эшикнинг олдига ташиш билан овора эди. Мен эса

ҳеч нарса демай, нарсаларни жойлаштириш учун хонамга равона бўлдим. Эҳтимоллар ҳақида ўйлар эканман, хаёлим дам ўтмишга қайтар, дам келажакка йўл олар эди. Аслида Алфидо менманми ёки Али? Ҳозирги кунга қайтиш қанчалар қийин экан инсон учун. Айниқса, ҳисларинг истаганларинг ҳақида эмас, балки ҳақиқатлар тўғрисида ҳайқариб турса...

Орадан анча вақт ўтиб кетган, Али эса ҳалигача қайтмаган эди. Ўртада турган кути билан яна юзлашишга мажбур эканлигимни ҳис қилдим. Баъзи ҳақиқатлар билан юзлашилганида, балки, азоби оз бўлса-да, енгиллар.

Бир томондан токчаларни артиб, иккинчи томондан пойабзалларни тизаётганимда эшик очилиб, Али кириб келди. Келишга келди-ю, мен токчага охирги бўлиб қўйган пойабзал кўк эмасди. Дарҳол Алининг оёқларига қарадим.

– Сенда ҳам йўк!

– ...

– Ўзим жойлаштираман деб олган эдинг кўк пойабзални, энди эса йўк, оёғингда ҳам йўк. Шу ерда эди, тўғрими? Шу ерда эди-ку!

– Ҳа, лекин...

– Лекин?..

Сўзлар тугаб қолган, бир-биримиз билан жимгина гаплашаётган эдик. Хаёлимдан ўтганлардан кўрқаётган, худди неча соатдан бери миямни банд

этган нарсалар ҳақида Али бақирешга тушадиган-дек туюлди. Лекин унинг ҳам кўзларида хавотир намоён эди, унинг ҳам кўнгли оғриганга ўхшарди.

Али тўғри айтган эди, менинг фаслим унинг фаслига мос келди. Ёмғир томчилари жўка дарахтининг баргларини ювар экан, нигоҳимни ундан олиб қочишимга тўғри келди. Унга ўхшаб мен ҳам жим бўлишим керак эди.

Лекин...

Сен ўшамидинг?

Ўша сенмидинг, Али?

Янглиш йўллардан ўтиб, денгизга тушиб кетганимда, эндигина сув ютишим билан мени кутқариб қолган сенмидинг?

Агар сен бўлсанг, у ерда нима ишинг бор эди, Али? Сен ҳам боришни маъқул кўрдингми? Менинг пойабзалимни киймасанг, кетмайман дейиш осон бўлади, деган эдим, мен ҳам сенинг пойабзалингни киймай туриб сени саволга тутяпманми?..

Сенинг пойабзалингни киймадим, Али. Ўша кеча сенинг қадамларингни ташламадим, сен қаерда бўлганингни ҳам билмайман, ўша одимлар сеники эканлигига ишончим комил эмас. Лекин... лекин... Агар сен тавбамни таниган фасл сенинг фаслингга тўғри келган бўлса ва сен ҳам ўша баҳорнинг хавосидан нафас олган бўлсанг, ичимдаги ваҳший махлуқ яширинган жойидан энди ташқарига чиқса майлими?..

Умуман савол бермадинг, чурқ этиб оғиз очмадинг, Али. Ҳозир бу ерда жимгина ўтириб, сенинг сассизлигингга қулоқ солар эканман, шуни яхши тушундимки, қўлини теккизмай ҳам севиши мумкин экан инсон. Тамом бўлдим деган жойида тузалишни истасин экан, Аллоҳ қанчадан-қанча эшикларни очиб юбораркан. Сен ҳар оқшом бу эшикни калит билан очмоқчи бўласан, мен эса оёғингнинг товушини эшитиб, сен ҳали калитни қулфга солмасдан олдин эшикни очман. Ҳар гал эшикни очишга ошиққананда яна бир марта шукр қиламан, Али....

* * *

Ишқнинг бели ингичками ёки қўлингдаги стаканнинг белими¹² деб сўрашади. Аммо шуни билки, энди сенга қаердан сўзлаётганимни биламан. Бир пайтлар ўзим юзини ҳам билмаган балиқнинг қорнидан овоз беряпман: товушим бўғиқ, ўзим ҳорғинман, исмим Алфидо, ичимда фиғон. Мен юзини таниб олган дунё балиғининг қорнидан сал туриб қисилиб чиқиб кетадигандек ҳадикдаман. Қадамларинг ва пойабзалларинг қаерда яширилган, билмайман, лекин бу ерларга назар ташлагудек бўлсанг, мен сенга тухфа қилган пойабзални кийиб ўтишинг мумкин бу йўллардан. Балки сал кичикроқ келар, балки каттароқ. Эътибор берма! Бу дунёдаги

¹² Турклар чой ичишда ишлатадиган анъанавий стаканнинг бели ингичка бўлади.

қайси кафан сенинг бўйингга кўра ўлчанади ўзи?
Тўйинг учун махсус тиктирилган, калтароқ ва тор-
роқ қилинган ўша либос гўё сенинг ҳукмдорингдек
бўлган бўлса, ўлганингда сен ўраладиган кафандан
асло шикоят қилмайсан, торроқ ёки кенгроқ бўлиб
қолибди демайсан.

Сезяпсанми?

Сезяпманми?

Чой совиб қолди, Али ухлади.



Ўша кеча мени кудуқнинг тубидаги дунёга таклиф қилганлар талабалар ётоқхонасининг эшигигача олиб келиб, лекин ичкарига кирмасдан қочиб кетишгани ҳақида умуман оғиз очмади.

Ўша кеча эсанг шамол билан йўлимга тавофук¹³нинг тушганини умуман гапирмади.

“Жўкалар”, деди. “Алфидо”, деди.

Жим бўлди...

Пойабзаллари учун охирги бекат сифатида уйимизнинг рўпарасидаги чиқинди қутисини танлади.

Балки, эсларман деб...

Балки, журъатимни йиғиб, савол берарман деб...

Балки, уй ичини хижолатпазлик тутиб кетса деб...

Ва билганимни умуман билмади.

Қадарга қанчалик ёпишганимни умуман билмади.

Дастурхонининг бош қаҳрамони бўлмиш мени — Алфидосини мендан яхшироқ таниб, қанчалар чиройли қарашини билишимни...

На менинг овозим чиқди, на Алининг.

Лекин энг кўп ҳовучларимиз сўзлади. Совқотганида бошпаноҳ, оғриганида дуо бўлди, сўнг айни қиблага очилган ҳовучдан бир оят тўкилди:

¹³ Мувофиклик, мослик

“Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл...”¹⁴

Албатта, Унинг ўзи кифоя...

Унга сиғинишни билганларга, Унга бўйсунишни ишқ деб ҳисоблайдиганларга, севгини саждада топганларга, ўлиш учун яшайдиганларга, исмидан айрилиб Алфидо бўлганларга, қайтадан тириладиган кунни Рабби томон ошиқиш деб ўйлайдиганларга...

Албатта, кифоя...

Кифоянинг нима эканлигини билганларга, Ундан бошқа илоҳ йўқ дер экан, юрагидаги бутларни парчалаб ташлаганларга, Унинг ҳузурида хижолат тортиб қолишдан кўрққанларга...

Албатта, кифоя...

Кифоя қилгувчиларга кифоя қилди...

“Асосий масала Юсуф бўлиб қудуққа тушиши ёки ўша қудуқдан Юсуф бўлиб чиқиши? Инсонни қудуқ ўзгартирдими ёки Юсуфнинг феълими?” дея сўради.

Ҳатто зиндонни ҳам мадраса-и Юсуфия¹⁵га айлантириш, аввало, қудуқнинг ҳаққи бўлиши мумкин эдими?.. На қудуқ ўзгарди, на зиндон.

Лекин у мудом Юсуф бўлиб қолди...

Ҳаёт давом этди.

Қушлар учди.

Миттигина дунё сайёҳи бўлмиш Алфидо Холиқини қидиришга тушди...

¹⁴ “Бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя ва У қандай ҳам яхши вакил” (“Оли Имрон” сураси, 173-оят).

¹⁵ Юсуф алайҳиссалом ташланган зиндонга ўхшатиш; дин ва Қуръонга хизмат қилгани учун маҳбусга айлантирилганлар сақланадиган жой, хибсхона.

ҚАЙДЛАР УЧУН



ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ОНУР ҚОПЛОН

“АЛФИДО”

“Мисбаҳ китоблари” жамоаси

Лойиҳа муаллифи: Шаҳзод Рамазонов

Лойиҳа директори: Бекзод Рамазонов

Таржимон: Аброр Адҳам ўғли


Муҳаррир: Анвар Қораев


Бадий муҳаррир: Дилфуза Салиходжаева

Саҳифаловчи: Ҳабибуллоҳ Болтаев


Ижтимоий тармоқлар бўйича масъул: Дилшод Алиев


Ушбу китобнинг ўзбек тилидаги таржимасининг барча ҳуқуқлари “Мисбаҳ китоблари” жамоасига тегишли бўлиб, рухсатсиз нусха кўчиришнинг барча турлари шаръан ҳаром ҳисобланади ва қонунан ман этилади.

 +998941211020

 misbahkitoblar

 misbahkitoblar

 misbahkitoblar

 misbahkitoblari

Лицензия рақами: АИ № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 05.07.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғози.

Босма табағи 12,0. Шартли босма табағи 20,16.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 119.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Ёшлар магбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlod@mail.ru

20000

Онур Қоплон

30000

Алфидо

Бир ҳикоям бор... Йўнилган қоялар
орасидан телбаларча кўпириб тошган бир
томчи сувда ғарқ бўлганим ҳақида...
Ўзим ҳам билмайдиган бир балиқнинг
қорнидан сўзлаяпман сенга. Бу ер
зимистон ва хилват жой. Мен эса
қоронғиликдан жуда қўрқаман...
Сенга дўстларча қўл узатяпман: сенинг
ҳикоянгда сенга пойабзалимни туҳфа
қилиш учун, менинг ҳикоямда мени ту
олишинг учун.
Илтимос, менга яхши қарагин...



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

-  / misbahkitoblar
-  / misbahkitoblar
-  / misbahkitoblar
-  / misbahkitoblar

ISBN 978-9943-20



9 789943 208094